

ҚАНДАЙ ОИЛА

«кўп болали оила»
деб ҳисобланади?



5

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ:

Хитой тажрибаси бизга
қанчалик мос келади?




9

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№34

(1964) 2020 йил
8 — 15 октябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

тўлиқ барҳам
топмадими?

6

БОЗОРЛАРДА НАРХЛАР ОШДИ:

бунинг сабаби
нимада?

11

Уйғониш учун бир ЖОН ҚУРБОН

бўлиши керакмиди?

24

Болаларни КОРОНАВИРУС

хавфидан қандай
ҳимоялаймиз?

27

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР

яна бир инқилобдан
дарак бермоқдами?

29

РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН:

10 йилдан
кейин уни
қандай
тасаввур
қиламиз?
3.



ҲОКИМЛАРНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛМАДИМИ?

4.

МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

2021

ОБУНА
ИНДЕКСИ: 148

КЕКСАЛАР ҲАФТАЛИГИ



НУРОНИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

«Кексалар ҳафталиги» доирасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси Республика бошқаруви томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Ёшлик» ва «Бўстонабод» маҳаллаларида «Кексалар доим эъзозда» шиори остида ўтказилди. Тадбир давомида ижтимоий кўмакка муҳтож 70 нафарга яқин нуроний отахон ва онахон чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Дунёнинг бирор жойида кексалар бизнинг юртдагичалик эъзозланмайди, — дейди «Бўстонабод» маҳалласида яшовчи Ҳасан Икромов. — Кексага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш бизга боболардан меросдир. Ҳукумат қарори билан октябрь ойининг биринчи ҳафтаси «Кексалар ҳафталиги» деб қабул қилиниши ушбу ноёб қадриятларимизни янада мустаҳкамлайди.

* * *

Тошкент вилояти Қибрай туманида ҳафталик доирасида «Жамоатчилик назо-

ратини самарали ташкил этишда кекса авлод вакилларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, маънавий-маърифий учрашувлар, чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ва хайрия акцияларининг аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Ногиронлиги бор кексалар учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ташкил этилиб, даволанишга муҳтож бемор кексаларга тиббиёт муассасаларига йўлланмалар берилди. 20 нафардан ортиқ кексалар ҳолидан хабар олинди, уларга совғалар тарқатилди. Шу билан бирга, туманда кексаларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида «Саломатлик учун беш минг қадам» акцияси ташкил этилди.

Ғулом ХИДИРОВ
«Mahalla»

САНЪАТ

«МАҲАЛЛАДОШЛАР» НОМЛИ 25 ҚИСМЛИ СЕРИАЛ ЯРАТИЛАДИ

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамда «Хужжатли ва хроникал фильмлар» ДУК томонидан «Маҳалладошлар» номли 25 қисмдан иборат сериал яратилади.

Мазкур сериалда давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан ўзбек маҳаллалари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари ёритилади.

Сценарий муаллифи Шойим Бўтаев, постановкачи режиссёр Санжар Бобоев, постановкачи оператор Сардор Анваров, постановкачи ассистент Исобек Эгамбердиев. Ҳозирда сериалнинг режиссёрлик сценарийси устида иш олиб борилиб, актёрларни саралаш жараёни кетмоқда. Сериалнинг тугаланиш муддати 2021 йилнинг биринчи қисмига мўлжалланган.

Замира ШУКУРОВА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



ЯНГИ БИНО ИМКОНИАТЛАРГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Амударё тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Маматов, Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири С.Турманов, Амударё тумани ҳоқими С.Йўлдашев ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Куннинг иккинчи ярмида тумандаги бир қатор фуқаролар йиғинлари биноларининг моддий-техник базаси ва бу ерда ходимларнинг самарали фаолият юритиши учун

яратилган шароитлар атрофлича ўрганилди. Жумладан, Қиличбой овул фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилётган ишлар кўздан кечирилиб, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд ва

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш юзасидан йиғин ходимларига зарур таклиф ва топшириқлар берилди.

Севинч ҲУСАНОВА.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфова Оҳангарон туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳолининг турли қатлами, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишди.

Мулоқотлар чоғида уларнинг талаб ва истакларига эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, ташриф давомида «Ойбулоқ» маҳалласида яшовчи Гулзира Турғунбоева ва унинг II гуруҳ ногиронлиги бор фарзанди Ойдин Турғунбоеванинг ҳолидан хабар олинди. — Маҳалла фаоллари доимий равишда ҳолимиздан хабар олиб туришади, — дейди Г.Турғунбоева. — Бугун ҳам ўзимизни қийнаётган масалалар бўйича муурожаат қилдик. Вазир ўринбосари ногиронлик аравачасига эҳтиёжимиз



борлигини инобатга олиб, бу масалада амалий ёрдам беришини билдирди.

Шунингдек, Г.Маруфова ишдан ташқари 4 нафар фарзанди таълим-тарбияси билан машғул бўлаётган ва шахсий томорқадан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад топаётган хонадон келини Шахло Турғунбоевага алоҳида миннатдорлик билдириб, унинг ҳаёт тажрибаси бошқа хотин-қизлар учун ибрат ва намуна эканини таъкидлади.

Имона ИБРОҲИМОВА.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

700 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» маҳалласида янги тикув цехи ишга тушди. Икки сменада фаолият олиб бораётган цехда 350 тадан 700 тагача янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

— Маҳалламизда тикув цехининг иш бошлагани айни муддао бўлди, — дейди шу ерда ишловчи С.Бекназарова. — Меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган, замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган. Муҳими, иш жойимиз уйимизга яқин, оиламиз, фарзандларимиздан ҳам кўнглимиз тўқ.

Ишга кириш истагини билдирганларга аввал тикувчилик сирлари ўргатилмоқда. Ҳозиргача тумандаги 428 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлса, шулардан 150 нафари мазкур цехда иш бошлади.



Г.ХОЛМУРОВА.



Шавкат Мирзиёев Россия, Қозоғистон, Тожикистон президентлари билан телефон орқали мулоқот қилди.



РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН: 10 йилдан кейин уни қандай

тасаввур қиламиз?

«Электрон поликлиника», «E-mehmon» тизими, «Mobile banking» иловаси... Охирги йилларда ҳаётимизга шу каби кўплаб янги тушунчалар, янги хизматлар кириб келди. Масофадан туриб ишлаш, онлайн хизматлардан фойдаланиш, вақт ва ресурсни тежаш имконияти пайдо бўлди. Буларнинг бари бугун дунёда шиддат билан тараққий этаётган рақамли иқтисодиётнинг мевасидир.

Ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ўсиб борапти. Жумладан, ҳозирда бу кўрсаткич АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоиз, Россияда 3,9 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса рақамли иқтисодиётнинг улуши сўнгги беш йилда 2 фоиздан ошмаяпти. Шунингдек, ҳозирда Ўзбекистон электрон ҳукумати ривожлантириш бўйича 193 та давлат орасида 87-ўрин, фуқаролар билан мулоқотда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича 46-ўринни банд этган.

Албатта, бу кўрсаткичлар биз кутаётган, биз мақсад қилган марралардан анча паст. Демак, соҳага «янги қон» керак. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони билан айна йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, қарор билан оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини амалдаги 41 минг километрдан 250 минг километрга етказиш, кенг полосули мобиль алоқа билан қамраб олиш даражасини ҳозирги 78 фоиздан 100 фоизга олиб чиқиш режалаштирилган. Электрон ҳукумати ривожлантириш бўйича дунёда 87-ўридан энг юқори 30 талик рўйхатга кириш, электрон давлат хизматлари улушини амалдаги 34 фоиздан 90 фоизга олиб чиқиш, давлат хизматлари порталидан фойдаланувчилар сонини эса ҳозирги 276 мингдан 2,5 миллионга етказиш белгиланди.

Хўш, юқоридаги кўрсаткичларга қандай эришилади? Бунинг учун қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда? Уларнинг ижроси қай тариқа амалга оширилади?

Биллинг тизими қачон ривожланади?

Ҳозирда давлат идораларининг аксариятида биллинг тизими ўрнатилмагани фуқароларнинг овора-



гарчилигига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 30 та идора томонидан олинган 150 турдаги давлат божидан 12 фоизи Ягона биллинг тизимига уланган. 46 фоизи эса ҳамон банк кассалари орқали тўланади. Аксарият идораларда электрон шаклда маблағни қабул қилишга мўлжалланган ахборот тизими мавжуд эмас.

— Фармон билан юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли «йўл харитаси» тасдиқланди, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Жаҳонгир Шукуров**. — Бу орқали 40 дан ортиқ давлат ташкилотлари Ягона биллинг тизимига босқичма-босқич уланади. Мазкур тизимда тўловлар амалга оширилганини тасдиқловчи расмий электрон квитанция жорий этилади. Тўловларнинг онлайн ҳисобини юритувчи тизим мавжуд бўлмаган идоралар учун эса махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилади. Натижада 2021 йил 1 августдан давлат божлари, йиғимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимда тўлаш имконияти яратилади.

«Рақамли идора» қоғозбозликка чек қўядими?

Айтиш керакки, давлат органларида алоҳида рақамлаштириш бўйича идоравий дастурларнинг мавжуд эмаслиги мазкур йўналишда ягона ёндашув шакланмаётгани ва бюджет маблағларининг ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасига назар ташланса, масалан, Жанубий

2022 йил 1 январга қадар қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомиллар рақамлаштирилади.

Кореяда 100 фоиз электрон маълумот алмашиши тизимига ўтилиши натижасида дастлабки икки йилда 1 миллиард доллар бюджет маблағлари иқтисод қилинган.

Эндиликда юртимизда ҳам Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда Адлия вазирликлари тизимида «Рақамли идора» лойиҳаси амалга оширилади. Бу орқали 2022 йил 1 январга қадар қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомиллар рақамлаштирилади. Фаолиятнинг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланади. Қоғоз айланмасининг чекланиши, иш жойидан чиқмаган ҳолда тегишли ҳужжатни манзилга етказиш, қоғоз харид қилиш учун сарфланган маблағни тежаб қолиш имконияти яратилади.

Интернетсиз «Рақамли Ўзбекистон»ни барпо этиш мумкинми?

Кўплаб қишлоқларда интернет тугул, оддий мобиль алоқа сифатининг пастлиги, ҳатто SMS юбориш ҳам муаммо экани — кўп бора кўтариб чиқилган, кенг жамоатчилик орасида муҳокама этилган, ҳатто қизиқчилар сатирасига айланган мавзу. Бу ҳолат, айниқса, пандемия шароитида таълим олиш, давлат

хизматларидан фойдаланиш, онлайн тўловларни амалга ошириш жараёнида яна бир бор кун тартибига чиқди. Хўш, стратегияда айна йўналиш ҳисобга олинганми?

— Стратегиянинг дастлабки босқичи — 2022 йилгача умумий қиймати 1,3 миллиард долларлик 23 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади, — дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Мелибоев**. — Натижада 2022 йил якунига қадар барча аҳоли пунктлари 10 Мбит/с дан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига уланади. Шунингдек, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳам узлуксиз Интернет билан таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳат: қарор билан 2022 йил 1 январга қадар барча машҳур сайёҳлик жойларида юқори тезликдаги Интернет учун шароит яратилади. Бу эса, ўз навбатида, сайёҳларга қулайлик яратиш баробарида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини ҳам беради.

Шунингдек, стратегия доирасида аҳоли ва тадбиркорларнинг рақамли саводхонлигини тубдан ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади. 203 та информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Тажриба тариқасида жисмоний шахсларга идентификация ID-картасини беришда давлат органлари билан электрон муносабатларни йўлга қўйиш учун унинг шахсий кабинети шакллантирилади. Барча учун очиқ бўлган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматлар электрон платформаси яратилади.

* * *

Ўзбекистон кўзлаган марра аниқ: ривожланган мамлакатлар сафига қўшилиш! Бунинг ягона омили — ислохот. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси эса бизни ана шу муваффақиятларга элтади. Бу, ўз навбатида, аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида инсон иштирокини кескин камайтириб, бюрократия, қоғозбозлик ҳамда коррупциянинг сезиларли даражада камайишини таъминлайди. «Электрон ҳукумат» тизими бу борада мустаҳкам пиллапоё вазифасини ўташига ишончимиз комил.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



**«Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари»
портали ишга тушади.**

Айни пайтда барча оммавий ахборот воситаларида битта хабар: «Туман ҳоқими халқдан кечирим сўради». Ҳозиргача Касби, Конимех, Томди, Балиқчи ва бошқа туманлар ҳоқимлари ҳудуд аҳолисидан узр сўраб чиқишди. Қизик, негадир кейинги пайтларда кечирим сўраш ҳоқимлар ўртасида гўё «анъана»га айланди. Уларнинг узр сўраш амалиёти кўпаяётгани, бу — жавобгарликдан қочишнинг яхши усулими?



ҲОҚИМЛАРНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛМАДИМИ?

Адашганмиз, халқ билан кенгашмаганмиз, дея одамлардан кечирим сўраган одам, энг қизиғи ва энг ёмони, яна адашишда, яна халқ билан кенгашмасликда давом этади. Қачон пичоқ бориб суякка тегади ёки ҳоқимбуваннинг курсиси қимирлай бошлайди, шундагина одамларга қайишадиган, муаммоларини ҳал қилиб ташлайдиган бир сиймо бўй кўрсатади. Наҳотки, бу ўша одам бўлса, деб танимай ҳам қоласиз.

Яқинда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими орқали биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди. Якуний кўрсаткичларга кўра, 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат «яхши», 119 тасида «ўрта» ҳамда 33 тасида «қониқарсиз» деб топилган.

— Рақамлар изоҳ талаб қилмайди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наврўз Ризаев**. — Атиги 48 та туман ва шаҳарда аҳвол яхши. Берилган шунча имконият, фармон-қарорлар ижроси ўлароқ, 119 та ҳудудда ҳолат яхши эмас. 33 та туманни эса кўяверинг. Ҳали бу туманлар қачон ўзига келади, қачон отини қамчилайди, буниси бизга қоронғу. Афсуски, ушбу ҳудудлар раҳбарларида шижоат, янгиланаётган Ўзбекистон тақдирига бефарқлик кайфияти ҳукмрондек. Ташаббус йўқ.

Ҳоқимлар сайловига тайёрмизми?

Тан олиш керак, ўтган йиллардаги тажриба шуни кўрсатдики, ҳоқимларни тайинлаш тизими айрим ҳолларда ўзини у даражада оқламайпти. Тизим ўсишга, юксалишга хизмат қилмаяпти. Сабаби жуда оддий: вилоят ҳоқимлари Президентга, шаҳар-туман ҳоқимлари эса вилоят ҳоқимига яхши кўринишнинг пайида.

Хўш, ҳоқимларни сайлаш вақти келмадими? Бу ҳақда фикр билдирар экан, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳоқимлар, албатта, сайланиши кераклиги, бироқ бу жараён босқичма-босқич бир неча йил



давомида амалга оширилишини айтиб ўтди.

— Албатта, демократик давлатларнинг ҳаммасида мана шундай жараён, сайлов орқали маҳаллий ижро органлари сайланади, — деди **Танзила Норбоева**. — Бизда ҳам шу жараёнга қадамлар қўйилапти. Кунги кеча давлатимиз раҳбари буни яна бир бор таъкидлаб ўтди. Бизда ҳаммаси босқичма-босқич бўляпти. Биз ҳали ҳоқимлар сайловига ўзимиз тайёр эмасмиз. Аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданияти ортиб, бюджет нима эканини, қонун қанақа ишлаш кераклигини билипти. Барча соҳада аҳолининг сиёсий маданияти, сиёсий билими ошиб борапти. Жараёнга одамларни онги тайёр бўлиб, шу ишни бажарадиган одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам тайёр бўлиши керак-да. Нимагаки, у жараёнларни амалга оширишда эртага ҳар хил кулгили вазиятларга тушиб қолмаслигимиз керак. Шунинг учун, мен ўйлайманки, бу жараён жуда узоққа чўзилмайди. Яқин йиллар деганимда, 5 ёки 10 йил эмас, балки ундан ҳам олдинроқ ҳоқимлар сайловига, албатта, ўтамиз.

Нолойиқ кишилар ҳоқимга айланиб қолмайдими?

Ҳоқимларни сайлаш масаласида охириги пайтларда қарама-қарши фикрлар билдирилмоқда. Кимдир янгилик кутаётган бўлса, бошқа бири «ҳали вақти эмас», деб маслаҳатга ошиқмоқда. Яна бир ҳар қандай янгиликка тўғри шубҳа билан қарайдиган тоифа

бу масалани ҳар томонлама обдон ўрганиб, кейин бир қарорга келишимиз керак.

Бу жараён бизга нима беради?

Эндиликда «қониқарсиз» ҳамда «ўрта» деб баҳоланган туман ва шаҳарларда инқирозга қарши бошқарув тизими жорий этилади. Яъни уларга раҳбарлик қилиш истагини билдирган ҳар қандай талабгор ҳудудни ривожлантириш дастурини маҳаллий Кенгашларда ҳимоя қилиши мумкин. Халқ вакиллари ишонтира олган салоҳиятли кишилар бутун жамоаси билан туманга раҳбар этиб тайинланади.

Хўш, ҳоқимларни сайлаш тизимига ўтиш керакми? Бу жараён бизга нима беради?

— Айтиш керакки, ҳоқимларни сайлаш Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг янги қадами бўлади ва бошқарувни фуқаролик жамиятига ишониб топширишга давлатнинг ўзи журъатлими-йўқми, шуни белгилаб бериши шубҳасиз, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев**. — Шунда сўқинишлар бўлмайди, одамлар билан

ҳисоб-китоб қилиш, уларнинг ишончи ва овози учун курашиш ҳоқимиятларга ҳам кириб боради.

Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарининг ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин. Шу билан бирга, бу жараён ҳоқимларнинг ўзига ҳам яхши: унда мустақил қарор қабул қилиш учун имкониятлар кенгайди ва халқнинг олдида масъулияти ошади. Чунки у ижро ҳоқимияти олдида эмас, балки кўпроқ ўзини сайлаган ҳудудга ҳисобдор бўлади. Бирор қарор қабул қилишдан олдин у ўзини сайлаган аҳоли фикрини ўрганади ва унга таянади. Шунингдек, ҳеч бир ҳоқим ўзини ҳоқими мутлақ деб ҳис қилолмайди. Чунки тизим бунга йўл қўймайди: халқ уни қандай сайлаган бўлса, худди шундай ерга тушириб қўйиши мумкин.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

БУГУНГИ САЙЛОВЛАРИМИЗ ШУНИ КўРСАТИБ ТУРИБДИКИ, айрим ҳолларда аҳоли маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликка берилиб иш тутлади. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, БИЗ БУ МАСАЛАНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОБДОН ўРГАНИБ, кейин БИР ҚАРОРГА КЕЛИШИМИЗ КЕРАК.

борки, улар ҳоқимларни сайлаш кескинликни ошириши, турли воситалардан фойдаланиш орқали тор манфаатларни ўйлайдиган нолойиқ кишилар ҳоқимга айланиб олиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Тўғри, баъзи ҳудудларда шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Лекин ҳозир вазият ундан яхшироқми? Тор манфаатлар учун зимдан интилаётган, қимматли манбаларни самарасиз сарфлаётган, одамларнинг имкониятларини қирқаётган ҳоқимлар йўқми? Сайлов ҳам ким хоҳлаганини қиладиган тартибсиз жараён эмас. У билан боғлиқ қоидалар қонунда белгиланган, улардан четга чиқилганда жавобгарлик мавжуд.

Ҳоқимларни сайлаш керак. Лекин айна вақтда «Сайловчилар шунга тайёрми?» деган масала ҳам бор. Бугунги сайловларимиз шуни кўрсатиб турибдики, айрим ҳолларда аҳоли маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликка берилиб иш тутлади. Шу нуқтаи назардан, биз



**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида
Жамоатчилик кенгаши ташкил этилади.**

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 5 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди. Ҳужжат билан 8 та кодекс ва 10 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳўш, улар нималардан иборат? Одамлар учун қандай қулайлиги бор? Қонунчиликни ўзгартиришга қандай зарурат бор эди?



ҚАНДАЙ ОИЛА

«Кўп болали оила» деб ҳисобланади?

Беш қонунда беш хил талқин, қайси бири тўғри?

Қонунчиликда ҳам, халқ тилида ҳам «кўп болали оила» деган тушунча бор. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу тушунча амалдаги бир қанча қонун ҳужжатларида турлича мезонлар билан белгиланган. Нормаларнинг турличалиги эса давлат томонидан кўп болали оилаларга имтиёзлар бериш жараё-

дан бир нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва касб-ҳунар, олий таълим) ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила сифатида тасниф этилади.

Кўп болали оилаларга қандай имтиёзлар бор?

Қонунчиликка кўра, давлат кўп болали оилаларга қатор имтиёз ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди. Жумладан, улар кўп квартирали уйлاردан имтиёзли кредитлар асосида уй-жой олиши, уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари ҳамда хотин-қизларга ажратиладиган арзон уй-жойлардан уй (квартира) олиши мумкин.



нида тушунмовчиликлар, адолат принципларининг бузилишига олиб келмоқда.

— Ҳозирги кунга қадар «кўп болали оила» тушунчаси 21 та қонун ҳужжатида қўлланилган бўлса, шундан 5 та қонун ҳужжатида турлича кўрсатилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ақшагул Тулегенова. — Шу боис мазкур тушунчанинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш зарурати пайдо бўлди. Оила кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, эндиликда тўрт нафар ва ундан ортиқ 18 ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оила ҳисобланади. Шунингдек, агар тўрт нафар ва ундан ортиқ болалари-

Шунингдек, уларга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан молиявий ёрдамлар кўрсатилади.

— Кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар қарори билан моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев. — Хусусан, бу орқали улар ягона мактаб формаси ва асосий турдаги ўқув қуроллари билан таъминланади, оромгоҳларда дам олиши ташкил этилиб, республика бўйлаб саёҳатга бо-

риши ва келиш харажатлари қоплаб берилади. Кўп болали ота-оналар учун иш ўринларининг энг кам сони туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан белгиланади, шунингдек, ташкилотлар томонидан захирага қўйилади. Бунда болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўрни яратилади.

Бундай оилаларнинг болалари давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича

давлат хизматлари кўрсатишда имтиёзли рўйхатга киритилади. Уй ҳўжалигида қорамол боқиш учун шароит ва имкониятлари, шу жумладан, ер участкаси мавжуд оилаларга бепул қорамол берилиши мумкин. Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод қилинган.

Чеклов чораси бажарилмаса, жарима тўланади

Маълумки, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан ҳимоя ордери таъсис этилди. Лекин, афсуски, ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловларни бажармаганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик масаласи очиқ қолган эди. Шу боис айрим ҳолларда бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар жазодан четда қолаётганди. Уларга тушунтириш ишлари олиб бориларди, холос.

— Эндиликда қонун билан тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ботир Матмуродов. — Бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан 223 минг сўмдан 669 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилади. Шунингдек, эндиликда даъвогарлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан давлат божидан озод қилинади.

Оғир вазнли машиналар ҳаракати чекланадими?

Яна бир янгилик, бу — автомобиль йўларида катта ҳажмли ва оғир вазнли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши натижасида йўлларнинг тегишли таъмир

муддатларигача бузилиши билан боғлиқ. Эндиликда юк ташувчи автотранспорт воситаларининг махсус рухсатномасиз автомобиль йўларида юрганлиги учун маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

Бунда фуқароларга БҲМнинг ўн баравари миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга, юк ташиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса БҲМнинг ўн беш баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маълумки, хорижий ташувчиларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларида юк ва йўловчиларни республикамиз ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида ташиш (каботаж) тақиқланган. Шундай бўлса-да, амалиётга бу каби вазиятларга кўп бор дуч келинган. Шунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 125²-модда билан тўлдирilib, юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйилганда, 4 млн. 460 минг сўм миқдорда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшим-



чалар қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан, 3 ой ўтгач кучга киради.

* * *

Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатда кундалик ҳаётимиздаги бир неча муҳим масалалар инobatта олинган, айрим жазо чоралари кучайтирилиб, миллий қонунчилигимизда гендер масалаларига оид бир неча янгиликлар жорий этилган. Қонуннинг ҳаётга татиқ этилиши аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва, ўз навбатида, давлат органларининг бу борадаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ДАРВОҚЕ...

Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, товар белгисидан охириги 3 йил (илгари 5 йил) давомида Ўзбекистон ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суд қарорига асосан бекор қилиниши мумкин.

Президент мактаблари ўқувчилари Сингапурда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

ТЎЛИҚ БАРҲАМ ТОПМАДИМИ?

Тан олиш керак, узоқ йиллар давомида пахта йиғим-теримида, асосан, болалар ва аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиб келинди. Айниқса, олис қишлоқларда ўқитувчи ўқувчиларини мактабга эмас, пахта даласига етаклаб бориши шарт эди. Мактаб директорлари фермерлар қатори туман ҳокимининг кечки йиғинларида пахта ҳисоботини берарди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб бу каби ҳолатларга чек қўйилди.

Ҳатто бундай мажбурий меҳнатга йўл қўйган мутасаддиларга жиноий жавобгарлик белгиланди. Аммо шундай бўлса-да, бу йил ҳам пахта йиғим-терим мавсуми бошлангач, мажбурий меҳнат, теримчиларга етарлича имконият яратилмаётгани ҳақидаги чиқишлар пайдо бўлди. Наҳотки, жойларда ҳамон мажбурий меҳнат давом этаётган бўлса? Унга қачон тўла барҳам берилади? Теримчиларга қандай имкониятлар яратилган?

Қанча фуқаро мажбурий меҳнатдан азият чекди?

— Терим мавсуми бошланишидан олдин теримчилар учун зарур шарт-шароитларга эътибор қаратилган эди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Акмал Шамсиев. — Жумладан, ётоқ учун 3,3 минг дона шийпон ва 394 дона палатка тайёрланди. Теримчилар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Терим пуллари ҳар беш кунда, зарурат бўлганда, ҳар куни тўлаш бўйича зарур чоралар кўрилган. Бундан ташқари, жойларда илғор теримчиларни рағбатлантириш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Яна бир жиҳат: бир вилоятдан иккинчисига бориб пахта тераётган юртдошларимизга

қўшимча ҳақ тўланапти.

Албатта, терилган пахта учун кунлик ҳақ тўлаш ва теримчиларнинг иссиқ овқат билан беминнат таъминланаётгани ҳақидаги гаплар кишини қувонтиради. Бироқ ҳамма жойда ҳам вазият бирдекми? Мавсум давомида мажбурий меҳнатга умуман йўл қўйилмаганми?

— Юқоридаги ҳолатлар бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан алоҳида ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, республиканинг 86 та ҳудудида 190 дан зиёд мониторинглар ўтказилди, — дейди вазирликнинг Давлат меҳнат инспекцияси раҳбари Қудратилла Одинаев. — Натижада мажбурий меҳнатдан азият чеккан 320 нафардан зиёд фуқаро аниқланиб, 10 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди. Бундан ташқари, банд бўлмаган аҳолини теримга жалб қилиш, теримчилар учун муносиб шароитлар яратиш, терим пуллари ва вақтида берилишида ўз вазифасига совуққонлик билан қараган мутасаддилар ҳам аниқланди. Бунда 44 та ҳолатда мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Энг кўп мурожаат қайси вилоятдан тушган?

Айтиш керакки, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан нафақат таъсир чоралари кўриляпти, балки фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, айбдорларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Хусусан, Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги «Ойдин» маҳалласида ўтказилган ўрганиш натижасида пахта пуллари вақтида берилмагани аниқланди, — дейди Қудратилла Одинаев. — Натижада теримчиларга пахта терим пуллари тўлиқ тўлаб берилди. Шунингдек, Наманган вилояти Поп туманидаги «Artsoft progress» кластери томонидан ҳам терим пуллари ўз вақтида бе-



рилмаётгани аниқланиб, хўжалик раисига маъмурий баённома расмийлаштирилди. Умуман олганда, бугунги кунга қадар Давлат меҳнат инспекциясига мажбурий меҳнат ҳамда меҳнат ҳуқуқлари бузилишига оид 141 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг энг кўпи Қашқадарё (20 та), Тошкент (19 та), Наманган (17 та), Жиззах (16 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Қайд этиш керакки, пахта йиғим-теримида 18 ёшдан юқори бўлган муайян меҳнат билан банд бўлмаган, ишга лаёқатли теримчилар шартнома асосида жалб этилмоқда. Бунинг учун ҳудудларда бандликка қўмақлашиш марказлари аҳолининг 18 ёшдан катта, муайян меҳнат билан банд бўлмаган, ишга лаёқатли ва теримда кўнгилли иштирок этиш истагини билдирган теримчиларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида теримга жалб қилиниб, рўйхат шакллантирилган. Шундай бўлса-да, мурожаатлар мазмунига кўра, 20 та ҳолатда аҳоли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан, 9 та ҳолатда эса банк ходимлари мажбурий меҳнатга жалб қилинган.

Мажбурий меҳнатга қарши ҳамма курашади

Мажбурий меҳнатга бирданига барҳам бериб бўлмайди. Бунга эришиш учун, аввало, фуқаролар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирли-

ги мажбурий меҳнат, хусусан, пахта етиштириш ва уни йиғиб олиш борасидаги ижобий ўзгаришларни давом эттириш мақсадида ҳуқуқ фаоллари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Куни кеча ҳуқуқ пахта ҳосилини йиғиб олишда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, иш берувчиларнинг бу борадаги билимларини ошириш, шунингдек, пахта етиштиришда давлат иштирокини камайтириш ва бу орқали қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, пахта етиштиришни мониторинг қилиб бориш ишларини давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Эътиборлиси, жорий йил пахта йиғим-терим мавсумида дала-ларда эркин мониторинг олиб боришлари учун 20 нафар ҳуқуқ фаолига вазирлик томонидан махсус руҳсатномалар топширилди.

**МУРОЖААТЛАР
МАЗМУНИГА КўРА,
20 ТА ҲОЛАТДА АҲОЛИ
МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР
ЙИҒИНИ ТОМОНИДАН,
9 ТА ҲОЛАТДА ЭСА БАНК
ХОДИМЛАРИ МАЖБУРИЙ
МЕҲНАТГА ЖАЛБ
ҚИЛИНГАН.**

Хулоса ўрнида

Бу йил аксарият жойларда пахта ҳосили яхши бўлди. Шу боис айни кунларда биринчи терим ҳамон тугагани йўқ. Теримчилар эса бир кунда 100 кгдан зиёд пахта тарабди. Меҳнат ҳақи ҳам шунга яраша. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, биринчи терим якунига етади. Иккинчи теримда кўпроқ ҳақ тўлангани билан теримчилар ҳозиргидек даромад ололмайди. Буни пахта оралаб юрган одам жуда яхши билади. Шу боис иккинчи ва ундан кейинги теримларда ўз ихтиёри билан далада қоладиганлар кескин камаяди. Бу мажбурий меҳнатга қарши курашиш яна давом этишидан далолатдир.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

БИЛАСИЗМИ?

Мажбурий меҳнат ҳолатларига гувоҳ бўлсангиз, Давлат меҳнат инспекциясининг «11-76» қисқа рақамига, 71-200-06-00 «Ишонч телефони»га ҳамда www.dmi.mehnat.uz сайтига мурожаат қилинг! «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, жисмоний шахснинг илтимосига кўра, унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги кафолатланади.

Коллеж ва техникумларга ҳужжатларни қабул қилиш
20 октябргача узайтирилди.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган серқирра маърузаси мамлакатимиз маданий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа бўлди. Юртимизнинг кўп минг кишилиқ педагогларидан бири сифатида мен ҳам ушбу чиқишни алоҳида интиқлик билан кутган эдим. Мамлакатимиз раҳбарининг барча нутқларини яхши билсам-да, барибир бугунги мураккаб шароитларда ҳам ўз касбига содиқ бўлиб қолаётган захматкаш устозларга қаратилган навбатдаги мурожаат мазмун-моҳияти мен учун бениҳоя қизиқ эди. Тан оламан, умидларим оқланди.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗНИНГ ЮРАГИ



Зоҳидилла МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси профессори.

Юртбошимизнинг: «...Миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган захматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди» деган самимий сўзлари қалбимда илиқ туйғулар уйғотди. Шунга амин бўлдимки, барча мамлакатлар, жумладан, юртимиз тарихидаги синовли босқичлардан бири бўлиб қолиши муқаррар бўлган бугунги қийин шароитда кенг жамоатчиликка тақдим этилган ушбу маъруза ҳаммамиз, айниқса, педагоглар қалбида муҳрланиб қолади. Зеро, Президентнинг бу чиқиши ҳам эл-юрт равнақини кўзлаган янги ғоя ва бунёдкор режалар билан йўғрилган бўлиб, бундан ҳар қандай зиёли чуқур қониқиш ҳосил қилиши шубҳасиз.

Замон билан ҳамқадамлик зарур

Маъруза таъсирида туғилган айрим мулоҳазаларни қоғозга тушириш учун қўлга қалам олдим. Табиийки, педагог сифатида маърузадаги бугунги ғайриоддий шароитларда таълим тизими мазмун-моҳияти ҳамда услубларининг ўзгариб бораётгани ҳақидаги фикрлар диққатимни тортди.

Эътироф этиш лозимки, таълим тизими моҳиятининг тубдан ўзгариб бораётгани, бу — энг аввало, давр тақозосидир. Зеро, XXI асрдаги дунё тараққиёти хусусиятларидан бири — инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида рақамлаштириш жараёнлари устувор бўлиб бораётганидир.

Таълим соҳасини рақамлаштириш бўйича ҳам мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маърузада таъкидланганидек, «Таълим тўғрисида»ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга руҳсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллари, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди».

Таъкидлаш лозимки, инсоният тожсимон вирус балосига рўбарў келмаган тақдирда ҳам рақамли иқтисодиёт устуворлик касб этиб бораётган бугунги замонда таълим шакллариининг ўзгариши ва уларнинг ривожланган инфо-мацион технологиялар билан уйғунлашуви муқаррар жараён бўлиб қолган эди. Бу мутахассислар учун сир эмас, албатта. Ўрни келганда айтиш жоизки, дунёдаги етакчи олий ўқув юртлирининг барчаси тобора кўпроқ инфо-мацион технологияларга асосланган ўқув-тадқиқот муассасаларига айланиб бормоқда. Зеро, келажак эҳтиёжларини қондиришда айнан инфо-мацион технологиялар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Бундай йўлдан бориш учун рақамли технологияларни эгаллаш, яъни замон билан ҳамқадамлик талаб қилинмоқда. Назаримда, Президент нутқидан чиқадиган манتيкий хулосалардан бири мана шудир.

Учинчи Ренессанс моҳиятида нима туради?

Баён этилганлар ҳақида ўйлар эканман, 2020 йил мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилингани нечоғли ҳикматли қарор бўлганига яна бир қарра инондим. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари айтганидек, бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан

ортда қолмоқда. Демак, таълим соҳасини ҳам ўз ичига қамраб олган рақамли технологияларсиз ҳеч бир мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ.

Таълим соҳаси билан боғлиқ ушбу улкан ишларни амалга оширишдан кўзланган олий мақсад нима? Бу саволга ҳам маърузада аниқ жавоб бор. Унда: «Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак», дейилади.

Президент тарихий ракурсда фикр юритиб, IX-XII асрларда юртимизда — биринчи, XV асрда — иккинчи Ренессанс содир бўлганини эслаб, «Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди», дея таъкидлади.

Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдан кўзланган мақсад ҳақида гапириб, Юртбошимиз: «Буюк аждодларимизнинг бетақрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан сўғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларида етказиб беришлари зарур», деган ибратли сўзларни айтди.

Тарихий анъананинг замонавий кўриниши

Ўрни келганда айтиш лозимки, Президент нутқида зикр этилган бобокалонларимиз эришган ютуқларга янгича жон ва руҳ бағишлашга қаратилган ислохотларни Тошкентнинг қоқ юрагида барпо

этилаётган Ислом цивилизацияси маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўз фаолиятини аллақачон бошлаб юборган ва, ҳеч бир муболағасиз, юз йилда бир марта яратиладиган бу муассаса нафақат юртимиз, балки ундан-да кенгроқ кўламли илму ирфон нуруни тарқатиш билан шуғулланувчи зиё масканига айланиб бормоқда.

«Амир Темур Тузуқлари»да физил-олим кишиларнинг жамиятдаги алоҳида ўрни таъкидланган жойи бор. Унинг моҳиятини Соҳибқироннинг салтанат тақдирига дахлдор масалаларда олимлар билан маслаҳатлашгани ва уларнинг тавсияларини эътиборга олгани ташкил этади. Президентнинг сўзлари қадимий тарихий илдишларга эга ушбу миллий анъананинг замонавий кўринишидай рамзийлик касб этди, назаримда. Чунки унда кўтарилган масалалар кўлами мамлакат ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олгани шубҳасиздир.

Президентимизнинг Учинчи Ренессанс заманини яратиш ҳақидаги эзгу ғояси тарихий Мовароуннаҳрга хос бўлган юксак илмий-маданий ва ижтимоий-сиёсий мақомни янгидан тиклаш, мамлакатимиз таълим тизими ва илмий тадқиқот муассасаларини дунёнинг пешқадам тузилмалари сафига қўшишни таъминлаш, уларни бугунги тараққиёт талаб қилаётган том маънодаги тадқиқотчи-мутахассислар тайёрлаш ўчоғига айлантириш, эл-юрт тақдирини белгиловчи муаммолар ечимини топишда илм аҳли ролини ошириш, юртимиз равнақи ва турмушимиз фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган улкан режанинг «қаймоғи»ни ўзида мужассам этгандир.

Мамлакатимиз шон-шарафини тиклаш ва умидбахш келажакни таъминлашга қаратилган бундай хайрли режанинг амалга оширилишида фаол иштирок этиш ўз юртини севган ҳар бир фуқаро учун шарафдир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг: «Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз» деган сўзларида юртимиз ривожланишининг навбатдаги босқичи бош чизилари мужассамдир.

Узбекистон жаҳонга юз тутаётган бир вақтда аҳоли яшаш тарзи, худудлар инфратузилмасини такомиллаштириш бу йўлдаги бирламчи мақсаддир. Ичимлик суви ва оқова тизими хизматларисиз эса инфратузилма ва тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу болада қатор муаммолар мавжуд. Биргина сув истеъмолида уни керагидан зиёд сарф қилиш, яъни исрофгарчилик кузатилаётганини инкор этиб бўлмайди.

Агар ривожланган давлатларда бир киши кун мобайнида 100-120 литр сув истеъмоли қилса, биргина Тошкент шаҳрида айнан шу рақам 250-300 литрга тўғри келмоқда. Юртимизнинг чекка худудларида эса аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтож. Сув сарфи ва истеъмоли билан боғлиқ бу каби муаммолар унга бўлган талабни кескин ошириб, инфратузилма юкмасини ҳам оғирлаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан ечимини кутаётган қатор масалаларга эътибор қаратилди. Хўш, улар нималардан иборат? Қандай янги тизим йўлга қўйилмоқда? Сув таъминотида хусусий сектор жалб этиладими?

Сув таъминотида қандай ўзгаришлар бўлади?

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида худудий сув таъминоти корхоналари «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти таркибига бирлаштирилди. Галдаги ислохотлар қай тарзда давом эттирилади?

Мавзуга оид маълумот:

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, энг тоза ичимлик суви бўйича Финляндия биринчи, Канада ва Янги Зеландия кейинги ўринларни эгаллайди.

Соҳада шаффофлик ҳамда хусусий секторни ривожлантириш имкониятлари яратиладими?

— Фармонга мувофиқ, давлат ижтимоий буюртмаларини шакллантириш, самарадорликни мониторинг қилиш учун хорижий ва маҳаллий экспертлар жалб қилинади, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Рустамжон



Сатторов. — 2021-2025 йилларга мўлжалланган шаҳар, туман марказлари кесимида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини комплекс ривожлантириш дастури йиғма параметрлари тасдиқланди. Барча жараёнларни ана шу дастур доирасида қамраб олиш режалаштирилмоқда.

— 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ичимлик суви таъминоти ва оқова сув соҳасида инвестиция лойиҳаларини саралаш, амалга ошириш, натижадорлигини мониторинг қилиш маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилинади ва фақатгина уларнинг розилиги билан амалга оширилади, — дейди «Ўзсувтаъминот» АЖ бошқарма бошлиғи **Рустам Ғуломов.** — Ичимлик суви хисоблагичи мажбурий равишда ўрнатилгач, маҳсулот уй хўжалигига ўтказилиб, сарф-харажатлар таъминотчи хисобидан қўлаб берилди. Кўрсатиладиган барча хизмат турлари баҳоси монополияга қарши курашиш ва нарх(тариф)ни тартибга солиш органлари хулосаси олингач, халқ депутатлари худудий Кенгашлари қарори билан тасдиқланади.

Аҳоли сони 15 мингдан кам бўлмаган, марказлашган ичимлик суви этиб бормаган қишлоқлар ҳам обиҳаёт билан таъминланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ижтимоий буюртмаларини бажаришда иштирок этиши мумкин. Бундай лойиҳалар 2021 йилда Андижон, Наманган ва Фарғона, кейинчалик бошқа вилоятларда ҳам амалга оширилади. Келаси йилда Уй-жой

коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига давлат бюджетидан ажратиладиган 14 миллиард сўм маблағ ана шу лойиҳаларни молиялаштиришга жалб этилади.

Тоza, хавфсиз, яроқлими?

Кузатишлар инсон кунига сув ва озиқ-овқат хилларидан 3 кг. истеъмоли қилишини кўрсатади. Тоza, хавфсиз ва сифатли сув эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уни истеъмоличига етказиб беришда ўзига хос жараён шаклланган.

— 2020 йилнинг биринчи ярим йиллик даврида ичимлик суви таъминоти тизими объектларида синов таҳлиллари ўтказилди, — дейди **Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Камолиддин Йўлдошев.** — Таҳлил қилинган 30 164 та синовдан 2 105 таси (7 фоизи)да ичимлик суви белгиланган санитария нормалари ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Тўғри, бу ташвишланадиган кўрсаткич эмас. Аммо аҳолига етказилаётган ичимлик суви ҳамиша тоza, сифатли ва хавфсиз бўлиши зарурлиги Президентимиз фармонининг 12-бандида яна бир қарра эслатиб ўтилдики, бу масала ҳамиша диққат-эътиборимизда туриши керак.

Сув келтирган элда азиз

Қадим-қадимдан шу нақл юради. Сувни ҳаловату осойишталик, ризқ-рўз, бошпана деб билгучи кишилар қора терга тушиб, она ер бағридан оби-ҳаёт чиқаришган. Қақраб ётган биёбонми, тап-тақир ялангликми, сув чиқарган одам улуғланган.

— Тадбиркорлик субъектлари

аҳолини сув билан таъминлашга доир ташаббус билан чиқдимми, молиялаштиришга тайёрмиз, — дейди **Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ижро этувчи директор ўринбосари вазифасини бажарувчи Шерзод Рўзиев.** — Фармонда белгиланганидек, жамғарма маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига насос ва сувни чуқуқлаштирувчи ускуна харид қилиш учун миллий валютада кредит берилди. Кредитнинг 10 миллиард сўмдан ошмаган қисми бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми, хорижий валютадаги кре-

АҲОЛИ СОНИ 15 МИНГДАН КАМ БЎЛМАГАН, МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ ЕТИБ БОРМАГАН ҚИШЛОҚЛАР ҲАМ ОБИ-ҲАЁТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

дитнинг 10 миллиард сўм эквивалентидан ошмаган қисми бўйича фоиз харажатларининг тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизига, лекин 3 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган қисми 3 йил мобайнида компенсация қилинади.

Денгизу океанлар илмини чуқур эгаллаган тадқиқотчи — Жан Ив Кусто: «Ер сайёрасининг 70 фоизи сувдан иборат. Уни «сув сайёраси» деб аташ керак» дея ўн саккиз минг оламнинг бу неъматига юксак баҳо берган эди. Аммо мутахассислар катта миқдордаги бу бойликнинг 97 фоизи океан ва денгизлардаги шўр сув, атиги 3 фоизи ичишга яроқли эканини таъкидлашади. Хукуматимиз томонидан аҳолининг тоza ичимлик суви билан таъминланишига қаратилган барча саъй-харажатлар ана шу жиҳатдан ҳам яна бир қарра ўз аҳамиятига эгадир.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Вьетнамга 219,7 минг АҚШ долларига тенг қалампир экспорт қилинди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ:

Хитой тажрибаси бизга қанчалик мос келади?

Ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мамлакатнинг изчил ривожланиши учун асос бўлади. Бунинг учун камбағалликни қисқартириш зарур. Шу боис кейинги вақтларда юртимизда айна масалага жиддий эътибор қаратиляпти. Албатта, камбағал одамни бойлар, ҳеч бўлмаганда, ўрта синф вакиллари сафига қўшиш осон эмас. Бу узоқ вақт ва маблағ талаб қиладиган вазифадир. Бунга эришиш учун дунё тажрибасини ўрганиш ҳам фойда келтиради.



Хўш, юртимизда камбағалликни қисқартириш учун қандай чоралар кўриляпти? Бу борада Хитой тажрибасидан фойдаланиш назарда тутиляётган экан, у биз учун қанчалик мос келади? Умуман, Хитой тажрибаси нималардан иборат? Шу каби саволларга жавоб топиш учун **Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази сектор мудири Хуршид АСАДОВ**га мурожаат қилдик.



Хитой тажрибаси нимаси билан ажралиб туради?

— Хитойда ҳар бир раҳбар ёки партия ходими халққа ғамхўрлик қилиши ва тўрт-бешта оилани ўз ҳомийлигига олиши керак, — дейди **Х.Асадов**. — Кам таъминланганларга ижтимоий нафақалар ўрнига уруғлар, кўчатлар, микрокредитлар, ахборот хизматлари, технологик ёрдам, мукофот ва бошқа турдаги рағбатлантиришлар ажратилади. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Хитойда камбағалликка қарши курашишда давлат бошқарув аппарати ходимларидан жами 2,9 миллион давлат хизматчиси камбағал қишлоқларга сафарбар этилган. Натижада 800 миллион фуқаро оғир аҳволдан чиқарилиб, Хитойда камбағаллик даражасининг 94 фоизга қисқаришига олиб келди. Эътиборлиси, бу жаҳон миқёсида қашшоқликдан чиқарилган аҳолининг 70 фоизини

ташқил этади. Хитойда 2020 йилда камбағалликка буткул барҳам бериш вазифаси кўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат: инсонлар ўз соҳасининг билимдони бўлмаса, бугунги бозор иқтисодиёти даврида бирон натижага эришиш мушкул. Шу боис Хитойда аҳолига бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш ва молиявий саводхонлик асослари ўргатилади. Бундан ташқари, жойларда маҳаллий чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишлар бўйича курслар олиб борилади. Уларда ҳар бир оила аъзоси камида битта касбни эгаллаши шарт. Бу ўша оиланинг келгусида ўзини ўзи боқа олишига замин бўлади.

Шу билан бирга, муҳтож оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш учун 100 минг юань (14 минг АҚШ доллари атрофида) миқдорида маблағ ажратилади. Маҳаллий ҳокимият кўмаги билан кам таъминланган оилаларда таъмирлаш устахонаси, фермер хўжалиги ёки кичик ишлаб чиқариш цехи ташкил этилади.

дек, юртимизда касб-хунарга ўргатадиган марказларнинг очирилиши, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратирилиши, ишбилармонлик муҳити учун зарур қонуний база шакллантириб борилаётгани айна муддаодир.

Камбағалликка қарши курашиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида жорий йилда 810 мингта доимий иш ўрнини қайта тиклаш, 310 минг янги доимий ва 633 мингта мавсумий иш ўрни яратиш белгиланган. Шу билан бирга, ўзини ўзи банд қилиш турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилиши эвазига камида 100 мингта янги иш жойлари ташкил этилади. Бу каби чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда ўзига тўқ оилалар миқдорини ошириш учун хизмат қилади. Бунинг учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган ва шу асосда иш олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, юртимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган асосий чора-тадбирлар иқтисодий барқарор ва инклюзив ўсишни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган ислохотларда кўриняпти. Бу эса Хитой тажрибасига муштарак кўрсаткич ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш керак?

— Камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда ишсизлик даражасини пасайтиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бунда ишга жойлаштириш имкониятини яратувчи, тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқароларнинг масъулиятини оширувчи, ҳар бир инсоннинг шахсий шароитини ҳисобга олувчи, ўзига мустақил ёрдам бера олмайдиганларни қўллаб-қувватловчи фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш, ушбу мақсадларга жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, фуқароларнинг оилавий бюджетни даромадларини оширишнинг энг самарали шакллари билан бири сифатида касана-

чилик меҳнатини ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини, бозорда талаб юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш лозим.

Ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чоралар кўриш ҳам фойдали бўлади. Айтиш керакки, айна йўналишда жойларда мономарказлар, ўқув курслари ва марказлари ташкил этилмоқда.

Камбағалликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлардан ва аҳоли томорқаларидан мақсадли, самарали фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун иссиқхона қуриш, чорвачилик йўналишларида имтиёзли кредит олганларни ва томорқасида маҳсулот етиштирувчиларни кўчат, чорва ҳайвонлари, уларнинг озуқасини етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи, тадбиркорлик кўникмаларини оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар билан боғловчи тузилмаларни яратиш лозим.

Хулоса ўрнида

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан намуна олиб, иқтисодий барқарорлик учун исталган лойиҳани амалга ошириш мумкин. Аммо жойлардаги мутасаддилар халқ дарди билан яшамас, уларнинг ишончини оқламас экан, бирон натижага эришиш мушкул. Хусусан, камбағал одамнинг ишончини оқлаш, унга янгича руҳ бериш осон эмас. Камбағалликни қисқартириш учун иқтисодий лойиҳалар сафига маърифий дарсларни ҳам қўшиш керак, деб ўйлаймиз. Зотан, улуғларимиз таъкидлаганидек, инсон ўзгаришни, аввало, ўзидан бошламоғи шарт!

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Бугунгача Инқирозга қарши курашиш фондидан жами 5,5 трлн. сўм миқдоридagi маблағлар, шундан 651,3 млрд. сўм соғлиқни сақлаш мақсадларига йўналтирилди. 59,8 мингта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мол-мулк ва ер солиғига ҳисобланган 257,1 млрд. сўмни тўлашдан озод этилди.

Камбағаллик даражаси юқори қишлоқларга масъуллар бириктирилади

— Мамлакатимизда ҳам Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирлик ва идораларни бириктириш ҳамда кўмаклашиш тизими жорий этилади. Бундан ташқари, давлат гранти ҳисобига тахсил олган талабаларни 3 йил муддатга олис ҳудудларга меҳнат фаолияти учун йўналтириш тизими татбиқ этилади. Шунинг-

Фарғонада лимон экспорти 1 миллион 335 минг АҚШ долларига етди.

Тан олиш керак, мамлакатимизда туризм соҳаси тараққий этган бўлса-да, бир муддат унинг бир бўлаги бўлган тоғ туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмади. Аслини олганда, тоғ туризми соҳанинг энг сердаромад ва оммавий тури ҳисобланади. Маълумотларга кўра, айти пайтда халқаро сайёҳларнинг қарийб ярми тоғли жойларда дам олишни маъқул кўради.

Соҳада қандай муаммолар бор?

Саёҳатчилар йилнинг илиқ кунларида тоғ-ғор туризми ривожланган мамлакатларда бўлишни истаса, қиш чилласида тоғ курорти туризми ривожланган ҳудудларни танлашади. Тоғли ҳудудларимизда икки тармоқни ҳам ривожлантиришга мос ландшафт, табиий иқлим шароити борлигига қарамай, бирорта тоғ-ғор туризм маршрути мавжуд эмас, тоғ курорти туризми учун ҳам етарли қулайликлар яратилмаган. Хўш, соҳада қандай муаммолар бор? Нега юртимизда тоғ туризми учун етарли шароит ва имконият бўла туриб, бундан унумли фойдаланилмапти?

Айтиш керакки, тоғ туризмни ривожлантириш учун, биринчи навбатда, йўл инфратузилмасининг яхши бўлиши ҳамда қулай транспорт қатновининг йўлга қўйилиши зарур. Тан олиш керак, юртимиздаги аксарият тоғ туризми манзиллари ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган. Ҳудудларга олиб борувчи йўллар эса талаб даражасида эмас. Агар жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак,



ТОҒ ТУРИЗМИ ҚАЧОН БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ?

Японияда «тезюар поездлар тизими» асосий шаҳар марказларини баланд тоғлар билан, Швейцарияда троллейбуслар шаҳарни тоғ музликлари билан боғлайди.

Тўғри, вилоятлар марказидан олисда бўлган тоғ туризми объектларида керакли шароитни яратиш катта маблағ ва узоқ вақтни талаб этади. Бундан ташқари, сайёҳлар қаерда бўлмасин, ўзларига юқори даражада хизмат кўрсатилишини истайди. Ҳатто вилоят марказларида ҳам етарли бўлмаган интернет, коммунал, маиший хизмат турларини тоғ ён бағрида ташкил этиш эса катта муаммолардан бири. Тоғли ҳудудларда меҳмонхоналар, хостеллар бунёд этишга ҳам эҳтиёж бор. Туризм иқтисодиётга катта фойда келтирилишини ҳисобга олсак, бу масалаларни назардан четда қолдирмаслик керак.

1,2 млрд. доллар юртимизда қоладими?

Маълумотларга кўра, ҳар йили юртдошларимиз чет элда дам олиш учун 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари атрофида маблағ сарфламоқда. Тоғ туризмнинг ривожланиши эса бу маблағнинг ташқарига чиқиб кетмаслигини таъминлабгина қолмай, қўшимча валюта олиб кирилишига ҳам замин яратади.

— Мамлакатимизда, асосан, баҳор-ёз ойларида сайёҳлар оқими кўп бўлади, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассиси Иброҳим Барноев**. — Уларни бу пайтда тарихий шаҳарларимиздаги минг йиллик обидалар жозибаси ўзига тортади. Аммо бу Ўзбекистонда туризмнинг бошқа турларини ривожлантириш имкони йўқ дегани эмас. Хусусан, тоғли минтақаларда тоғ курорти туризмни ташкил этиш мумкин. Бу

эса қиш мавсумида туризм оқимининг кескин камайиб кетишининг олдини олади. Шу боис юқори туризм салоҳиятига эга Тошкент вилоятида тоғ курорти туризмни ривожлантиришга керакли шарт-шароитларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

Жумладан, ўтган йили Бўстонлик туманидаги «Чимён» дам олиш маскани негизда «Амирсой» тоғчанғи курортининг биринчи қисми ишга тушрилди. Биринчи босқичнинг ижобий самараси ҳудудда нафақат тоғ курорти туризмни, балки йилнинг тўрт мавсумига мўлжалланган замонавий туризм объектларини куриш, ҳамёнбоп туристик хизматларни ташкил этиш ишларини янада жадаллаштиришга туртки бўлди.

— Жорий йилнинг 16 сентябрь куни ҳукуратимиз томонидан «Амирсой» тоғчанғи курорт мажмуасининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича алоҳида фармойиш қабул қилинди, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассиси Лола Раҳмонбоева**. — Хужжатга асосан, умумий қиймати 75,0 миллион евро бўлган курорт зонасида 17 километр узунликдаги осма йўллар, тоғчанғи трассалари, бассейнлар, дам олиш майдонлари, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар, замонавий автотурагоҳ, хизматлар кўрсатиш маркази, ресторан ва кафелар барпо этилади ҳамда табиий атроф-муҳитнинг ўзига хослиги сақланиши таъминланади. Мамлакатимиз туристик жозибадорлигини оширишга қаратилган мазкур лойиҳа, шунингдек, ҳудуддаги аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳолатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Йирик туристик комплекс яратиладими?

Айтиш керакки, Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида яна бир катта лойиҳага қўл урилди. Жорий йил 17 сентябрда қабул қилинган «Тоғли ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарорига биноан, «Билдирсой-Чимён-Нанай»

халқаро умуммавсумий курортини (ХУК) ташкил қилиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилди.

Лойиҳа 3 босқичдан иборат бўлиб, дастлаб Чимён, кейинги босқичларда эса Билдирсой ва Нанай умуммавсумий курортлари курилишини кўзда тутлади. Мазкур лойиҳа натижасида 3000 та янги иш ўрни яратилади ҳамда бир неча объект бирлаштирилиб, замонавий инфратузилмага эга йирик туристик комплекс яратилади.

— Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тоғ туризмнинг бошқа турлари ҳам оммабоплик ва даромад келтиришда тоғ курорти туризмдан қолишмайди ва бундай туристик маршрутларни ташкил этиш учун мамлакатимизда шарт-шароитлар етарли, — дейди **Л.Раҳмонбоева**.

— Масалан, тоғ-ғор туризми, отда сайр қилиш ҳамда скаутлик туризмидан ҳам кўпгина мамлакатлар катта даромад олишади. Масалан, Греландияда тоғ-ғор туризми машҳур бўлиб, бу ерга ҳар йили 1,5 миллиондан ортиқ турист келади. Ё бўлмаса, Россиядаги Олтой, Тебер, Урал ва Бошқирд тоғларида кўп кунлик отда ошиб ўтиш туристик маршрутлари ривожланган.

Худди шундай, бизда ҳам Бойсундаги Бойбулоқ ғори Осиедаги энг чуқур ғор ҳисобланади. Қашқадарёдаги Амир Темури ғори ҳам дунёга машҳур. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё минтақаларида юзлаб ғорлар мавжуд бўлиб, бу ерда тоғ-ғор туризмни ривожлантиришга табиий шароит бор. Шунингдек, тоғ ён бағирларида отда сайр қилиш туризмни ҳам ривожлантириш мумкин.

* * *

Дунё мамлакатлари хомашё талаб қилмайдиган, бироқ энг катта моддий маблағ келтирадиган тармоқлардан бири — туризм соҳасини ривожлантиришга жиддий киришган. Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантиришга етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, бу пойгада ортда қолишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, бу соҳа мамлакат тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Джайлоо туризми — бу ҳеч ким йўқ тоғ яйловида чодир тикиб, ёлғиз ёки оила аъзолари билан ҳордиқ чиқариш демакдир. Бу туризм кўп ҳам оммалашмаган.

Карвон туризми — бу туризмнинг энг қадимий кўринишидир. Бунда одамлар кичик автоуловларда яшайдилар. Сайёҳлар исталган жойларига борадилар, тўхтаб томоша қиладилар.

Маънавий туризм — бунинг учун одамлар Ҳиндистон, Япония ёки Таиландга боради. У ерда його билан шуғулланиб, танасидаги оғирлик, стресс ва тушкунликлардан холос бўлади.

Туризм тадбиркорлари харажатларининг бир қисми компенсация қилинади.

Рўзгор – ғор, қанча ташиганинг билан тўлмайди. Бир томонига солсанг, иккинчи тарафи бўш қолади. Каму кўстимиз, кундалик эҳтиёжимизни қоплаш учун бозор оралаймиз. Кўз тегмасин, деҳқон бозорида нима истасангиз, барчаси муҳайё. Аммо сентябрь ойининг охириги ўн кунлигида республикамиз бозорларида айрим турдаги истеъмол товарларининг нархлари бир мунча ошди.



БОЗОРЛАРДА НАРХЛАР ОШДИ:

БУНИНГ САБАБИ НИМАДА

Одатда, ойлик, стипендия, пенсия ва нафақа пулини ошириш бўйича Президент фармони эълон қилинса, бозорда нарх-наво дарровгина «жонланиб» қоларди. Бу галги нарх-навонинг ошишига сабаб нима? Ойлик маош ва бошқа даромад манбалари ошмади-ку?

Нарх ошишининг сабаблари нимада?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, кўй гўшти 45 000 сўмдан 85 000 сўмгача, тухум 7 000 сўмдан 15 000 сўмгача (10 дона), гуруч 5 500 сўмдан 19 000 сўмгача (кг.), ўсимлик ёғи 10 000 сўмдан 17 000 сўмгача (литр) сотилмоқда. Умумий кузатиш ва солиштирув натижаларига кўра, аксарият истеъмол товарлари нархи 30 фоизгача ошган.

«Нима учун?» деган саволга жавоб ахтаришда ҳар бир воқеа-ҳодисанинг сабаблари изланади. Нарх-наво кўтарилса, харидорга ёқмайди, албатта. Ҳамён «ўрганган» баҳога қанчадир сумма кўшилган бўлса, у тўғриси, харид қилишга оғриниб, бошқа дўконга киради. Аммо «Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради», кўшни дўконда ҳам худди шундай нарх.

— Бозорда нарх-наво атайлаб оширишга, харидор манфаатларига зид хатти-ҳаракатни содир этиш амалдаги қонунчилигимизга зиддир, — дея юзага келган вазият юзасидан муносабат билдиради Монополияга қарши курашиш қўмитаси маъмул ходими **Беҳзод Аҳмедов**. — Қўмитамиз вакиллари томонидан асосий турдаги истеъмол товарлари чакана нархлари доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, сентябрь ойи охирига келиб, кундалик ҳаётда кўп истеъмол қилинадиган кунгабоқар ёғининг чакана нархи 11 500 сўмдан 15 000 сўмга, шакар 6 000 сўмдан 7 000 сўмга, тухум 1000 сўмдан 1300 сўмга ошгани кузатилди. Бунга қайси омиллар таъсир этмоқда?

Республикамизда 40 дан ортиқ кунгабоқар ёғи ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд бўлиб, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 177 минг тонна маҳсулот импорт қилинди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга кўп.



Аммо республикага импорт қилинадиган маҳсулотнинг асосий қисми тўғри келадиган Россия Федерациясида 2019 йилда 15,3 миллион тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, жорий йилда бу 13,5 миллионга тўғри келиши тахмин қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимиздаги нарх-наво ҳолатига ҳам таъсир этди.

Маҳаллий маҳсулот нима учун қимматлаяпти?

Кўшни давлатлардан келтириладиган товарлар қаторида маҳаллий маҳсулотлар нархи ҳам бироз кўтарилди. Савол туғиладики, етиштириш ва олди-сотди операциялари ўзимизда амалга оширилса ҳам, тухум, шакар, парранда, гўшт маҳсулотларининг нархи нима учун баланглади?

— Президентимизнинг 2020 йил 19 июндаги «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, четдан келтириладиган парранда озуқаси ва кўшимчалари, ветеринария препаратлари ва бошқа маҳсулотлар учун шу йил 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи тўланиши кўзда тутилмоқда, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори **Жаҳонгир Қамбаров**. — Бозорда тирикчилик қилаётган тадбиркорлар ана шу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда нарх белгилаши табиий.

Дарҳақиқат, соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, парранда озуқа базасининг асосий қисмини буғдой, соя шроти ва маккажўхори хомашёси ташкил этиб, уларнинг нархи йил бошидан ўртача 10 фоизга ошган.

— Валюта курсининг йил бошидан 8,5 фоизга кўтарилиши, аҳоли истеъмол саватида тухумга бўлган

талаб 12 фоизга ошгани ҳам нарх-навога таъсир кўрсатмоқда, — дея сўзида давом этади **Беҳзод Аҳмедов**. — Соя шроти, асосан, импорт маҳсулот ҳисобланиб, йил бошида 1 кг. нархи 0,47 доллар, ҳозир

«Элга хизмат» корхоналари томонидан жорий йилнинг 9 ойида жами 2369,5 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳолига тортиқ қилинди.

эса 0,51 долларга тўғри келмоқда. Худди шундай ҳолат шакар нархининг ошишида ҳам кузатиляпти. 2 та маҳаллий корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 690 минг тоннага тенг. 100 дан ортиқ юридик шахслар томонидан шакар маҳсулоти мунтазам импорт қилиб келинмоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида 82 минг тонна шакар импорт қилинган бўлса, жорий йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 288 минг тоннага ташкил этди. Август ойи бошида 1 кг. шакарнинг нархи ўртача 29 рублни ташкил этган бўлса, ҳозир 39 рублга етиб, ўсиш 34 фоизга кузатилди.

Деҳқон бозорини ким назорат қилади?

Айтиш керакки, аҳолининг барча қатламлари кириб-чиқадиган, ўз эҳтиёжига мос маҳсулот харид қиладиган деҳқон бозорида нарх-наво, тартиб-интизом, муомала маданияти ҳамиша бирламчи аҳамият касб этган. Бозорга қадам ранжида этадиган киши, аввало, растадаги маҳсулот нархига, сифатига кўз югуртиради, тўғрироғи, бу харидорнинг ҳамёнига ҳам боғлиқ.

Хўш, бозордаги нархни ким назорат қилади? Нархларни сунъий оширишга қандай жавобгарлик бор?

— Бозор ҳамиша нарх-наво «ўйнаб» турадиган жой, — дейди **Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК «Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти» бўлим бошлиғи Фарҳод Тўлаганов**. — Ҳақиқатан ҳам сентябрь ойи охирига келиб, нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг барча деҳқон бозорларида четдан келтириладиган ва айрим маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи анча ошди. Тегишли ташкилотлар билан мавжуд вазиятни чуқур ўрганиб чиқдик. Тўпланган маълумотлар таҳлил қилинди, солиштирилди ва ягона нарх-наво белгиланмоқда. Сунъий равишда нарх-наво оширилган айрим бозор раҳбарларига маъмурий чоралар кўрилди.

Харидор ҳамиша ҳақ, унинг тимсолида бутун бошли халқимиз турганини унутмаслик зарур. Фақат ўз чўнтагини қаппайтиришни ўйлайдиган, эл манфаатларига зид хатти-ҳаракат содир этадиган шахсларга деҳқон бозорида ўрин йўқ. Пойтахтимиздаги 12 та деҳқон бозорида минглаб тадбиркорлар савдо-сотиқ билан шуғулланишади. Айтиш керакки, уларнинг ҳар бирини назорат қилиш, ножоиз иш қилса, жазолаш ҳақ-хуқуқи бозор раҳбариятига юклатилган. Харидор ҳақиқа нисбатан инсофсизлик, диёнатсизлик қилиндими, нарх-наво оширдими, бунга ҳар бир бозор маъмурияти амалдаги қонунчилик талаблари билан жавоб бериши керак.

* * *

Қайси давлат аҳолиси қандай яшаётганини билмоқчи бўлганлар, аввало, унинг бозорига киришади. Юртимизнинг қайси ҳудудига бормайлик, деҳқон бозорлари маҳсулотга тўлиб-тошган. Аммо кексаларимиз дуо қилганидек, «Юртимизда арзончилик бўлса, баракасини беради. Эл розими, тадбиркорнинг топгани ҳам ҳалол». Юқорида қайд этганимиздек, нарх-наво ошишининг ўзига хос сабаблари бўлса-да, ҳар қандай ҳолатда деҳқон бозорида харидор ҳақ-хуқуқ ва манфаатларига мос муҳит ҳукм суриши тарафдоримиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



«Uzbekistan Airways» қўл юклари ташувига чекловлар киритади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг фаолияти даражаси кўпинча шу ҳудудда яшовчиларнинг унинг меҳнатига, шахсига берган баҳоси билан ўлчанади. Қаерда раҳбар фидойи, ҳалол ва адолатли бўлса, ўша ерда одамлар ундан рози бўладилар. Акс ҳолда...

«ЙИҒИН РАҲБАРИГА ИШОНЧ ЙЎҚОЛСА...»

Самарқанд шаҳрининг, асосан, кўп қаватли уйлардан иборат «Бахтли ҳаёт» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ аёллар таҳририятимизга мурожаат қилиб, раис ва ўринбосарларининг одамларни қийнаётган ижтимоий муаммоларга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан қараётганидан шикоят қилишди.

«Аризангизни кўриб чиқяпмиз»

Аризада кўрсатилган манзилга келганимизда, йиғин биносида ўнга яқин хотин-қиз тўпланган эди. Ҳали улар билан танишиб улгурмасимизданок, аёллар гапга тушиб кетишди.

— Эрим касал, болаларим боғча ёшида, — дейди **иккинчи уй, 27-хонадонда яшовчи Интизор Давронова.**

— Уларга нафақа пули сўраб қарийб ярим йилдан буён маҳалла раҳбарларига мурожаат қиляпман, аммо ҳеч қандай натижа чиқмапти. Ҳар келганимда қуруқ ваъда беришади. «Аризангизни кўриб чиқяпмиз», дейишади. Наҳотки, битта аризани б ой давомида кўриб чиқишса?!

— Ёрдамга муҳтож оила сифатида оиламиз «Темир дафтар»га киритилган, аммо бирор марта маҳалладан ёрдам берилгани йўқ, — дейди **тўртинчи уйнинг 18-хонадонда яшовчи Нигина Ақобирова.** — Президентимиз томонидан ажратилган 1 миллион ва 500 минг сўм миқдордаги ёрдам пулларини ҳам беришмади.

Еттинчи уйнинг 43-хонадонда истиқомат қилувчи Фарида Хўжаева ҳам икки яшар боласи учун нафақа беришларини сўраб бир неча бор мурожаат қилгани, аммо ололмаётганини айтди. Худди шу мазмундаги шикоят билан 2 нафар вояга етмаган фарзанднинг онаси Ҳилола Исматуллаева ҳам мурожаат қилди.

Ўринбосарнинг жавоби нега ҳеч кимни қониқтирмади?

Йиғин раиси иш жойида бўлмагани сабабли хотин-қизлар масалалари бўйича раис ўринбосари Сарвара АЛИМОВАга юзландик.

— Маҳалламизда 40 та кам таъминланган оила бўлиб, шундан

20 кишининг исм-фамилияси ёрдамга муҳтож кишилар рўйхатига киритилган, — дейди у. — 1 миллион сўмдан ажратилган маблағ 2 нафар ногирон ва бир нафар ўта муҳтож одамга берилган. Қолган оилаларга кейинги навбатда берилади. Кўпчилик оилаларга икки



марта озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тарқатилди. Болалар учун бериладиган нафақа пулига келсак, топширилган аризалар ҳар ойнинг 25-санасигача кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади. Менимча, Интизор Давронова ва Фарида Хўжаевалар шу санадан кейин ариза берган бўлсалар керак.

Ариза ва мурожаатларни қайд этиш дафтарини сўраганимизда эса Сарвара Алимова уни бизга кўрсата олмади. Ўринбосарнинг мужмал жавоби йиғилганларни ҳам, бизни ҳам мутлақо қониқтирмади, аксинча қатор саволлар туғдирди. Маҳаллада 40 та кам таъминланган оила бўлса, нега улардан 20 таси муҳтожлар рўйхатига киритилган? Хўш, қолганларчи? Кейинги навбат қачон келади?

С.Алимованинг гапларига қараганда, «Темир дафтар»га киритилганлар бошқатдан кўриб чиқилиб, рўйхат янгиланган. Янгиланган рўйхатни бу ерга келганларга кўрсатишни эса ўринбосар негадир ўзига эп кўрмади. Эртаси куни биз билан боғланган йиғин раиси Хуршид Раупов шикоятчи аёллар билан бирма-бир гаплашиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилгани, уларнинг айримлари ёлғон гапирганини айтди.

Аммо аризалар билан боғланганимизда улар ҳеч қанақа ўзгариш бўлмаганини, раис улар билан гаплашишга ҳатто вақт ҳам топа олмаганини қайта-қайта таъкидлашди...



Шу туманнинг «Чоштепа» маҳалласида яшовчи Эшмирза Тошмуродовнинг турмуш шароити Шодмон бобоникидан ҳам баттар аҳволда. Томи лойсувоқ, деворлари тўкила бошлаган, икки хонадан иборат уйда истиқомат қилувчи қария маҳалланинг ёрдамига жуда-жуда муҳтож.

— Маҳаллада менга ўхшаганлар кўп бўлса, раис қай биримизга ҳам ёрдам қилсин, — дейди отахон. — Кўни-кўшни ёрдам бериб туришади. Шунисига ҳам катта раҳмат. Аслида ҳеч ким ўзидан қолмасин экан. Маҳаллага эътирозим йўқ. Ўтган йили бир марта ёрдам берган эди. Пахталарни териблишса, яна ёрдам бериб қолар.

«Аслида ҳеч ким ўзидан қолмасин экан...»

71 ёшли ёлғиз қария Шодмон Туронов Пайариқ туманидаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Турмуш ўртоғи вафот этганидан сўнг икки нафар қизини вояга етказиб, уларни уйли-жойли қилган отахон нураб тўкила бошлаган уйда, илма-тешик бўлиб кетган пол устида эшикка термулиб, ҳар куни кимлардандир саховат кутиб ўтиради.

— Бор-йўғи 400 минг сўм пенсия оламан, нон-чойга етиб туради, — дейди отахон. — Ҳафтада бир марта қора қозонни қайнатаман, шунисига ҳам шуқр. Маҳаллага бир-икки марта ёрдам сўраб боргандим, фойдаси бўлмади. Ҳеч бўлмаса, ўтирган уйимнинг полини янгилаб беринглар, дедим. Ахир, остонада қиш турибди, бир куб тахта фалон сўм, нима қилай, кўлим калталик қилади. Қизларим ўзларидан ортишмайди. Яқинда туман газ таъминоти идорасидан одамлар келиб, табиий газдан қарзим борлиги туфайли уйимни тармоқдан узиб кетишди. Энди нима қилишга ҳам ҳайронман. Ўтин қилишга эса кучим етмайди.

Хўш, бу ҳақда маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бошқа мутасаддилар билармикан?

— Биламиз, отахон ёрдамга муҳтож, шундай бўлишига баъзан унинг ўзи ҳам айбдор — дейди «Зарафшон» йиғини раиси **Шариф Анорқулов.** — Чунки биздан оладиган ёрдамни қизлари ва невараларига дарров бериб юборади. Шундай бўлса-да, баҳоли қудрат ёрдам бериб турибмиз.

Ш.Туронов эса йиғин рабарининг гапларини буткул рад этди.

Моддий ёрдам кимларга бериляпти?

Шу ўринда бир савол туғилди. Юқорида тилга олинган ҳар иккала маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари Шодмон ва Эшмирза боболарга ўхшаган муҳтож одамларга ёрдам бермаса, унда ажратилаётган моддий ёрдам кимларга бериляпти?

— Моддий ёрдам, асосан, ногиронлиги бор, ўта муҳтож, «Темир дафтар»га киритилган 31 та оилага бериляпти, — дейди «Зарафшон» маҳалласи раиси **Шариф Анорқулов.** — Шодмон бобо «Темир дафтар»га киритилмаган бўлса-да, ёрдам қилиб турадим. Масалан, шу ойда у кишига 350 минг сўм миқдорда ёрдам беришни режалаштирганмиз.

Мақола аввалида «маҳалла раҳбарининг фаолияти ҳудудда яшовчи одамларнинг унга берган баҳоси билан ўлчанади», дедик. Дарҳақиқат, шундай. Чунки халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Одамлар раҳбарнинг босаётган қадамини ҳам, қилаётган ишини ҳам доим кузатиб туради.

Биз бугун йиғинлардаги вазият қандай бўлса, шундайлигича қаламга олдик ва бу билан кимнидир оқлаш ёки қоралаш фикридан йироқмиз. Юқоридаги йиғинлар раислари ва ҳудуддаги бошқа мутасаддилар эса фуқароларнинг улар ҳақида айтган гапларидан ўз вақтида тегишли хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз. Ва бу мавзуга яна қайтамыз.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



2021/2020 ўқув йилида Тошкент вилоятида ТАТУ филиали ташкил этилади.

Тахририятимизга Навоий вилояти Хатирчи туманининг Алишер Навоий номли маҳалласидан Манзура Эсонова мурожаат қилиб, маҳалладаги ички йўллар мутлақо ёмон аҳволда экани, болалар тупроқ кўчанинг чангини ютиб улғаяётганини билдирди. Худуд аҳли сайловда йўлларни таъмирлашга ёрдам беришни ваъда қилган номзодга овоз берган бўлса-да, аммо у ишонччи оқламагани, энди депутат ёрдамидан умидни узиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилаётганини таъкидлади.



САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН АЙТИЛГАН ВАЪДАЛАР УНУТИЛДИМИ?



Юқоридаги ҳолатни ўрганиш мақсадида **Алишер Навоий номли маҳалла раиси Мавлуд Са-таевни суҳбатга тортдик.**

— Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати **Назира Тоғаева** шаҳарда яшаса-да, қишлоғимизга тез-тез келиб туради, — дейди **М.Сатаев.** — Айни пайтда у вилоят касаб а уюшма ташкилотлари бирлашмаси раҳбари сифатида ўз имкониятларидан фойдаланиб, сайловчиларининг муаммо ва ташвишларини енгилатишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилаларни моддий-маънавий томондан қўллаб келяпти. Аммо туман Кенгаши депутатини танимаيمان. Сайловдан кейин бир марта маҳаллага келганди. Шундан сўнг бирор марта идорага келмади, маҳалланинг дарду ташвиши билан мутлақо иши йўқ.

Қарангки, маҳалла раиси халқ депутатлари туман Кенгаши депутатининг исм-шарифини ҳам билмас экан. Илтимосимизга кўра, у бу депутат кимлигини аниқлаб бергач, депутат **Манзура Раҳмонова** билан боғландик.

— Худудимиз йўллари яхши эмаслигини биламан, сайёр қабулда фуқаролар бу ҳақда мурожаат қилишган, — дейди **М.Раҳмонова.** — Мен бу борада туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига депутатлик сўрови юборганман. Ҳаммаси дастурга кўйилган, навбат билан бўлади, дейишди.

Депутатдан бу масала қачон, қайси дастурга киритилгани ҳақида сўраганимизда эса аниқ жавоб ололмадик. Шундан кейин ундан сайловдан кейин қайси ташкилотларга, қандай масалаларда депутатлик сўровлари юборга-

ни ҳақида сўрадик. Афсуски, бу саволимиз ҳам жавобсиз қолди. Ваҳоланки, депутатга берилган ваколатлар орасида депутатлик сўрови алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унда кўтарилаётган ҳар бир масала ортида, энг аввало, инсон тақдири, кўпчиликнинг манфаати туради. Қолаверса, бу тизим халқнинг ўзи сайлаган вакилга ишончининг ортишига хизмат қилувчи энг мақбул йўлдир.

Сайловчилар дардини ким тинглайди?

— Маҳалламизда тез-тез чироқ ўчади, кучлироқ шамол бўлса, қўлбола симёғочлар йиқилишига оз қолади, ёнгин чиқишидан кўрқамиз, — дейди туманнинг «Полвонота» маҳалласидан **Хусниддин Шамсиев.** — Депутатимиз **Акбар Қобилова** бу борада мурожаат қилганмиз, аммо натижа бўлмади. Ўзи депутатларни нега сайлаймиз? Худуддаги муаммоларни ҳал қилиш учунми?

«Сайловчиларининг электр таъминотидаги муаммолар ҳақида сизга мурожаат қилишган экан, буни бартараф этиш учун бирор ҳаракат қилдингизми?» — дея халқ депутатлари туман Кенгаши депутати **Акбар Қобилова**дан сўрадик. Бироқ суҳбатдошимиз депутатлик сўрови юборгани, унинг жавоби қандай бўлгани ҳақидаги сўровларимизга маълумот такдим этолмади.

— Туманимизнинг қатор маҳаллаларида қўлбола симёғочлар ўрнатилгани ҳақиқат, «Полвонота» маҳалласи фуқароларидан бу борада кўп маротаба мурожаат бўлган, — дейди туман электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси **Ёқуб Ибодуллаев.** — Жорий йилда пандемия туфайли кўплаб режаларимиз амалга ошмай қолди. 2021 йилда бу маҳалладаги электр узатгичлар тўлиғича янгиланади.

Халқда ишонч бўлмаса, депутатга мурожаат қилмайди

Туманнинг «Тошқулоқ» ва «Кўксарой» маҳаллаларида тоза ичимлик суви масаласида муаммолар мавжуд. Маҳалла фуқаролари билан суҳбатлашганимизда улар бу

масалада ўзлари сайлаган депутатларга мутлақо мурожаат қилишмаганини айтишди. Чунки сайловдан кейин сайловчидан ҳол сўрамаган депутатни одамлар танишмайди.

— Мактабимиз тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, — дейди «Кўксарой» маҳалласида жойлашган 21-умумтаълим мактаби директор **Ўринбосари Намоз Умиров.** — Ўқувчилар ўзлари учун елим идишларда уйдан сув олиб келади. Бола-да, ҳозирги пандемия шароитида бири иккинчисининг идишидан сув ичмасин, деб гигиена қоидаларига амал қилишини назорат қилиб тураемиз. Депутатимизга бу борада мурожаат қилмаганмиз, чунки у сайловдан кейин мактабга мутлақо келмаган. Муаммони ўз танасида ҳис қилмаган масъулдан умид йўқ.

Маҳалла идораси эшигига қулф урилгани ва фуқаролар йиғини ходимлари билан телефон орқали ҳам боғланиб бўлмагани боис биз худуддан сайланган депутатлар ҳақида маълумот оломадик. Шундан сўнг «Кўксарой» ва «Тошқулоқ»қа қачон тоза ичимлик суви етиб келишини билиш мақсадида «Хатирчи сув таъминоти» МЧЖга йўл олдик.

— Раҳбарлик давримда бирор марта депутат ўз худудидан ичимлик суви муаммо экани ҳақида депутатлик сўрови юборгани йўқ ёки оғзаки ҳам мурожаат қилмаган, — дейди корхона раҳбари **Бахтиёр Раҳимов.** — Ҳозир халқнинг ўзи ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, тегишли идоранинг эшигини ўзи қоқади. «Тошқулоқ» маҳалласини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи 2021 йилда ҳал бўлади. Аммо «Кўксарой» маҳалласи дастурга киритилгани йўқ. Шу пайтгача туманнинг 80 фоиздан ортиғи тоза ичимлик суви билан таъминланган, дейиларди. Аммо ҳақиқатда 14,5 фоиз худудга сув етиб борган. Албатта, бу муаммо босқичма-босқич ҳал бўлади. Бунга пандемия ҳам халақит берапти. Белгиланган тартибда

ишлар амалга оширилгач, ҳақиқатда сув таъминотини юқори кўрсаткичга етказамиз.

Халқ уйғонган, депутатлар-чи?

Сўнгги йилларда маъмурий бошқарув юқининг маълум қисмини марказдан худудларга бериш йўлида қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилиниб, туман ва шаҳар бюджетини кўриб чиқиш, худудларнинг бюджет параметрларини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича депутатларнинг роли оширилди.

Ваҳоланки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар олди-дан номзодлар ҳар қачонгидан-да катта ваъдаларни беришган, янаям аниқроғи, энди одамларни куруқ

АФСУСКИ, УЛАР ИШОНИБ САЙЛАГАН АЙРИМ ДЕПУТАТЛАР ҲАМОН ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ФАҚАТ СЕССИЯЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШДАН ИБОРАТ, ДЕБ БИЛИШЯПТИ.

ваъдалар билан ишонтириб бўлмастлигини, юртдошларимизнинг дунёқарашини, фикрлашини ўзгарганини таъкидлашганди. Аҳолининг ҳаётга муносабати ўзгаргани, ҳақ-ҳуқуқини таниётганининг рост. Аммо, афсуски, улар ишониб сайлаган айрим депутатлар ҳамон ўз вазифасини фақат сессияларда иштирок этишдан иборат, деб билишяпти. Аслида эса депутат халқ дарди билан ёниб яшаса, ўз ваколатларидан самарали фойдаланса, масъулиятни ҳис этса, жойлардаги қатор муаммолар, албатта, ижобий ечим топади.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»



Тошкентда 312 та мактабда дарслар анъанавий тарзда олиб бориладиган бўлди.

Корақалпоғистон Республикасида ҳам аҳоли сони кўпайиши ҳисобига янгидан-янги маҳаллалар вужудга келяпти. Хусусан, Нукус шаҳридаги «Таслақ» маҳалласи аҳолиси белгиланган меъёрдан анча ошиб кетгани сабабли 2019 йилда ҳудуддаги «Чимбой гузари» алоҳида маҳалла мақомини олди. Бундан ҳудудда истиқомат қиладиган 8 мингга яқин чимбойликлар мамнун бўлгани ҳам рост.



Негаки, уларда янги маҳалла ташкил этилган, «Чимбой гузари»га эътибор қаратилиб, маҳалла обод бўлади, деган ишонч бор эди. Аммо янги маҳаллани ҳам эски муаммолар тарқ этмади. Ушбу йиғиннинг бир гуруҳ фуқаролари ўзларини қийнаётган қатор муаммолар билан таҳририятимизга мурожаат қилди. Ушбу масалани атрофлича ўрганиш мақсадида Нукус шаҳридаги «Чимбой гузари» фуқаролар йиғини томон йўл олдик.



бола электр тармоғини торттиб олганмиз. Тўғри, бу ҳаёт учун хавфли, қаттиқ шамол бўлганда симёғочларни учириб кетган вақтлар ҳам бўлди. Шундай бўлса-да, бошқа чорамиз йўқ. Боз устига, электр қуввати жуда пастлиги боис дўкондаги музлаткичга нарса қўя олмаймиз. Ҳатто, телевизорни ҳам зўрға қўраимиз. Олдинда қиш ва бу

Ушбу жавобни эшитгач, «Чимбой гузари»даги кўчаларга ном беришга ҳам ярамай, уларни рақамлар билан атаб келаётган мутасаддилар учун симёғочу, йўл муаммоси Оролни сув билан тўлдиришдек оғир масала эканига амин бўлдик. Аммо ишларнинг ҳокимлик билан бевосита боғлиқ экани кўнглининг бир четида умид уйғотди ва ҳокимлик мутасаддиларига юзландик.

— Мавжуд муаммоларнинг асосий қисмини бартараф этишга жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб киришилади, — дейди **Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари Эркинбой Алланов.** — Асосан, 28 та кўчага 800 метр масофага сув қувурларини тортиш, 4 жойга трансформатор ўрнатиш ва электр линияларини тортиш, йўлларни текислаш ишларига эътибор қаратилади. Қолган ишлар 2021 йил дастурига киритилиб, маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Янги ташкил этилган маҳалланинг муаммолари бисёр. Оқар сув йўқлиги, ерларнинг нотекислиги сабаб томорқага ишлов бериш, кўчаларни ободонлаштириш ишларига ҳам эътибор қаратилмаган. Йўл бўйларини, янгидан қурилган мактаб девори атрофини ёввойи ўт босиб кетган. Ҳудуд аҳолиси бир нечта автотранспортга миниб, «Таслақ» маҳалласида жойлашган оилавий поликлиникага боришга мажбур. Қолаверса, болалар боғчасига ҳам эҳтиёж бор. Аммо шундоққина Нукус шаҳрининг бир четида яшайдиган чимбойликлар ушбу масалаларнинг ечими ҳақида ҳозирча орзу қилишдан нарига ўта олишмаяпти. Биз эса шаҳар ҳокимлиги уларга берган ваъдани ўз вақтида бажариб, халқимиз дуосини олишга эришади, деб умид қиламиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Янги мактаб бору, унга борар йўл йўқ

Катта йўлдан йиғин томон қадам ташлашингиз билан ўйдимчуқурларга дуч келасиз. Беихтиёр шу йўлдан ҳар куни ўтиб-қайтадиган ҳайдовчиларнинг жонига тўзим тилайсиз.

— Муаммо фақат мана шу йўл билан боғлиқ эмас, — дейди **мурожаат муаллифларидан бири Баҳодир Ҳакимниёзов.** — Кўча тартибга келтирилмагани боис уйлар турлича — бири паст, бири баландда қурилган. Йўлларни қалин қум босиб ётибди. Авваллари маҳалланинг ички кўчаларини бир-бирига боғлайдиган йўл орқали марказий йўлга чиқар эдик. Ўтган йили марказий йўл бўйига икки қаватли мактаб қурилди. Мактаб атрофи девор билан ўраб ташланди. Унга туташ ҳудуддаги уй эгалари ҳам ўз деворларини мактабникига қўшишди. Бундай ободлик яхши, аммо ана шу ишлар ортидан марказий йўлга боғловчи кўча ҳам йўқ бўлди. Энди марказий кўчага ёки автовокзалга чиқиш учун камида 2 км. масофани босиб ўтишга мажбурмиз.

Маҳалла ҳудудида бунёд этилган 315 ўринга мўлжалланган икки қаватли мактаб қурилиши жараёнида қурувчилар аҳоли муро-

жаатларини эътиборга олиши, ҳеч бўлмаса, мактаб девори ёнидан пиёдалар йўлакчаси қолдирганда, юқоридаги муаммолар келиб чиқмаган бўлар эди. Бугун энди йўлнинг 2-3 км. масофаси қалин қумдан иборат бўлгани боис пиёда юришнинг имкони йўқ. Ҳар куни айланма йўллар орқали мактабга қатнайдиган болаларнинг оёқ кийимлари қумга тўлиб, уст-боши чанг-тўзон бўлади.

«Тўловга яраша имконият яратиб берилмаган...»

Маҳалладаги яна бир долзарб масала — электр таъминоти билан боғлиқ. 2017-2018 йилларда ҳудуднинг 11-кўчасигача бетон симёғочлар билан электр тармоғи тортилган. Бугунги кунга келиб бу йўналишдаги кўчалар сони 20 тадан ошган ва уларнинг ҳар бирида 200 дан зиёд янги уй қурилган. Ушбу хонадонлар учун ҳам аҳолида электр тармоғи тортилиши керак эди. Аммо маҳалладошлар ўзаро келишиб, тол дастакларидан симёғоч ясаб, уйларига электр тармоғи тортиб олган.

— Уйимдан қонуний равишда дўкон очиб, тўловларни ўз вақтида тўлаб келятман, — дейди **шу кўчада яшовчи тадбиркор Клара Жумағалиева.** — Лекин тўловга яраша имконият яратиб берилмаган. Ҳамма қатори уйимизга қўл-

биз учун оғир синовли давр эканини ҳозирдан ҳис этяпмиз.

Йиғин ахлининг таъкидлашича, улар Нукус шаҳар электр таъминоти бўлимига бир неча маротаба мурожаат қилган. Бир-икки ходими келиб, ерга тегай деб турган симларни йиғиштириб, юқори-роққа боғлаб кетган, яқин орада муаммони ечиб берамиз, дея изсиз ғойиб бўлишган. Наҳотки, соҳа мутахассислари шу ҳолатни кўра-била туриб, лоқайдлик қилган бўлса?! Омонатгина турган, симёғоч дейишга ҳам тил бормайдиган тол чўплари синиб, бирон инсонга зарар келтириши мумкинлиги уларга қизиқ эмасми?

Масъуллар нима дейди?

— Ҳудудни тўлақонли электр билан таъминлаш мақсадида Нукус шаҳар ҳокимлигига махсус лойиҳани тавсия қилганмиз, — дейди **Нукус шаҳар электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Роҳат Генжемуратов.** — Ушбу лойиҳа асосида ҳудуд келгуси йил дастурига киритилиб, маблағ ажратилгач, ишлар олиб борилади. Шунингдек, 2021 йил биринчи чорагида корхонамиз ҳисобидан 12-, 13- ва 14-кўчаларга электр линиясини торттиб, 2 донна трансформатор қуриб беришни режалаштиряпмиз. Қолган ишлар ҳокимлик томонидан ажратиладиган маблағга қараб олиб борилади.



Ўзбекистон 5,2 млн. долларлик болалар ўйинчоқларини экспорт қилди.

АРИЗАНГИЗ ЎЗ ВАҚТИДА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЁТГАН БЎЛСА...



1148 ишонч рақамига, my.gov.uz порталига ёки «Махсус хабар» тугмачаси орқали хабар беришингиз мумкин

Яқинда кўшимизнинг уйда ўз вақтида электр энергия таъминотига тўлов қилмагани учун «свет» ўчиб қолди. Ҳозирги кунда электр энергиясиз яшаб бўладими, бир пастда тўловни амалга оширди. Буни қарангки, «ақлли» электр ҳисоблагич қайта ёқилмади. Аслида «ақлли ҳисоблагичлар» (АСКУЭ) тўлов амалга оширишингиз билан қайта уланиши керак. Йўқ, бундай бўлмади, икки соат ўтса ҳамки, кўшимизнинг уйда ток ёнмади. Охири туман электр тармоқлари корхонасига боришга мажбур бўлди. Буни қарангки, у ердагилар «мутахассислар ҳудудларга чиққанда хонадонингизга кириб ёқиб кетишди» деган жавобни беришибди...



Афсуски, бундай сансалорлик электр энергия, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сув ҳисоблагичларини қиёслаш масаласида ҳам юзага келмоқда. Ушбу масала ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Эътирозларнинг асосий қисми мазкур хизматларни кўрсатишда белгиланган муддатлар бузилаётганидир. Хўш, бунга нима сабаб бўлмоқда?

– Илгари ҳисоблагични ечиш учун таъминотчи ташкилот («РЭС», «райгаз» «сувсоз»)га ариза топшириш керак эди, – дейди

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара Зокирова. – Сўнг қурилмани давлат текширувини ўтказиш учун «Ўзстандарт» агентлигига олиб бориладди. У ерда аризадан турли миқдордаги маблағ йиғиб олинадди. Бундан ташқари, текшириш нархини белгилашда шаффофлик ва ошқоралик мавжуд эмасди. Текширувдан сўнг, аризачи мустақил равишда қурилмани олиб, кейин масъул

ташкилотга ҳисоблагич ўрнатиш учун ариза топширад эди.

Сир эмас, кўпчилик ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш учун масъул ходимлар билан муайян маблағ эвазига келишарди. Юқорида кўрсатилган барча тадбирларни эса ташкилот ходими ўзи амалга оширган.

Энди-чи?

2019 йил 1 ноябридан бошлаб, коммунал хизматлари «счётчикларини» қиёслаш учун аризалар **Давлат хизматлари марказлари** ёки электрон тарзда my.gov.uz портали орқали қабул қилинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — аввалги тартибда мавжуд бўлган коррупцион ҳолатларга чек қўйиш, мазкур хизматларни кўрсатиш учун аниқ муддатлар ва тартибни белгилаш. Шу орқали фуқароларга қулайлик яратиш назарда тутилган.

Бироқ, турли сабабларга кўра, ушбу давлат хизматларини кўрсатишда таъминотчи ташкилотлар ҳамда метрология органлари фаолиятида тизимли камчиликлар юзага келмоқда.

Муаммоларнинг сабаби нимада?

– **Биринчидан**, ваколатли органларда кадрлар етишмаганлиги ва иш ҳажмининг кўплиги келиб тушган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш имконини бермаяпти, – дейди **Севара Зокирова.** – Мисол учун, «Тошиссиққуввати» ДУКга қиёслашдан ўтказиш бўйича 1 кунда ўртача 500 га яқин ариза келиб тушади. Корхонада фаолият кўрсатаётган 80 нафар инспектор 1 кунда 6 та (6х2=12) ҳисоблагични ечиши ва ўрнатиши лозим. Ҳар бир ҳисоблагични ечиш, ўрнатиш ва далолатнома тузиш учун ўртача 40-50 дақиқа сарфланади. Шунингдек, яроқсиз деб топилган ҳисоблагичлар бевосита таъминотчи корхоналар томонидан таъмирланиб, қайта қиёслашга тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, ушбу ходимлар ҳисоблагич гломбаларини ечиш ва ўрнатиш бўйича 1 кунда келиб тушадиган ўртача 120-130 та аризани ҳам ўрганиб чиқишлари лозим.

Иккинчидан, метрология станциялари камлиги. Таъминотчи корхоналар ечилган ҳисоблагич ва далолатномаларни «Ўзстандарт»га топшириши белгиланган. «Ўзстандарт» агентлигининг республика бўйича атиги 17 та давлат метрология хизмати органи фақат вилоятлар марказларида фаолият кўрсатмоқда. Яъни, ҳар бир туманда метрология хизмати мавжуд эмас, айрим ҳолларда таъминотчи 60-70 километр масофага ҳисоблагичларни етказиб бериши ва қайта олиб кетиши керак бўлади. Бу ҳолат метрология органларида иш ҳажмининг ортиб кетишига олиб келиб, ҳисоблагичларни ўз муддатида қиёслашдан ўтказиш имкониятини бермаяпти. Натижада фақат ичимлик суви ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказишда 15 мингдан ортиқ ҳолатда муддат бузилишига йўл қўйилган.

Учинчидан, коронавирус билан боғлиқ карантин сабаб, Махсус комиссия қарорига кўра, қиёслаш бўйича келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш муддатлари 2020 йил

1 сентябрга қадар узайтирилган. Албатта, бу чекловлар вируснинг аҳоли ўртасида тарқалмаслиги учун жорий этилган эди. Натижада кўриб чиқилиши лозим бўлган аризалар сони кескин ошиб, таъминотчи корхоналар ходимлари аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиши имкони бўлмаёпти.

Кимдир жавобгар бўладими?

2020 йилнинг 9 оyi давомида электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш ускунасини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш давлат хизматини кўрсатиш жараёнида 16 662 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Шундан 15 788 таси муддат бузилиш, 10 таси тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш, 27 таси асоссиз рад этиш ва бошқа турдаги қонунбузилишларни ташкил этади.

– Ушбу давлат хизматини кўрсатиш жараёнида жами 266 та таъсир чоралари кўрилган бўлиб, шундан ваколатли органларга 69 та тақдимнома, 42 та огоҳнома киритилган бўлса, 155 та маъмурий баённома расмийлаштирилган, – дейди **С.Зокирова.** – Кўрилган таъсир чоралар натижасида жами 190 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Улардан 32 нафари интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, 3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. 155 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Муддат бузилганда нима қилиш керак?

Бугунги кунда ушбу хизматларни ўз вақтида кўрсатиш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда, назорат ҳам кучайтирилмоқда. Бироқ **Давлат хизматлари маркази** ёки my.gov.uz портали орқали ариза берган бўлсангиз, лекин аризангиз ўз вақтида кўриб чиқилмаган ҳолатларга дуч келсангиз Давлат хизматлари агентлигининг **1148** ишонч рақами ёки my.gov.uz портали орқали аризангизнинг ичида мавжуд бўлган «Махсус хабар» тугмачаси орқали хабар беришингиз мумкин. Мутахассислар ҳолатни ўрганиб чиқиб, тегишли чора кўради.

Дарҳақиқат, Учинчи Ренессанс даври бошланган Янги Ўзбекистонда аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида қоғозбозликлар камайтирилиб, барча соҳалар электронлаштирилмоқда. Агар ахборот технологиялари кенг қўлланилаётган соҳалар ҳам тезроқ зарур мутахассислар билан таъминланиб, иш жараёни жадаллаштирилганида юқоридаги каби муаммолар юзага келмасди. Ўйлаймизки, бу каби муаммолар тез орада ўз ечимини топади.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Мавзуга оид маълумот:

Жорий йилнинг 1 октябрга қадар республика миқёсида табиий газ ҳисоблагичи бўйича 114173 та ариза келиб тушган. Шундан, 66992 таси ижобий ҳал этилган, 2421 таси рад этилган, 1773 таси бекор қилинган, 4114 таси янги ва 38873 таси таъминотчи корхона томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ичимлик сув ҳисоблагичи бўйича 73887 та ариза келиб тушган. Шундан, 27949 таси ижобий ҳал этилган. 1328 таси рад этилган бўлса, 1390 таси бекор қилинган. 21525 таси янги ва 21695 таси таъминотчи корхона томонидан кўрилмоқда.

Иссиқ сув ҳисоблагичи бўйича 47013 та ариза келиб тушган. Шундан, 18052 таси ижобий ҳал этилган, 590 таси рад этилган, 953 таси бекор қилинган, 2211 таси янги ва 25 207 таси таъминотчи корхона томонидан кўриляпти.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ҳудудларда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш хавфи мавжуд бўлган 150 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объекти фаолият кўрсатмоқда. Шундан 9 мингтаси I ва II тоифага, 8 минг 800 таси III тоифага, 3 мингтаси эса IV тоифага мансуб бўлган корхоналардир. Хавфи юқори бўлган корхоналарнинг 931 таси давлат экологик экспертизасидан ўтмасдан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларига зид равишда ишламоқда.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Мазкур ташкилотлар экологик қонун-қоидалар билан тўлиқ қамраб олинмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу масалага янада жиддий эътибор қаратиш кераклигини кўрсатмоқда. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 сентябрдаги «Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан эндиликда ишлаб чиқариш корхоналарининг барчаси давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган бўлди. Хўш, шу вақтга қадар бундай тизим йўқмиди? Давлат экологик экспертизасининг ўзи нима?

– Бундан 23 йил аввал, яъни 1997 йили Ўзбекистонда давлат экологик экспертизасини ўтказиш тизими жорий этилган, – дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Давлат экологик экспертизаси маркази етакчи мутахассиси **Достон Саъдуллаев**. – Бироқ шу кунга қадар давлат экологик экспертизаси тўрт босқичда амалга оширилди, бу эса ўз навбатида, маълум муддатни, яъни вақт йўқотишни талаб қилар эди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ янги қоидалар белгиланиб, кўшимчалар киритилди.

Давлат экологик экспертизаси – мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талаблар-



га мувофиқлигини ва экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза тури ҳисобланади.

Экспертизадан ўтказишнинг ягона тизими ишга туширилди

Қарор асосида Давлат экология кўмитасининг www.eco-service.uz веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасидан ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинувининг ягона тизими ишга туширилди. Ягона тизимга ҳудудий давлат экологик экспертизаси маркази ҳам интеграция қилинди. Аризани тўлдириш тизимини осонлаштиришга йўналтирилган дастурий ечимлар амалга оширилди. Эндиликда буюртмачилар шахсий кабинетидега тегишли йўриқномага амал қилиб, осон, қийинчиликсиз давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун ариза юборишлари мумкин.

Шунингдек, давлат экологик экспертизаси хулосаларининг ҳолислиги ва асосланганини таъминлаш, экспертиза органларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш, уларга услубий раҳбарлик қилиш, экспертизани ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш учун доимий фаолият юритувчи экспертлар кенгаши ташкил этилди. Эндиликда мазкур қарор асосида атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб фаолият турларини атроф-муҳитга қай даражада таъсири борлигини баҳолаш тўғрисидаги

анкета асосида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш чоралари кўрилади.

Жамоатчилик эшитуви ташкил этилади

Яна бир муҳим янгилик шундаки, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган фаолият турларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини аҳоли ва жамоатчилик орасида муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланди.

– Қарор билан 50 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилиши лойиҳалаштирилаётган объектлар учун шаҳарсозлик ҳужжатлари, ҳудудларга кейинчалик муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, фавқуллода экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида уларни комплекс ўрганиш материаллари давлат экологик экспертизасидан ўтказилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида ҳақ белгиланмоқда, – дейди **Достон Саъдуллаев**. – Шунингдек, техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида ҳақ белгиланади. 50 минг ва ундан кам аҳоли истиқомат қилиши лойиҳалаштирилаётган объектлар учун шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида ҳақ белгиланмоқда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун 30 календарь кун мобайнида ҳақ тўланмаган тақдирда (аввал 90 календарь кун), Давлат экология кўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаси давлат экологик экспертизасини ўтказишга тақдим этилган материалларни буюртмачига қайтаради.

Фаолият турлари 143 тага кўпайди

Давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхати қайта кўриб чиқилди. Илгари рўйхатда 139 та фаолият

тури мавжуд бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сони 5 тага кўпайиб, 143 та фаолият тури давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган бўлди.

Шу билан бирга, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддаси талабларига риоя этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни ҳуқуқий муҳофаза этиш мақсадида «Ушбу рўйхатга киритилмаган фаолият турлари давлат экология экспертизасидан ўтказилади, бунда мазкур фаолият турининг қайси тоифага мансублиги Давлат экология кўмитаси ҳузуридаги экспертлар кенгаши томонидан тақдим этилган материаллар асосида ёки жойига чиқиб ўрганиш натижасида аниқланади» деган банд киритилди.

Баҳолаш муддатлари ҳам ўзгарди

Буюртмачи томонидан қайта ишлаб чиқилган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш муддатларида ҳам янгиликлар бор. Эндиликда қайта ишлаб чиқиб тақдим этилган ҳужжатлар – атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифа фаолият тури учун 10 кун, II тоифа объектлар 7 кун, III тоифа объектлар 5 кун ва IV тоифали объектлар учун 3 кун муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Шу билан бирга, янги қоида сифатида лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиб, тегишли ҳужжатларни электрон шаклда тўловсиз қайта тақдим этиш муддати 60 кун этиб белгиланди. 60 кун муддатдан кечиктириб тақдим этиладиган лойиҳа ҳужжатларини экологик экспертизадан ўтказиш учун буюртмачилар томонидан шартнома асосида тўловларни амалга оширишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда эндиликда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат экологик экспертизасини ўтказишда интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилади.

«Дехқонобод калий заводи» 2018-2020 йилларда атроф-муҳитга келтирган зарари учун қўшимча 855 миллион 500 минг сўм компенсация тўлайдиган бўлди.

Мавзуга оид маълумот:

Эндиликда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек, унинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун фуқароларга 669 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса 1 млн. 115 минг сўмгача жарима қўлланилади.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

ОНЛАЙН УНИВЕРСАЛ ПЛАТФОРМА ТАДБИРКОРГА НИМА БЕРАДИ?

Европа тикланиш ва тараққиёт банки прогнозига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2 фоизга қисқаради. Бунгача ҳукумат ва турли молиявий институтлар 2020 йил учун 0,5 дан 2,5 фоизгача иқтисодий ўсишни башорат қилаётганди.



ларга улаиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари, банк, солиқ ва божхона қонунчилиги оид қоидалар шулар сирасидан. Мазкур йўналишларни саралашда 20 дан зиёд вазирлик, идора ва жамоат ташкилотларининг таклифлари инобатга олинган.

Ўзбекистонда ЯИМ қисқаришини юмшатиш учун тезда керакли чораларни кўриш шарт. Иқтисодий барқарорликни таъминлашда эса тадбиркорлик субъектларининг салмоғи баланд. Уларга қулайликлар яратиш, керак ўринда қўллаб-қувватлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича универсал онлайн платформа жорий этилишини айтиш шундай қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августда «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодий тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда 2020 йил ноябрь ойидан бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича «Бизнес-навигатор» электрон портални жорий этиш мўлжалланаётгани айтилган. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари мазкур вазифани бажаришга масъул этиб белгиланган.

Хўш, платформа тадбиркорларга қандай қулайликлар яратади? Ундан фойдаланиш тартиби қандай? Хизматлари кўлами қанчалик кенг ёки тор? Айтиш саволлар билан вазифа ижроси учун масъул

этилганларга мурожаат қилдик. Бироқ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигидан ҳар қанча уринсақда жавоб ололмадик. «**Мана, тезда гаплашиб сизга айтаман**», деган важларнинг бирон натижаси бўлмади. Бир масъул эса мазкур вазифага аслида бошқа ташкилот жавобгарлигини билдирди.

Майли, дедикда бошқа ташкилотга отилган вазифа изини у ердан ҳам суриштирдик. Аммо вазифа ижросига аслида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги зиммасига юклатилгани яна бир бор тасдиғини топди. Вазиятга гувоҳ бўла туриб, қабул қилинган қарорлардаги вазифалар ижроси нега кечикаётгани сабабини аниқлагандек бўлдик. Ҳолат эса икки тахминимизга асос бўлди: масъул қарор билан таниш эмас ёки таниш бўлса-да, жавоб беришни пайсалга солиб бизни чалғитмоқчи. Нима ҳам дердик. Фақат **бир савол бизга тинчлик бермаяпти, ноябрга мўлжалланган вазифа ижросига қачон киришилади шунда: ноябрь келгандами, ўтгандами ёки ижро яна ноаниқ муддатга кечиктириладими?**

Вазифалар ижроси бўйича саволларимизга эса **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Анвар МАНСУРОВ**дан қуйидагича жавоб олдик.

яратилиши кўзда тутилган.

«Бизнес-навигатор» платформаси тадбиркорларга бепул ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган ахборот тизими бўлиб, уларга фаолиятини кенгайтириш юзасидан маълумотлар олишда кўмаклашади. Шунингдек, оптимал фаолият турларини аниқлаш,

«**Бизнес-навигатор**» ёрдамида ишбилармон ўз ҳудудида товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж ҳамда рақобатчилар ҳақида маълумот олиши мумкин.

бизнес-режалар тузиш, молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳамда энг қулай шароитларда молиялаштириш манбасини жалб этишга хизмат қилади.

«Бизнес-навигатор» ёрдамида ишбилармон ўз ҳудудида товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж ҳамда рақобатчилар ҳақида ҳам маълумот олиши мумкин. Бунинг учун дастлаб тизимда рўйхатдан ўтилади ва тадбиркорлик турлари ҳақида маълумотлар тўлдирилади.

Платформа қандай хизматларни қамраб олади?

Тадбиркорлик субъектларига кўмак беришга мўлжалланган «Biznesga maslahat» портал-тизими 2 ой аввал ишга тушганди. «Бизнес-навигатор» айтиш тизимнинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. У ишбилармонларга бир қатор қулайликлар яратади ҳамда тадбиркорга кўмак берадиган мингта яқин ҳуқуқий маълумотлар портални қамраб олади.

Чунончи, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш тартиби, ер олиш, меҳнат муносабатлари, инфратузилма-

Алоҳида масъул ташкилот иш бошлайдими?

Порталга тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг намунавий шакллари ҳам жойланган. Масалан, банкларга тақдим этиладиган тўлов ҳужжатлари, ходимларни ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаси намуналаридан эркин фойдаланиш имкони яратилган. Бундан ташқари, «Бизнес-навигатор»да онлайн мурожаатлар қабул қилинади ва уларнинг мавжуд ҳуқуқий муаммолари юзасидан қисқа муддатларда ечим ва маслаҳатлар берилади. Бунинг учун портални юритишга турли соҳаларда малака ва иш тажрибасига эга бўлган 20 нафар мутахассис жалб этилади. Кейинчалик платформа фаолияти алоҳида ташкилот

томонидан юритилиши режалаштириляпти. Ҳозирда тегишли ҳужжат лойиҳаси тайёрланмоқда. Лойиҳада масъул ташкилот тадбиркорларнинг келиб тушаётган ва улар энг кўп дуч келаётган ҳуқуқий муаммоларни тизимлаштирган ҳолда ўз таклифларини юбориш, хорижий инвесторлар учун республика ҳудудларининг ўзига хос инвестициявий муҳити ҳамда инвестиция киритиш учун қулай бўлган соҳа ва йўналишлар тўғрисидаги маълумотларни хорижий тилларда шакллантириш, порталга жойлаштирилган маълумотларнинг фаоллигини таъминлаб, уларни доимий равишда янгилаб бориш каби вазифаларни бажариши назарда тутилган.

Демак, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича универсал онлайн платформа ишбилармонлар учун яқин кўмакчига айланади. Соҳадаги рақамлаштириш эса турли овозгарчиликларга барҳам беради. Пировардида тадбиркорлик субъектлари сони ортади — бу эса янги ишлаб чиқариш корхоналари, янги иш ўринлари деганидир.

Садоқат МАХСУМОВА
«MaHalla»

ДАРВОҚЕ...

«**Бизнес-навигатор**» платформаси ахборот тизими Россия, Япония ва Жанубий Корея давлатлари тажрибалари ўрганилган ҳолда жорий этилади.

Онлайн платформа нега керак бўлиб қолди?

— Ахборот технологиялари соҳаси бир томондан бизнесга кўмаклашувчи восита, иккинчи тарафдан бизнестинг алоҳида йўналиши ҳамдир, — дейди **А.Мансуров**. — Шу боис ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган кишиларга тушунарли ва қулай интерфаол мобил иловалар, барча саволларга исталган жой ва пайтда жавоб берадиган «Бизнес-навигатор»лар

Самарқандда Баҳодир Ялангтўшбий номи билан аталувчи маҳалла ташкил этилади.

КЎКДА КИМУ ЕРДА КИМ?

ёхуд тадқиқотчиларни қандай муаммолар қийнамоқда?

(4-мақола)

Илмда ёшнинг аҳамияти йўқ. Ҳурғаниш ва интилишга иштиёқ бўлса, кифоя. Бироқ иштиёқни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш керак. Йўқса у ҳам қолипга тушиб, ўзлигини топа олмай, кимларнингдир манфаатларига хизмат қилишдан бошқасига ярамайди. Тўғри йўналтирилган иштиёқ эса кутилганидан-да зиёда самара беради. Илмда ёш тадқиқотчиларга илмий унвони бўлган кишиларнинг бириктирилиши ҳам шундандир балки?



Биздаги тизим жуда ажойиб: илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчи нафақат танлаган мавзуси бўйича ўрганади, балки университет кафедра ишларида камарбаста туради. Бунинг ёмон томони йўқу-я, бироқ хаёли 10 та ишда бўлган киши илм қила олармикин? Бу ҳам етмаганидек «Ишинг нега тайёр эмас?», «Scopus»да қачон мақола чиқарасан?, «Давлат сенга пул беряпти, ишласанг бўлмай-дими?» каби танаю дашномлар тагида қолади.

Хўп, шундай изланувчи учун жон куйдираётган йўналтирувчилар бор экан нега унда ҳамон жаҳонда илм-фани тараққий этганлар сафида эмасмиз? Балки бунинг сиз ва биз билмаган сабаблари бордир? Айни сабабларни излаб ёш тадқиқотчиларни давра суҳбатига чорладик. Хўш, бугун олий таълим муассасалари, илмий ташкилотларда изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчиларни қандай муаммолар қийнамоқда? Ҳар ерда оғиз кўпиртириб гапирилатган кенг кўламли шароитлар уларнинг тадқиқот иши учун етарли бўлаётими?



Гулжаҳон СЕИТНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети таянч докторанти:

— Аввалги йиллар билан солиштирганда ҳозир биз ёш тадқиқотчиларга кенг имкониятлар яратилган. Стипендия миқдорининг оширилгани ёшларга фақат илм билан шуғулланиш имконини берди. Илмий даража бериш бўйича чалкашликлар бартараф этилди. Бу бево-сита тизимни аниқ механизм асосида ишлашга таъминлади. Бироқ минимумлар бажариш талаблари ҳануз мени ўйлантиради. Ишингизни ҳимояга қўйиш учун айни талабларни бажаришингиз шарт. Хорижда мақола чоп этиш эса маълум вақт ва маблағни талаб қилади. Афсуски, бу жараён доим ҳам муваффақиятли амалга оширилавермайди. Илмий мақола чоп этаётган журналлар жуда кўп. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ҳақиқий соф илмий эмас, орасида товламачилари, ҳатто, ясама журналлар ҳам бор. Бу тадқиқотчиларга қийинчилик туғдиради. Тадқиқотчи эса билмайди, боиси у билан юзма-юз эмас, онлайн алоқага киришади. ОАК талабларига жавоб берадиган журналларни топиш ва мақола бериш шу маънода қийинчилик туғдирмоқда. Баъзида эса ҳимояга бир қадам қолганда хорижда чиққан мақолалар аслида талабга жавоб бермаслиги ойдинлашмоқда. Бунда ҳам ёш тадқиқотчи ютказмоқда. Боиси кўп тадқиқотчилар мақола қандай тартибда чиқаётгани, қайси босқичлардан ўтаётганига қизиқмайди. Унга муҳими белгиланган сонга етсаю, тезроқ ҳимояга чиқса. Таклиф бераётган воситачилар эса ўзлари журнал ясайди ёки бепул нашрларда мақолани чоп этишади. Бу жуда оғриқли муаммо. Бу каби муаммоларнинг олдини олишда ОАК рўйхатидаги журналларни кенгайтириш таклифини берган бўлардим. Ҳимоя учун белгиланган талабда ҳам миллий илмий базаларга урғу берилиши керак, назаримда. Чунки бугун Ўзбекистонда нашр қилинаётган илмий журналларнинг ҳам мақола қабул қилиш талаблари хориж нашрлариники каби юқори.



Фаррух САИДОВ,
Молия институти мустақил тадқиқотчиси:

— Яратилган имкониятлардан миннатдоримиз. Бироқ ҳали-ҳануз ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бор. Масалан, ОАК ва таълим муассасасидаги қоғозбозликнинг керагидан ортиқлиги. Шунингдек тадқиқот объекти билан бўладиган доимий муаммолар ёш изланувчини чалғитади. Таклифим ОАК тизимини бутунлай электронлаштириш керак. Бунинг учун битта платформа тузилади ва тадқиқотчилар барча минимумларни тизимга юклаб боради. Вақт, маблағ ва асаблар тежалади.

ДАРВОҚЕ...

Маълумотларга кўра, 2013-2020 йилларда жами 3937 нафар тадқиқотчига илмий даража берилиб, уларнинг 1259 нафари фан доктори (DSc) ва 2679 нафари фалсафа доктори (PhD)дир. Айни пайтда илмий даражали кадрлар тайёрлаш фаолияти билан 35 та вазирлик, идора ва ташкилотлар шуғулланмоқда. Улар тасарруфидаги олий таълим ва илмий ташкилотларда жами 266 нафар докторант, 3278 нафар таянч докторант, 300 нафар стажёр тадқиқотчи ва 4126 нафар мустақил изланувчи таҳсил олмоқда.



Нозим ТУЙҒУНОВ,
Тошкент давлат стоматология институти талабаси,
Инновацион ривожланиш вазирлиги стажёр-тадқиқотчиси:

— Олимлар илмий тадқиқотларини олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани рост. Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилгани унинг амалдаги ифодаси.

Бироқ бу устамани олиш учун Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэтироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналларида мақола эълон қилиш талабининг қўйилишини тўғри эмас, деб ўйлайман. Боиси олимларимизнинг кўпчилиги илмий-тадқиқот фаолиятида катта тажрибага эга эмас. Халқаро талаблар бўйича тадқиқотларни эълон қилиш, илмий мақолаларнинг рейтингини баланд журналлар талаблари асосида тайёрлаш кўникмасини мукамал билмаймиз. Бу муаммони ҳал этиш учун олий таълим тизимига академик тилда ёзишни ўргатувчи фан киритилиши керак.

«Бажаришинг шарт», «Нима қиласан ўзи?», «Илмни танлашдан олдин ўйлаш керак эди», «Ҳар ойда мақола чиқар», «Ҳисоботинг қани?» каби тергашу койишлардан деярли боши чиқмайдиган изланувчиларнинг дилидагилари шу. Тўғри, устоз тўғри йўлга солади, аммо иккинчи томон фикрлари билан ҳам ҳисоблашиш керак-да. Йўқса, тарози посангиси бир томонга оғавериб асос ўзакни ишдан чиқариши, пировардида машаққатли йўлни танлаган тадқиқотчининг ҳафсаласи пир бўлиши ҳеч гап эмас. Бундан эса фақат Ўзбекистон илм-фани зиён кўради.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Бектемир тумани ҳоқими битирувчилари ОТМга энг кўп кирган мактабга «SPARK» топширади.



Ижодий фаолият натижасида яратилган ихтиролар, саноат намуналари ва фойдали моделлар инсоният ҳаётида энгилликлар яратиш, маълум соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Шу боис ҳам интеллектуал мулкнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни юқори баҳоланади.

КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ ТИЗИМ ҚЎЛ КЕЛАДИМИ?

Дунёга машҳур «Nike», «Coca-Cola», «Colgate», «Armani» ва «Luis Vuitton» каби товар белгилари маҳсулотларидан фойдаланамиз, «Alibaba» ва «Aliexpress» сингари электрон савдо платформалари ҳақида биламиз. Сифат кўрсаткичи кафолатланган шу номдаги маҳсулот ёки хизматларини афзал кўрамиз. Бироқ баъзида бу маҳсулотлар ҳам сифат талабларига жавоб бермаслиги гувоҳи бўламиз? Ҳўш, нега?

«Бренд»ларни ким қалбакилаштиряпти?

Боиси бугун ишлаб чиқарувчилар орасида «қалбакилаштириш» ҳадисини олганлар кўп. Таассуфки, контрафакт маҳсулотларнинг асосий қисми озик-овқат, кўп фойдаланадиган қурилиш моллари, шахсий гигиена ва дори воситалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Натижада сифатсиз истеъмол маҳсулотлари одамлар соғлиғига зиён етказмоқда. Қурилатган иншоотлар бўлса биргина шамолга дош беролмаяпти. Ҳақли савол туғилади, нега уларга нисбатан ҳеч ким чора қўлламайди? Наҳот бундай маҳсулотлардан халос бўлишнинг имкони йўқ?

Айни саволларга **Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг Интеллектуал мулк ҳуқуқлариغا риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Сардорбек ҚИЛИЧЕВ**дан жавоб олдик.



— Интеллектуал мулк агентлиги контрафактга қарши курашишда мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофазалаш бўйича Концепция ишлаб чиққан, — **дейди Сардорбек Қиличев.** — Бундан кўзланган асосий мақсад — контрафактга қарши курашиш тизимида янгилаш ва



усулларни қўллашдир. Бу орқали юртимизда контрафактсиз ҳудудларни кенгайтириш, ноҳалол рақобатга йўл қўяётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига чек қўйилади. Контрафакт маҳсулотларнинг кўпайиши нафақат истеъмолчиларга, балки давлатимиз иқтисодиёти ва халқаро майдондаги имижига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Контрафакт маҳсулотни қандай ажратиш мумкин? Контрафакт маҳсулот асл маҳсулотдан асосан бренд номидаги ўзгариш ва ишлаб чиқариш манзили билан фарқланади. Аксарият ҳолларда контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарувчиси ва манзили тўлиқ кўрсатилмаслик ҳолатлари кузатилади.

«Қалбаки»лардан сақланинг!

— Агентлик жорий йилнинг 9 ойида 700 дан ортиқ ўрганишлар олиб борди. Қалбаки маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилишига қарамай, улар томонидан ушбу турдаги контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва савдоси давом эттирилмоқда.

Мисол учун, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари томонидан АҚШнинг The Procter & Gamble Company компаниясига тегишли «Head & Shoulders» брендли шампун воситасининг 4 хил («Heads & Shoulders», «Head & Shoolder», «Heads & Shoolders» ва «Heads & Shoolders») контрафакт нусхалари ишлаб чиқарилиб, савдога тақдим этилаётгани аниқланди. Яна айримлар шу мамлакатнинг «Mars Inc.» компаниясига тегишли «Snickers» товар белгисидан фойдаланган ҳолда контрафакт ширинликларни савдога етқа-

зиб берапти. Баъзи «уддабурон» тадбиркорларимиз эса «Subway IP LLC» компаниясига тегишли «Subway» хизмат кўрсатиш белгисидан «бехижолат» фойдаланишяпти.

Ҳақдингизни билинг, йўқса...

— Эътиборлиси, қалбакилаштирилаётган маҳсулотларнинг аксарияти дунёга машҳур ва қудратли компаниялар брендларига тегишли. Агар улар ўзларининг товар ёки хизмат кўрсатиш бел-

Контрафакт маҳсулотларнинг кўпайиши нафақат истеъмолчиларга, балки давлатимиз иқтисодиёти ва халқаро майдондаги имижига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

гиларидан рухсатсиз фойдаланилаётганидан хабар топса, албатта, тегишли чораларни кўришади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз кўп миқдорда жарима ёки компенсация тўлашга мажбур бўлади.

Афсуски, ўзгалар номидан фойдаланиб даромад топаётганларнинг аксарияти бу ҳақда бирон тасаввурга эга эмас. Улар фойда олсам бўлди, қабилада иш тутишмоқда. Ўтказилган суҳбатлар ва ўрганишларда кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулк соҳаси бўйича ҳуқуқий онг ва маданияти етарли даражада эмаслиги, товар белгиси нимаю ундан фойдаланишнинг тартиб-таомил-

ларидан беҳабарлиги ойдинлашди. Бу муаммонинг бир жиҳати.

Айб кимда?

— Аслида бундай маҳсулотлар кўпайишининг яна бир омили бор. Бу — сизу бизнинг контрафакт маҳсулотларини фарқлай олмаслигимизда, бефарқлигимизу ўз ҳуқуқларимизни билмаслигимизда. Агар бу турдаги маҳсулотларни сотиб олиш ёки истеъмол қилишдан тийилсак, ўз-ўзидан мазкур товарларга бўлган эҳтиёж ўлади. Сотиб олинмагач, унинг ишлаб чиқарилиши ва савдоси тўхтабди.

Ваҳоланки, фуқароларнинг контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва савдосига чек қўйиш мақсадида мурожаат қилиши учун «**Ima_monitoring_bot**» телеграм канали ишга туширилган. Telegram мессенжеридан яратилган ботга мурожаат қилиш орқали нафақат контрафакт маҳсулотлар бўйича маълумот бериш, балки саволларга реал вақт режимида жавоб олиш ҳам мумкин.

Сиз энг яхшисига лойиқсиз!

— Интеллектуал мулк агентлиги контрафактга қарши курашишда йирик тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда янги тизимни йўлга қўймоқда. Ҳозирда «Anglesey food» хусусий корхонаси ва «Navas food» масъулияти чекланган жамияти билан «**Сиз энг яхшисига лойиқсиз. Контрафактга кўнманг!**» шиори остида контрафактсиз ҳудудларни яратиш бўйича ишлар йўлга қўйилди. Ушбу компанияларга тегишли бўлган савдо нуқталарида сотилаётган маҳсулотлар доимий назоратда бўлиб, контрафакт маҳсулотлар савдосига йўл қўйилмаяпти.

Соҳадаги қонун бузилишлар каталогини яратиш ва уни оммага эълон қилиш эса «қалбаки» маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни оммага ошкор қилади.

Ўйлашимизча, каталогдан ўрин олган тадбиркорлик субъектлари ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган бу рўйхатдан чиқиш чораларини кўришади. Натижада халқимизга ўз номидаги сифатли маҳсулотлар етказиб берилади.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



Ўзбекистонга хорижлик талабалар жалб қилинади.

ЕР ФОНДИДАН қачон самарали фойдаланилади?



Ҳозирда республикада жами ерлар 44 892,4 минг гектарни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Аммо ер майдонидан унумли фойдаланилмагани боис баъзи ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш даражаси кам кўрсаткичга эга бўлмоқда.

Бунга ердан унумли фойдаланмаслик ёки фойдаланиш кўникмасининг мавжуд эмаслиги сабаб бўляпти. 2019 йил ҳосилдорлик даражаси паст бўлган 293 минг гектар ернинг 257 минг гектарида даромадбоп турли экинлар етиштирилди. 35 минг гектарига интенсив боғ ва янги тоқзорлар барпо этилди. 48 минг гектар яроқсиз ерларнинг фойдаланишга киритилиши таъминланди.



Фармон билан нима ўзгарди?

Аслида ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Юртбошимизнинг жорий йил 7 сентябрда қабул қилинган «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ерларидан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон хўжаликлари, сув хўжалиги,

мудофаа ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган фойдаланишдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати амалга оширилади.

Низом лойиҳаси нимаси билан янгилик?

Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Низомда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий бўлиналаридаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат

назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари ва мансабдор шахсларнинг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиши кўзда

тутиляпти. Лойиҳада ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва метрология бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўлими ҳамда туманлар(Кувасой шаҳар) даги шўъбаси мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши айтиб ўтилган.

Жавобгарлик ҳам кўзда тутилган

Давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторларининг кўрсатмалари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек инспекторларнинг фаолиятига асоссиз аралаштириш ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг қонуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида назоратчиларга ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва бу қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.


Хулоса қилиб айтганда мазкур Низомнинг қабул қилиниши республикада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимли олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Абдураҳим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

БУ — ФАКТ!

★ Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4760,4 минг гектарни ташкил қилади.

★ 2020-2030 йилларда республика бўйича жами 1111723 гектар, шундан 298563 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан, 155057 гектар ерости сувларидан фойдаланиш ҳисобидан, 50000 гектар бошқа сув манбалари ҳисобидан, 535632 гектар лалми, яйлов ва бошқа ерларга сув талаб қилмайдиган экин турларини жойлаштириш ҳисобидан ва 72472 гектар ўрмон ерларини фойдаланишга киритиш ҳисобидан ерларни қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритиш бўйича тизимли ишлар олиб борилади.



Табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорлари тасдиқланди.



НОГИРОНЛИК – БАХТСИЗЛИК ЭМАС, ироданинг синови, холос

Синовлар инсоннинг кимлиги, ички олами ва ирода кучини кўрсатиб беради. Таассуфки, юк оғир келганда ётиб (қ)оладиган, «Керак бўлса ёрдам беришади» қабилда иш тутиб, боқимандаликка кўниккан кимсалар ҳам бор ораимизда. Яна шундайлар борки, уларда сабр, шукр, қаноат туйғулари барчага ўрнак.

Меҳнатнинг нони ширин

Бир неча кун олдин Миришкор тумани ҳокимлиги ахборот хизмати бахтсиз ҳодиса туфайли бир қўлидан айрилган бўлса-да, пахта даласига чиқиб, кунига 130-150 килограмдан пахта тераётган Гулчеҳра Қипчоқовага совға-салом улашилганини маълум қилганди. Тўғриси, хабарни ўқиб ҳайрон қолдим. Бундай катта матонат эгаси ким экани билан қизиқдим...

Чироқчи туманининг «Эски анҳор» маҳалласида яшовчи Гулчеҳра Қипчоқова 16 ёшида бахтсиз ҳодиса туфайли бир қўлидан айрилган экан. Меҳнатда катта бўлган қиз уйда ўтирмайди, чопиқ дейсизми, пахта теримими, пишириқ тайёрлаб сотишми – ҳаммасига улгуради. Бир-икки сўм топиб рўзгорнинг камига яратади.

— Бу синов мени бутунлай эсанкиратиб қўйди, — дейди Гулчеҳра Қипчоқова. — Яшашдан умидимни уздим. Энди нима қиламан, қандай яшайман, деб тунлари билан йиғлаб чиқардим. Секин-аста кўникдим. Шундан кейин мен кучлиман, бардошлиман, ҳаммасини енгаман, деб ўзимни ишонтирдим. Одам ҳаётда қийинчиликларга қарамай хурсанд бўлиб юрса, унга омад кулиб боқадди. Ҳозир оилада 10 киши бирга яшаймиз, акамнинг мардикорчиликдан топган пулига кўшимча бўлсин, қишга ун, ёғ, керакли нарсалар олиб қўяйлик, деб пахта теримига чикдим.

Эртанги кунга интилиб яшаш бахти

— Ўтган йиллар давомида бир нарсани англадим, ногиронлик – бахтсизлик эмас, ироданинг синови, холос, — дейди Г.Қипчоқова. — Тўғри, барчамиз ногиронлик нафақасини олягмиз, аммо фақат унга қаноатланиб ўтириш ярамайди. Инсон доимо изланишда бўлиб, олдинга интилсагина ўз орзусига эришади.

Гулчеҳра ўзини ишга бағишлади. «Қачон нафақамни олиб келишаркин?», деб эшик пойламайди. Эртанги кунга интилиб, эртанги кундан умид қилиб яшайди.

— Ҳаётда тўрт мучаси соғлом бўла туриб «Берсанг ейман, урсанг ўламан», дегувчилар қанча, — дейди «Эски анҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Дилором Жўраева. — Гулчеҳранинг ҳаёти чинакамига ҳам ибрат, ҳам жасоратдир. Сабр-чидам, ирода, машаққат. У буларнинг ҳаммасини енгиб ўтди, урдасидан чиқди. Ҳеч қачон бекор ўтирмайди. Сингиллари билан уйда ширинликлар тайёрлаб сотувга чиқаради. Ҳар йили пахта терими бошланганидан биринчилардан бўлиб далага чиқади. Илғор теримчиларимиздан ҳисобланади. У ўзини жамиятга, одамларга керак эканини ҳис этади. Бу унга руҳ бағишлайди.

Ўзимни китобларда топдим!

— Ҳаётда бўлаётган воқеаларни синчковлик билан кузатаман, — дейди Гулчеҳра Қипчоқова. — Жамиятимиздаги ўзгаришлар, ёшлар учун берилаётган имкониятлар таҳсинга лойиқ. Лекин баъзи бир ёшларнинг қимматли вақтини телефон, интернетдаги фойдасиз машғулотлар билан банд бўлиб ўтказётганини кўриб, афсусланаман. Уларга қарата шундай дегим келади: «Азиз ёшлар, тенгдошлар! Аввало, шундай тинч, фаровон Ватанда, ота-она бағрида, соғ-саломат яшаётганингизга мингданминг шукрлар қилинг. Илм эшиклари сизлар учун очиқ. Зеро, илм инсонга ўзини танитади, комилликка етаклайди. Муборак ҳадиси шарифда «Илм ўрганиш ҳам ибодатдир»

ДАРВОҚЕ...

Қашқадарё вилоятида ногиронлиги бўлган 60 мингга яқин шахс истиқомат қилади. Давлатимиз томонидан уларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина сентябрь ойида уларнинг 72 нафари квоталанган, 43 нафари вакант иш ўринларига жойлаштирилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирда 800 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган шахс турли соҳаларда ўз меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

дейилган. Бу бебаҳо умр инсонга бир марта берилади. Шундай яшайликки, токи ортга боққанимизда афсусланмайлик. Илм шундай кучга эгаки, ҳар қандай муаммо, ёмонлик унинг қаршисида барҳам топади.

Сабрнинг мукофоти

Сабрнинг мукофоти бор, деганлари бежиз эмас. Гулчеҳра бу йил биринчи марта олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширибди ва илк уринишдаёқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали талабаси бўлибди. Яна денг, грант асосида. Имтиҳонларга эса мустақил тайёрланибди, бу билан куни бўйи ишлаб, репетиторсиз ҳам ўқишга киришни исботлагани эътиборга молик. Энди у тўрт йил бошланғич таълим йўналишида таҳсил олади.

— Бир ўқиганим бор, — дея ҳикоя қилади Гулчеҳра. — Бир бой одам уйининг айвонида ўтириб кўчани томоша қиларди, ногаҳон, ахлат қутисини титиб, бир нарсалар излаётган фақирни кўрди ва «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, фақир эмасман», дейди.

Камбағал ҳам атрофга назар солиб, ногиронлар аравачасида кетаётган бир мажруҳ кишини кўрди ва: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ногирон эмасман», дейди.

Бу орада ногирон ҳам йўлда тезлик билан ўтиб касални олиб кетаётган «Тез ёрдам» машинасини кўрди ва: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, касал эмасман», дейди.

Касал ҳам шифохонага олиб кирилаётганда ўша ерда жони узилган кишини кўрди ва: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, яшамоқдаман», дейди...

Биз ҳам қандай ҳолда бўлишимиздан қатъий назар, айнан шу онда ҳозирги ҳолимиз учун Аллоҳга шукр қилишимиз керак. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам бизга яшаш фурсатини инъом этиб турибди-ку...

Бир неча кундан кейин Гулчеҳра пахта даласидан уйига қайтади. Буёғи кузнинг забти – совуқ бир пайтлар йўқотилган қўл ўрнига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. У эса бировдан ёрдам кутиб яшашга ўрганмаган, ўқиш билан бирга гўзал ва тўқис ҳаёт сари дадил одимлайверади...

Ҳа, бундай истеъдод соҳиблари, иродаси мустаҳкам инсонлар ораимизда кўплаб топилади. Улар ҳақида ёзишдан мақсад эса, ҳаётга энгил-елпи қараб, бекорчиликда кун ўтказадиган, бирор фойдали ишнинг бошини тутиш ҳақида ўйламайдиган, гўё хорихда тўқин ҳаёт борлигини тасаввур қилиб, кейин куллик азобини тортаётганларга айнан Гулчеҳрадек метин иродали юртдошларимиз ибрат бўлсин, демоқчимиз. Аслида изланган, интилган одамга юртимизда имконият кенг. Зеро, эзгу саъй-ҳаракат ҳеч қачон изсиз кетмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Инсон эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак».

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»



Жиззахда оптик толали кабеллар ишлаб чиқариш заводи қурилиши бошланди.

ЕРГА

ким эга

чиқади?

Фарғона шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини Чаман кўчаси, 73-«а» уйда яшовчи Мадаминжон Усмонов таҳририятимизга мурожаат қилди. Айтишича, «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги ташландиқ жойда ташкил этилган деҳқон хўжалиги фоалиятига бошқа бир фуқаро ҳеч қандай асоссиз эгалик қилишини иддао қилаётган экан. Хўш, йиллар давомида турли тортишув ва можароларга сабаб бўлаётган масалага ечим топиш нега бу қадар қийин кечмоқда. Ернинг асл эгаси ким?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги деҳқон хўжалиги экин майдонида бўлдиқ. Авваллари турли чиқинди уюмларидан иборат бўлган тепалик, ташлаб кетилган қурилиш ва маиший чиқиндилар кўриниши дилни хуфтон қилади.

– Чекка, турли чиқиндилар уюлиб ётган ташландиқ жойлар ҳеч кимга керак бўлмаган, – дейди Мадамин Усмонов. – Нафақага чиқиб бу ерларни ўзлаштириш, экин майдонларини тозалаш, баланд-паст ерларни тупроқ билан тўлдириш ишларига киришганимга ўн йилдан ошди. Шахсий машинами сотиб техника ишлатдим, қудуқ қазиб сув чиқардим, шаҳар ҳокимлигига шу ерда деҳқон хўжалиги ташкил этишни сўраб бир неча бор мурожаат қилдим. 2016 йил Фарғона шаҳар ҳокимининг 1 июнь кунги 652-сон қарорига асосан, М.Улуғбек кўчаси, 17-уйда яшовчи ўғлим Одилбек Усмоновга 0,25 гектар ер майдони қурилиш қилмаслик шарти билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилди. Бундан руҳланиб худуд атрофини ўраб, турли мевали кўчатлар экдим. Аммо бу хурсандчиликларимиз узоққа бормади.

Экилган кўчатлари-мизни «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Зафар Марупов ҳеч қандай сабабларсиз кўчириб ташляпти.

Айбдор жазоланди, аммо...

Фарғона шаҳар маъмурий судининг 2019 йил очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузар Зафар Марупов ўз қилмишларини тан олган ва бу ҳолат қайтарилмаслиги, қилмишига тўлиқ иқрорлигини баён этган. Суднинг ҳал қилувчи қарорига кўра, у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик кодексининг тегишли моддаларига кўра, айбли деб топилиб, энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридан жарима жазоси тайинланган. Ҳуқуқбузар З.Маруповдан М.Усмонов фойдасига жами 1 миллион 956 минг 667 сўм етказилган зарарни ундириш ҳақида ҳал қилувчи қарор қабул қилинган.

Шу тариқа, айбдор қилмишига яраша жазо олди. Аммо ер таллашиш борасида бошланган тортишувлар поёнига етгани йўқ. Деҳқон хўжалиги эгалари ҳар йили экин майдонига кўчат экади, бошқа бири уни суғуриб, синдириб кетади.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида фуқаро Зафар Марупов билан боғландиқ. У мазкур ер майдони ноқонуний ўзлаштирилган, қабул қилинган қарорлар бекор бўлгани, ҳар қандай масалани фуқаролик суди орқали ҳал этишга тайёрлигини билдирди. Аммо у мазкур бўш майдон ўзига тегишли эканлиги ҳақида бирон-бир ҳужжатни илова қила олмади.

Ҳужжатлар нима дейди?

Шу ўринда Фарғона шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2019 йил №07/01-06 хатида баён этилган маълумот эътиборни тортади...

Аниқланишича, Фарғона шаҳар «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғини Яккатут кўчаси охирида

жойлашган, фойдаланилмайдиган бўш ер майдони деб сўралган, яъни қишлоқ хўжалиги харитасининг 19-дала контури деб аталувчи жой Фарғона шаҳар ҳокимининг 2016 йил 1 июндаги 652-сонли қарорига асосан, Фарғона шаҳар М.Улуғбек кўчаси 17-уйда яшовчи Одилбек Усмоновга 0,25 гектар ер майдони қурилиш қилмаслик шарти билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилган. Мазкур қарор Фарғона вилоят ҳокимининг 2016 йил 21 ноябрдаги 322-сонли қарорига асосан, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид деб бекор қилинган. Лекин фуқаро Одилбек Усмоновга берилган FA 0039354-сонли «Ер участкасига бўлган ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида»ги гувоҳномаси бекор қилинмаган. Шунга кўра, 5062-инвентар рақамли «Ер бўлагига кадастр йиғмажилди»га асосан, фуқаро Одилбек Усмонов фойдаланишида эканлигини билдиради.

– Дарҳақиқат, фуқаро Одилбек Усмоновга «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғини Яккатут кўчаси худудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратилган, – дейди вилоят «Ер мулккадастр» ДК Фарғона шаҳар филиали мутахассиси Фирдавс Комилов. – Бироқ «Симтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг тавсифномасида фуқаро О.Усмоновнинг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида оилали ва қишлоқ жойларида камида 3 йил яшаган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер ажратилади деб кўрсатилган. Бундан ташқари, Фарғона шаҳар ҳокими имзоси билан тасдиқланган қарор Ер кодексининг 55-моддаси, 1-бандига зид тарзда қабул қилингани боис бекор қилинган.

Фарғона шаҳар давлат солиқ инспекцияси қайд этган яна бир маълумотда эса, «Жўйдам» ма-

ҳалла фуқаролар йиғинида деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ер нотураржой бўлиб, солиқ тўловчи шахс сифатида Одилбек Усмонов рўйхатга олинган. 2016-2019 йиллар давомида деҳқон хўжалиги томонидан 539812 сўм ер солиғини тўлаб келганлиги кўрсатилган.

Шу тариқа ерга давогарлик қилаётган фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва ерга экин экиш, боғ яратиш ишларига тўсиқ бўлаётган омиллар юзасидан ички ишлар, прокуратура, ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилди. Аммо экин майдонидан самарали фойдаланишнинг қонуний ваколат ва имкониятлари хусусида берилган жавоблардан қониққани йўқ.

– Фуқаролар ўртасида юзага келаётган ер можаросидан хабаримиз бор, – дейди «Жўйдам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшод Юсупов. – Ҳақиқатан ҳам, деҳқон хўжалиги эгалари ташландиқ худудни ободонлаштирган, ер очиб, сув олиб келиш ишларини бажарган. Аслини олганда, маҳалла фуқаролар йиғини фуқароларга ерга эгалик қилиш юзасидан бирон-бир томонни ёқлаб хулоса бериш ваколатига эга эмас. Шу боис бу борадаги муаммоларга қонуний ечим топиш, музокара олиб бориш учун фуқаролик судига мурожаат қилишлари юзасидан тавсиялар берганмиз.

Битта можаро ортидан юзага келаётган масалалар ечимига нуқта қўйиш, оқни оқ, қорани қора дегувчи кимса йўқ. Турли тортишув, дўқ-пўписа, низоларга бой бўлган ер масаласи ечимида суднинг ҳал қилувчи қарори муҳим ўрин тутди. Ана шунда мавзуга қонуний ечим топилади. Шундай экан, биз бу мавзуга яна қайтамыз.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



Ўзбекистон Биохилмахиллик бўйича
Глобал ахборот фонди аъзолигига қабул қилинди.

МУСЛИМА АЁЛ

мусулмон бўлмаганга турмушга чиқса...

Турмушга чиқаётган муслима аёллар, қизлар, фақат мусулмонга турмушга чиқишлари керак. Йўқса, яқинда видеоси кенг тарқалган корейс миллатига мансуб эркакка турмушга чиққан марғилонлик аёл ҳолига тушиши ҳеч гап эмас. Бунни қарангки, Корейда вафот этган ушбу ўзбек аёлининг жасадини ёқмоқчи бўлишди, яхшиямки, мусулмон оғайнилари бор экан, барча амаллар ислом динига хос тарзда адо этилди...



Минг афсуски кейинги пайтларда ўзбек қизларининг чет эл йигитларига турмушга чиқиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Нима, уларга Ўзбекистонда йигитлар қолмаганми? Миллати, дини бошқа шахсларга турмушга чиқаётганлар-чи? Уларни нима деб аташ мумкин?..

Миллати, турмуш тарзи, урф-одати етти ёт бегона, синалмаган юртларга турмушга чиқишдан не наф? Молдунёга эришишми ёки бойлик орттириш?..

Бу ҳақда мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Корейга турмушга бериш билан шуғулланаётган марказ борми?



Ўғиллой ЎРОЗОВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

– Маҳаллаларда аҳоли ўртасида оила, тўй ва маъракалар, қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақида тизимли тадбирлар, тушунтириш-тарғиботлари ўтказилади. Минг афсуски, айрим оилалар ўз билганидан қолишмайди. Чет эл фуқароларига турмушга чиқиш ҳолатлари ҳам ана шундай «қулоқ»сиз оилалар хонадонидан кузатилмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда ўзбек қизларини Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга бериш билан шуғулланаётган марказ фаолиятига оид видеолар тарқалди. Вазирлик томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида мазкур видеолар Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Ҳ.Сулаймонов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 2-Миробод кўчаси 35-уйда жойлашган «SEJONG HAKDANG» ўқув марказида тасвирга олинган маълум бўлди.

Суриштирувлар натижасида «SEJONG HAKDANG» ўқув маркази республикамизда 1992 йилда қонуний асосда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтга қадар юртимиз фуқароларига корейс тили ва маданияти, корейс миллий тасмаларини ўргатиш мақсадида фаолият юритиб келаётгани аниқланди. Ўқув маркази раҳбари Хо Со Хенг томонидан берилган маълумотларга кўра, мазкур масканда таҳсил олаётган аёлларнинг 31 нафари Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга чиқишган. Лекин корейс фуқароларига турмушга чиққан ўзбек қизларининг оила қуришига мазкур ўқув марказнинг алоқаси йўқ. Бу фуқаролар турмушга чиқиб, ўрнатилган тартибда никоҳни қайд этгандан сўнг бу ўқув марказига мурожаат қилишган.

Сухбат давомида маълум бўлдики, ўзбек қизларини чет элга юбориш ёки Жанубий Корея давлати фуқароларига турмушга чиқишларини ташкил этиш ўқув марказ мақсадларига кирмайди. Ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларга 2020 йил 7 сентябрь куни мазкур масканда навбатдаги ўқув мавсумининг очилиш маросимидаги тадбирдан олинган.

Шу ўринда ўз тақдирини кўр-кўрона бошқа миллат вакиллари билан боғлаётган ўзбек қизларига ҳаётга теранроқ қараб, чет элга турмушга чиққан баъзи юртдошларимизнинг аянчли қисматидан тўғри хулоса чиқаришларини сўраб қоламиз. Вазирлик эса тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «SEJONG HAKDANG» ўқув марказининг келгуси фаолиятини атрофлича ўрганиб боради.

Шариатимизда мумкинми?



Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари,
Носирхон жоме масжиди имом-хатиби:

– Муслима аёлнинг мусулмон бўлмаганга турмушга чиқиши Қуръони карим, суннат, ижмоъ ва ақлий далиллар билан ҳаром ва ботил амалдир. Қуръони каримдан далил: Аллоҳ таоло айтади: «Мушрик эркакларга, то имон келтирмагунларича, (мўмина қизларни) никоҳлаб бермангиз. Зеро, ҳур мушрикдан кўра имонли қул яхшироқдир, гарчи у (мушрик) сизларга манзур туюлса ҳам. Улар (мушриклар) дўзахга чорлайдилар. Аллоҳ (эса) ўз изни билан жаннатга ва мағфиратга чорлайди ва эслатма олишлари учун одамларга ўз оятларини баён этади» («Бақара», 221-оят).

Эр учун хотин устида валийлик ва раҳбарлик ҳаққи бор. Лекин бу ҳақлар кофир эркак учун муслима аёлнинг устида мавжуд эмас. Ибн Қудом айтадилар: «Илм аҳлининг ижмоси(яқдил фикри)га кўра, кофир киши учун ҳеч қайси ҳолатда муслиманнинг устида эгалик йўқдир».

Суннатдан далил: Пайғамбаримиз алайҳиссалом барча эри мусулмон бўлмаган муслималарни турмушдан ажратганлар. Жумладан, қизлари Зайнабни эри Абул Ос ибн Рабиъдан ажратдилар. Кейинчалик у киши мусулмон бўлган, яна қизларини қайтариб бердилар.

Ижмоъдан далил: Уламолар куфр аҳлининг муслима аёл билан никоҳи ботил эканига, никоҳ мутлақо боғланмаслигига ижмо қилганлар. Бунинг Ибн Мунзир, Ибн Абдулбар, Ибн Қудом, Шавконий ва бошқа уламоларимиз нақл қилишган.

Ақлий далил: Муслима аёл куфр аҳлига хотин бўлиш билан ғайридинга итоат қилиши, ўзини паст олиши вожиб бўлиб қолади. Кофир эр унинг хўжасига айланади. Қолаверса, ғайридин муслима аёлнинг динини ҳурмат қилмайди, балки дини сабабли аёлни хўрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом шариатида кўра бирор аёл ғайри динга турмушга чиқиши ҳаром амалдир. Агар аёл бунинг билсаю уни ўзига ҳалол санаб, ўзга дин вакилига турмушга чиқса, у муртад ҳисобланади (Аллоҳ сақласин). Агар ўзига ҳалол санамасдан турмушга чиққан бўлса, никоҳи ботил саналади ва ўша аёл бегона эркак билан зино қилаётган ҳукмида бўлади.

Яқинда қўшни бир қишлоғимиздан бир қиз республикамизнинг бошқа бир ҳудудига келин бўлиб кетибди. Орадан кунлар ўтгач, онаси қиз кўрдига бормоқчи бўлиб турганида қизининг ўзи эшлик қоқиб келибди. Билишсаки, қизларини келинликка эмас, хизматкорликка алдаб олиб кетишган экан. Қиз бечора эса зўрға қочиб келибди. Халқимизда «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», деб шунга айтишса керак-да... Сиз нима дейсиз, маҳалладош?

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

Тасаввурлари дабдабали тўй, сарпо-суруғ ва чиройли келин кўйлак билан чегараланади



Садоқат САМАНДАРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси:

– Ёш қизларнинг турмуш қуриш ҳақидаги тасаввурлари асосан, дабдабали тўй, сарпо-суруғ ва чиройли келин кўйлак билан чегараланади. Атрофидаги тили бурро келиноиларнинг ақли билан моддий тўқчилик ҳақида ҳам қизиқишади. Бироқ турмуш фақат шу майда-чуйдалардан иборат эмас. Янги оила, янги қариндошлар, янги муносабатлар деганидир. Миллатимиз, динимиз, менталитетимиз бир бўлиб турган жамиятда кўплаб тўсиқларга учраётган опа-сингилларимиз қадриятларимиз, анъаналаримиздан йироқ манзилларда осойишта турмуш кечириши миллат фожиасига айланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асарида Жўломонни манкуртга айлантириш учун ячуж-мачужлар, энг аввало, юрти, қон-қариндошлари, қадриятлари, қавми ҳақидаги хотираларини унуттиришгани ҳам бежиз эмас. Киши ўзлиги, миллий маънавиятисиз ҳеч ким бўлмай қолишини асар орқали яққол англаш мумкин.

Оддий мисол, бир дугонам биринчи турмушдан ажралиб ўзга (корейс) миллатли инсонга турмушга чиқди. Аммо ўзга юртга кетишни истамади. Оқибатда фарзанди аросатда тарбияланяпти. Сарсон-саргардонлик, эр-хотин муносабатларининг тушунмовчилиги, энг муҳими, миллий қадриятларидан тобора узоқлашиб бораётганидан қийналади, афсусланади. Демак, аёл, аввало, она эканини, ўзга миллат вакилига турмушга чиқиш келгуси авлод, фарзандлар тарбияси, келажаги учун нотўғри қаддам эканини ўйлаб кўриши шарт. Шундай экан, миллатимиз шаънини, софлигини, қадриятларимиз бардавомлигини сақлаш шу юртга тегишли ҳар биримизнинг чин инсоний бурчимиз ва фазилатимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистонда «Лада» автомашинаси ишлаб чиқарилиши мумкин.

Уйғониш учун

БИР ЖОН ҚУРБОН Бўлиши

Кейинги пайтларда аёллар ҳуқуқининг поймол этилиши билан боғлиқ қатор кўнгилсиз ва фожиали воқеалар содир бўлди. Жумладан, сентябрь ойида Самарқандда турмуш ўртоғи томонидан хўрланган Мустаҳкам исмли келинчак воқеаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинган эди.

Октябрь бундан-да фожиалироқ ходиса билан бошланди. Зеро, Наманганда фирибгарлар тузоғига тушган, адолатсизлик, тегишли идоралар томонидан мутлақо бефарқлик туфайли алал-оқибат ўзига ўт қўйган Гуландом Дадабоевнинг ҳалокати жамиятнинг барча қатламларини ларзага солди.

Маълум бўлишича, аёлга фирибгар уйфурушлар бошқа одамга тегишли хонадонни 13 минг АҚШ долларига алдаб сотишган. Кейинги суд жараёнлари Гуландомни икки фарзанди билан уйдан мажбурий чиқариш, фирибгарлардан келтирилган зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилган. Фирибгарлардан бири уй қамоғига ҳукм этилган. Аммо негадир МИБ ходимлари ижронинг фақат бир томони, яъни аслида жабрдийда бўлган Гуландомни уйдан чиқариш қисминигина ижро этишга бел боғлади. Аёлнинг «аввал пулимни олиб беринг», деб қилган ноалари мутлақо эътиборсиз қолдирилди. Турли ҳуқуқий баҳоналар билан ўраб-чирмалди.

Алол-оқибат, атрофи бефарқ кимсалар билан ўраб олинган, ҳеч бир чорасиз қолган аёл омма ва камералар қаршисида устига бензин сегиб, ўзига ўт қўйди. Гугурт чақилаётган ва хатто, Гуландом аланга бўлиб, жон аччиғида кўча бўйлаб югуриб кетаётганида ҳам «ғўддайиб» турган қатор ташкилотлар вакиллари одамларнинг лаънатига сазовар бўлди. Бугун бу видео бутун дунёга тарқалиб, кезиб юрибди.

Қизиғи, айнан шу воқеалар содир бўлаётган бир вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизлар аҳволи бўйича IV Бутунжаҳон анжуманининг 25 йиллигига бағишланган юқори даражадаги учрашувда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева юртимизда аёллар ҳуқуқини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида тарихда илк марта ўзбек тилида нутқ сўзлаётган эди...

керакмиди?



Фақат қоралаш билан иш битганида эди...

Мавзу юзасидан расмийлар ва жамоатчилик вакиллари фикри билан қизиқдик.

— 35 ёшли аёл ўзини ёқиб юборганидан хабарим бор, — дея ҳолатга муносабат билдирди Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева. — Бу ҳолат Ўзбекистонга хос эмас, бизда «Жаннат — оналар оёғи остида» деб бежиз айтилмаган. Азалдан онага, сингилга, хотинга ҳурмат кўрсатилиб келинган... Ўша қандайдир масалада МИБ ходими тўғри талаб қўйган, аёл ноҳақ бўлган бўлиши мумкин эди. Видеода аёл психологик тарафлама зўриққан ва стрессда экани кўриниб турибди. МИБ ходими ўзини қандайдир ички қарори билан ижрони кейинроққа суришти керак бўлган. Ҳолати яхшилангандан кейин ушбу масалани муҳокама қилса бўларди. Масалан, ўша аёлнинг қариндошлари, дугонаси ёки яқинлари орқали ижрони бажаришига ҳаракат қилиш... Ҳолатни яқиндан ўрганганим йўқ, аммо МИБ ходимининг ҳам хатоси бор, деган фикрга келдим. Негаки, улар аёл стресс ҳолатида эканини кўриб туриб ҳам ижрони тўхтатишмади ва талаб қилишни давом этишди... Мен буни мутлақо қоралайман...

Қонунчилик номукамал...(ми?)

— Унинг онаси ва икки фарзанди қолди, — дейди Масс-медиа фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Саида Мирзиёева. — Бу аёл уларга бошқа бировнинг уйини сотиб юборган фирибгарнинг қурбонига айланди. Фирибгар эса жинояти учун қамоққа тушди. Мулк ҳақиқий эгаси томонидан талаб қилинган ва суд аёлни болалари билан биргаликда чиқариб юбориш бўйича қарор қабул қилган. Бундай даҳшатли ҳолатга қўл урган бу аёлнинг чорасизлигини тўлиқ тушуниб турибман. Ва қонунчилигимизни бу борада номукамал деб ҳисоблайман. Фи-

рибгарлар кўлига тушиб, тураржойларидан айрилиб ва том маънода, кўчада қолган ҳолатлар фақат бу аёлдагина учрамайди. Фирибгарлар қамоққа олинишлари мумкин, лекин моддий зарарни бармоқ билан санайдиганларигина қоплайди, холос.

Бу ҳолда, меннинг нуқтаи назаримдан, фирибгарлар давлатга қарздор бўлиб, қонун олдида жавоб беришлари керак. Давлат эса ўз ўрнида шундайлар гирдобига тушиб қолган инсонларга муаммолардан чиқишига ёрдам беришлари лозим. Албатта, «одамлар ўзлари айбдор, жуда соддалар» — деб айтиш мумкин. Бироқ бунда давлатнинг ҳам айби бор. Қишлоқ аёллари барча қонуний ҳуқуқларини қаердан билишсин?... Бундай саволлар фожиалар содир бўлишидан олдин берилиши керак! Бу каби ҳар қандай ҳолат узоқ ва жиддий терговни талаб қилади. Ва бундай ҳолларда ҳар доим норасида болаларни ҳисобга олмоқлик лозим! Уларнинг ҳеч қандай айби йўқ, лекин улар ҳам катталар билан бирга жазоланмоқдалар. Мен депутатлар бу масалаларни муҳокама қилиб, ночор аҳволга тушиб қолган ва алданганлар учун ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашларини жуда-жуда истардим. Ҳеч ким борар жойи йўқ аҳволга тушиб қолмаслиги керак!

Нима қилиб қўйдинг, Гуландом!?

— Ўзбекистонда аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши бошқа совет республикаларига нисбатан кўпчилиги масаласи собиқ иттифоқ даврида ҳам матбуотга олиб чиқилган эди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдухолиқ Абдураззоқов. — Мустақилликнинг илк йилларида ҳукумат ва матбуот бу масалага яна эътибор қаратди. 1989-1993 йилларда Ўзбекистонда 370 нафар аёл ўзини ёққани ҳақида марсияли мақолалар эълон қилинган. Аммо «Аёллар йили», «Оналар ва болалар йили», «Оила йили» доирасида қабул қилинган дастурлар, аёлларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган тадбирлар қутилган



натيجани бермади. Ишсизлик туфайли аёлларимиз эрлари билан ёки ўзлари чет элга чиқиб кета бошлашди.

Шавкат Мирзиёев Президентликка сайлангач, Қарши шаҳрида бир йилда 27 нафар аёл ўз жонига қасд қилгани ҳақида катта минбардан туриб, изтироб билан бонг уриб, ҳукуматни ва жамиятни уйғонишга чорлаганини кўпчилик эсласа керак. Шундан кейин тегишли қарорлар чиқарилди, мажлислар ўтказилди, тушунтириш ишлари олиб борилди, халққа манзур қарор ва фармонларни ижро қиладиган, ижроси ҳақида оммага ҳисобот берадиган идораларни ислох қилдик ва ҳоказо. Аммо, афсуски, натижаларимиз ҳануз қувонарли эмас. Буни кейинги пайтлардаги воқеалар яққол кўрсатиб қўйди. Энди яна ҳаммаси бошидан бошланади: қарорлар қабул қилинади, тадбирлар ва мажлислар ўтказилади, ҳисоботлар берилади — кампания аста-секин якун топади... то бошқа бир Гуландом ўзига ўт қўймагунча...

Хулоса

Ҳозирда наманганлик турли даражадаги раҳбарлар, жамоат вакиллари мазкур воқеа юзасидан ўзини оқлаб олишга шошилмоқда. Жумладан, шаҳар МИБ масъул ходимлари қонун доирасида иш кўргани, прокуратура жиноий иш очгани ҳақида баёнотлар берди. Вилоят ҳокими марҳуманинг «хонадонига» бориб яқинларига таъзия изҳор қилди. Пулни ундириб беришда кўмаклашишини баён этди. Қатор жамоат ташкилотлар ҳомийлик ёрдамларини кўтариб суратга туша бошлашди. Аммо, афсуски, улар ҳаракатга келиши учун бир ёш жон қурбон бўлиши талаб этилганди.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Хоразм вилоятидаги барча мактабларда анъанавий дарслар йўлга қўйилди.

МЕНДИРМАН ЖАЛОЛИДДИН



тарихий сериаллар дебючаси бўла оладими?

Тарихий солномалардан маълумки, атиги 31 йил яшаган бўлса-да, салмоқли умр кечирган Султон Жалолиддин Мангуберди нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё халқлари учун ҳам алоҳида эътиборли шахс, давлат арбоби ва енгилмас саркарда ҳисобланади. Унинг ватан ҳимояси учун душман қўшинларига қарши мардонавор жанг қилгани ҳақидаги афсоналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Мана, бир неча ойдирки, Маданият вазирлиги буюртмасига биноан, халқимизнинг мард, жасур ўғлони, миллий қаҳраонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида турк киноижодкорлари билан ҳамкорликда «Мендирман Жалолиддин» номли сериал суратга олинмоқда. Ушбу картина тарихий сериалларимизнинг дебючаси, дея талқин этилмоқда. Хўш, сериал томошабинлар қалбини забт эта оладими? Унинг аҳамияти нималарда кўринади? Сериал ижодкорларининг фикр-мулоҳазалари билан бўлишдик.

Актёрлар жамоаси саралаб олинган

«Мендирман Жалолиддин» тарихий сериалини бугун нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий халқлар вакиллари интиқлик билан кутмоқда.

— Ниҳоят, миллий маданиятимиз жонкуярлари, киномухлислар, жумладан, ўзим ҳам орзиқиб кутган дамлар етиб келди, — дейди Маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Миллий қаҳраонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида яратилган кинофильмнинг илк қисмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Пандемия шароити режадаги ишларимизни биров кечикишига сабаб бўлди. Лекин ҳамкорларимиз, ҳомийларимиз, қолаверса, ўзбек-турк ижодкорлари орасидан саралаб олинган истеъдодли актёр ва актрисаларимизнинг ғайрат-шижоати, сабр-тоқати, матонатни туфайли ҳаракатларимиз ўз самарасини берди.

Дунёда ҳеч ким бас келолмаган ёвуз, ўта айёр ва маккор душман



Чингизхонга қарши чиқа олган, ўз халқи озодлиги йўлида жонини аямаган миллий қаҳраонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги ушбу сериал нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон мамлакатлари кино мухлисларида ҳам катта таассурот қолдириши мумкинлиги қалбимизни қувонч, фахр-ифтихорга тўлдирди. Қолаверса, «Мендирман» қўшиғи билан қалбимдан чуқур ўрин олган Мангубердини юракдан севиб қолганим рост. Сериал давомида шу қўшиқ мусиқаси янграб туради. Яқин кунларда «Миллий» телеканалда орқали намойиш этиладиган ушбу сериал мухлисларимизга манзур бўлиши, унда юрагимизнинг бир парчаси борлигини ҳис этишлари ва уларда буюк ўтмишимиз, ота-боболаримизга нисбатан улуг бир меҳр-муҳаббатнинг уйғонишидан умидвормиз.

«Икки тилда сўзлашадиган битта миллатмиз»

Дарҳақиқат, ҳар икки мамлакат киноижодкорларидан иборат катта жамоа учун ажратилган 50 гектарли павильонда ижодкорлар ўзаро самимий мулоқотда, тажриба алмашишди. Бош қаҳрамон — Жалолиддин Мангуберди образини туркиялик актёр Эмре Кивилжим гавдалантирган. Чингизхон образини эса Жавахир Зокиров яратган. Сериалда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Раметова, Тохир Саидов, Боир Холмирзаев, Раъно Шодиева, актёрлар — Акбархўжа Расулов, Акмалжон Мирзаев, Райхон Уласенова, Юлдуз Ражабова, Феруза Норматова каби ижодкорлар ҳам роль ижро этишган.

Умуман, сериалда минг нафардан зиёд киши иштирок этган.

Ўзбекистон томонидан «Best organiser» МЧЖ ва Туркиянинг «Bozdag film» кинокомпанияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, мазкур тарихий сериалга «Orient Finans Bank» тижорат банки ҳомийлик қилмоқда.

— Жалолиддин Мангубердининг жасорати мени ҳайратда қолдирди, — дейди бош роль ижрочиси Эмре Кивилжим. — Ватани ва миллат ҳимоясида ўзини фидо қилган, тарихда муҳим шахс сифатида ном қозонган буюк саркардининг шижоати унга бўлган меҳримни уйғотди. Биз икки тилда сўзлашадиган битта миллатмиз, сериалда суратга тушиш чоғида ўзбек актёрлари билан бир оила бўлиб ишладик. Уларнинг театр йўналишидаги маҳорати кучли эканини кўрдик. Биз ўзаро тажриба алмашидик. Ҳар иккала давлат актёрларининг маҳоратидан ўрганса арзиғулик жиҳатлар кўп.

Бош ролни нега турк актёри ўйнади?

Айтиш керакки, сериал анонси эълон қилинган, кўпчиликни шу савол қизиқтирди. Наҳотки, ўзимизда миллий қаҳраонимизни гавдалантиришга қодир актёрлар бўлмаса?

— Бу инсон — бутун жаҳонга машҳур шахс, — дейди сериал бош маслаҳатчиси Бобохон Муҳаммад Шариф. — Чингизхон ҳукмдор бўлиш учун курашган бўлса, Жалолиддин ватанини ҳимоя қилиш учун жанг қилган. 130 йил давомида босқинчилар зулми остида яшаганмиз. Миллий ғуруримиз топталган. Бу фильм орқали биз ўша ватангар-

ДАРВОҚЕ...

«Мендирман Жалолиддин» сериалининг съёмкаси учун Туркиядаги 30 гектар майдонда юртимизнинг XIII асрга оид муҳити жонлантирилган. 1200 нафар ишчи-хизматчининг меҳнати билан 3500 кв/м. майдонда баландлиги 5,5 метр бўлган икки қаватли Хоразмшоҳ саройи қурилган. 200 дан ортиқ либосчилар ўзбек ва турк рассомлари эскизлари асосида минглаб тарихий костюмларни тикиб, тайёрлашган. Истанбулдан 750 км. масофадаги Оқсарой музофотида саҳро жанг саҳналари суратга олинган.

варлик руҳини қайтармоқчимиз. Ўзбек актёрлари орасида истеъдодлилари бор, лекин ҳали кино соҳамиз бунга тайёр эмас. Ўзбек киноси баъзи саҳна кўринишларига ишлов беришда ҳам етарли тажрибага эга эмас. Фильмда ким бош ролни ижро этишига эмас, нима учун бу асар керак бўлиб қолди, деган саволга жавоб бериш зарур. Жалолиддин Мангуберди ким эди? Буни фильм қилишдан халққа нима берамиз, деган саволларга жавоб топиш муҳим. Бу илк кўйилган қадам. Тарихий шахсларимиз жуда кўп. Улар ҳақида юзлаб фильмлар яратилса ҳам оз.

Хулоса ўрнида

Маълумотларга кўра, сериалнинг биринчи фасли 13 қисмдан иборат бўлиб, унинг премьераси 2021 йилнинг январь ойида теле-томошабинларга тақдим этилиши режалаштирилмоқда. Катта жамоадан иборат сериал ижодкорларига сўнгги баҳони, албатта, томошабинлар бериши тайин. Хўш, йиллар давомида интиқиб қутилган тарихий фильм яратилдими? Миллий қаҳраонларимиз сиймоси ва ниҳоят жаҳонга юз тутдими? Бу хусусида сериални кўргач, яна тўхталиб ўтамыз.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



«Ибрат» фильмининг расмий премьераси бўлиб ўтди.

Совуқ кунлар бошланиши билан аҳоли ўртасида мавсумий касалликлардан шамоллаш, грипп кабилар янада авж олиши тайин. Бугунги вазият, яъни пандемия ҳолати кўпчиликни саросимага солиб қўйган. Оддий томоқ оғриғи ҳам одамларни анча ташвишлантиради. Антибиотиклар ҳақида ҳамма эшитган, деярли барча уларни турли инфекцияларда қўллаган.

Кўпчилик ҳозир улардан ўзбошимчалик билан шамоллашда, диареяда ва шунга ўхшаш вазиятларда фойдаланади. Тўғри-да, арзмаган шамоллаш учун ҳам шифокор хузурига бориб ўтириш шартмикан? Ахир, шундай эффектив таъсир кўрсатадиган дорилар — цифтроксин, цифозалин каби инъекцияларни қўллаш билан масалага ечим топиш мумкин деб ўйлайдиганлар кам эмас. Устига-устак, юртимизда дорихоналар сон-саноксиз, улардан бемалол шифокор рецептсиз эркин, керакли дориларни харид қилиш мумкин, чекловлар йўқ.

Аслида-чи? Антибиотикларни шифокор тавсиясиз ҳам қўллаш тўғрими? Антибиотиклардан аслида қачон ва қай тарзда фойдаланиш керак?

Ҳар қандай касалликка давоми?

Антибиотиклар, бу — баъзи микроорганизмлар (замбуруғлар, бактериялар), хайвон тўқималари ва айрим ўсимликлар ҳаёт фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ва турли хил микробларнинг ўсиши ҳамда ривожланишини тўхтатадиган органик моддалардир. Одам организми жуда ҳам мураккаб. Ҳар қандай хасталик келиб чиқишида микроб ва вирусларнинг роли катта. Кўпчилик одамлар антибиотиклар ҳар қандай касалликни даволай олади, деб ўйлашади. Аслини олганда эса антибиотиклар фақатгина 10-20 фоиз инфекцияларни даволай олади, холос. Чунки аксарият инфекцияларни бактерия ёки вируслар кўзғатади. Антибиотиклар эса фақат бактериялардан келиб чиққан инфекцияларга қарши даво бўлади. Бактериал инфекциялар билан вирусли инфекциялар бошқа-бошқа касалликлар бўлганлиги учун, табиийки, уларни даволаш ҳам турлича бўлади. Антибиотиклар вирусларга қарши ишламайди. Улар вирусни тўхтатмайди. Лекин коронавируснинг патологияси шундайки, бу вирус пневмонияга олиб келади. Пневмония бўлган вақтида кўпчилик ҳолатларда бактериялар ҳам қўшилади. Ўшани даволаш учун антибиотиклар ишлатилади.

Касалликни даволашда АНТИБИОТИКЛАР қандай ёрдам бера олади?

Қўллаш стандартлари ўзгарган

Сўнгги йилларда бутун дунёда антибиотиклардан нотўғри фойдаланиш натижасида уларга чидамлилик ўсиб борапти. Бу дегани, оддий патоген чақирган касаллик ҳам одамни нобуд қилишгача олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу масалага катта эътибор қаратиш лозим. Ҳозир антибиотикларни қўллаш стандартлари анча ўзгарган. Аввал бемор бактериал инфекция билан хасталанса, биринчи кундан оқ юкори доирадаги антибиотикларни қўллаб, касаллик тузатишган. Айни вақтда антибиотикларга нисбатан патоген микроорганизмларнинг чидамлилиги кучайгани ҳисобига беморда хасталикни айнан қайси бактерия келтириб чиқарганини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шунга қараб дастлаб империк, сўнг алтернатив даво чораси ва захира антибиотикларни қўллаш тизимидан фойдаланилмоқда. Кўриниб турибдики, антибиотикларни тўғри тавсия қилишда шифокор масъулияти ҳам юкори.

Нотўғри қўллаш касалликни оғирлаштиради

Антибиотиклар бактерияларни нобуд қилувчи дорилардир. Улар шифокор тавсиясига риоя қилган ҳолда тегишли касалликни (бактериал инфекцияни) даволаш мақсадида қабул қилинса, самарали натижа беради. Бактериялар ҳар хил антибиотикларга сезувчан бўлади. Шунинг учун ҳам, антибиотиклар бактерия турига қараб белгиланиши лозим. Лекин антибиотиклар ҳамма касалликларга ҳам даво бўла олмайди. Жумладан, вируслардан келиб чиққан шамоллаш,



грипп, сувчечак ва қизамиқ каби касалликларни антибиотиклар даволай олмайди. Одамлар кўп ҳолларда шифокор билан маслаҳатлашмасдан туриб, ўз билганича антибиотикларни қабул қилдилар. Масалан, диарея (ичкетар) билан оғриганда левомецитин ёки тетрациклин, шамоллаш ёки грипп билан оғриганда ампициллин ёки пенициллин, буйрак ва бел оғриғида гентамицин каби антибиотиклар қабул қилдилар. Ваҳоланки, бу каби хасталикларни даволашда антибиотиклар умуман фойдасиз бўлиб, аксинча бемор аҳволини янада оғирлаштириши мумкин. Вируслар ҳужайра қобиғи ичида бўлиб, антибиотиклардан ҳимояланган бўлади. Бактериялар эса бундай қобикқа эга эмас, шунинг учун улар антибиотиклардан ҳимояланган бўлмайди.

Шифокор маслаҳати муҳим

Тиббиётта маълумки, 80-90 фоиз ҳолларда нафас йўллари инфекциялари ва томоқ оғриғини вируслар келтириб чиқаради. Антибиотиклар вирусларга қарши фойда бермайди. Шунини билиш зарурки, антибиотикларни нотўғри ишлатсангиз,

ДАРВОҚЕ...

Антибиотиклардан фойдаланишни тўғри ташкил этмаслик шу алфозда давом этса, келгуси 10-15 йилда одамзод микробларга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмай қолади. Аниқроқ айтганда, уларга қарши курашиш имкониятини бой бериб қўяди.

организм инфекцияга чидамли бўлиб қолади. Энг аввало, ҳар бир инсон хасталикка йўл қўймасдан соғлиғи ўзига боғлиқлигини унутмаслиги керак. Шунингдек, тиббий маълумотларга эга бўлиб, ҳар хил дориларни фойда ва зарарига эътиборли бўлиши керак. Дорини қабул қилишга доир махсус кўрсатмаларни яхшилаб ўқиб чиқиш муҳим.

Агар шифокор сизга антибиотиклар олишни тавсия этса даволанишни, албатта, охиригача етказинг. Антибиотикларни қабул қилишни бошлагандан бир неча кун ўтиб, ўзингизни яхши ҳис қила бошласангиз ҳам даво муолажасини охиригача қабул қилинг. Акс ҳолда хасталик яна хуруж қилиши мумкин. Касаллик такрорланганда уни даволаш қийинроқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки дастлабки даволаниш давомида сақланиб қолган бактериялар кучайиб, улар энди антибиотиклар таъсирига чидамли бўлиб қолади. Антибиотикларни фақат шифокор таъинлайди ва уларни белгиланган вақтда қабул қилиш зарур.

Нигора ТОЖИЕВА,
Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий-текшириш институти етакчи илмий ходими.



Ўзбекистонда коронавирустга қарши дориларнинг 24 миллиард сўмлик захираси шакллантирилди.

Болаларни КОРОНАВИРУС ХАВФИДАН қандай ҳимоялаймиз?

Кунлар совиб боряпти. Коронавирус инфекцияси хавфи ҳамон жиддийлигича қолаётир. Гарчи ушбу вируснинг кўпроқ ёши катталарга, сурункали дарди борларга «ўч»-лиги, бундай беморларда инфекция оғир кечиши маълум бўлса-да, шамолни ҳам раво кўрмай ўстираётган болажонларимизни бу балодан қандай ҳимоялаш барчани бирдек қизиқтириши аниқ. Чунки болалар шамоллашга мойиллиги, ўғил-қизлар орасида нафас олиш аъзолари касалликлари кўп кузатилиши айрим ота-оналарни хавотирга солаётир.



навирус билан 10 ёшгача бўлган болалар касалланмайди, деган маълумотлар ҳам тарқалгани рост. Аммо унутмаслик керакки, бундай ёшдаги болалар ҳам коронавирусуга чалинадилар, лекин дард уларда енгил кечиши ва тез тузалиши кузатилган. Юртимиздаги вазият билан боғлиқ умумий ҳолатнинг 0,9 фоизи бемор болалар ҳиссасига тўғри келаётгани эса ўғил-қизлар COVID-19 инфекцияси билан камроқ оғришларини исботлайди.

Ҳарорат пасайган айни кунларда...

Сир эмас, коронавирус инфекциясининг асосий кириш дарвозаси — юқори нафас йўллари дидир. Ҳарорат пасайган айни кунларда ўткир респиратор шамоллаш, фарингит, ангина ва ринитлар ҳам айнан шу йўл орқали организмга кириб келади. Яъни юқори нафас йўллари касалликлари билан коронавирусунинг биргаликда келиш эҳтимоли мавжудлигини унутмаслик керак. Ўткир респиратор вирусли касалликлар (ЎРВИ) болаларни кўп безовта қилади. Болалар ўртасида учрайдиган юқумли касалликлар-

нинг 90 фоизи вирусли инфекциялар ҳиссасига тўғри келади. Бошқаларга қараганда 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар кўпроқ шамоллайдилар. Нафас олиш аъзолари касалликлари болаларда қийин кечади. Агар ЎРВИ болада тез-тез такрорланса, иммунитет заифлашади, жисмоний ва ақлий ривожланиш кечикиши ҳам мумкин. Шундай экан, уларни бу касалликдан ҳимоялаш учун иссиқ кийинтириш, совуқ ичимликлар ва озик-овқатлар ейишларининг олдини олиш, кўпроқ суюқликлар ичириш, иммун тизимини мустаҳкамлаб бориш даркор.

Агар шундан кейин ҳам болада нафас аъзолари касалликлари учраса, айрим маълумотлар билан танишиб қўйган маъқул. Жумладан, бундай касалликлар бир неча гуруҳга бўлинган бўлиб, уларга инфекция-яллиғланиш билан кечадиган ўткир ва сурункали касалликлар, аллергия касалликлар, чақалоқлик даврида ривожланган, туғма ва наслий касалликлар киради.

Инфекцион-яллиғланиш билан кечадиган ўткир ва сурункали касалликларга юқори ва пастки нафас аъзолари касалликлари киради. Юқори нафас аъзоларидан кўпроқ ринит, фарингит, тонзиллит, отит, синусит, ларингит; пастки нафас аъзолари касалликларидан эса трахеит, бронхит (ўткир, сурункали, обструктив, қайталанувчи), бронхолит, пневмония, плеврит, бронхоэктатик касалликлар учрайди.

Кислород таъминоти барқарор бўлиши керак

Нафас олиш тизимининг асосий вазифаси — организмни кислород билан таъминлашдир. Бу тизимнинг бирор бўғинида шикастланиш кузатилса, бутун тизим ишдан чиқиши мумкин, бу эса

организмда кислород етишмаслиги (гипоксия)га ва ундан кейин қайтариб бўлмайдиган жараёнларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бола организмда гипоксиянинг келиб чиқишига тўхталсак, биринчидан, бу боланинг нафас йўллари анатом-физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан, нафас йўллари ўта сезувчан бўлиб, турли инфекция, аллергия ёки бошқа кўзгатувчи дарров гиперсезгирлик реакциясини бериб, нафас сиқиши, ҳансирашга олиб келиб, боланинг ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Шу боис ота-оналар болада шамоллаш аломатларини сезишлари билан ўзлари билганича даволашга киришмасдан, албатта, мутахассисларга мурожаат этишлари даркор. Фақат мутахассисгина касаллик сабабини ва турини аниқлаб, даво муолажаларини белгилайди.

Уй шароитида даволаш имкони қай даражада?

Болаларда нафас олиш аъзолари касалликларининг оғир ёки енгил даражасини шифокор аниқлайди. Жумладан, енгил даражадаги касалликни даволашни уй шароитида ҳам ташкил қилиш мумкин. Даволаш жараёни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартлари асосида ушбу шифокори назоратида олиб борилиши керак. Уйда хоналарни тез-тез шамоллатиб, тозалikka риоя қилиб, боланинг ёшига мос витамин ва минералларга бой маҳсулотлар билан тўғри овқатлантириш, кўп суюқлик ичириш жоиз. Болага тўғри нафас олишни ва нафас олиш гимнастикасини ўргатиш лозим. Сурункали касалликлари бор болаларга эса касаллик хуружи пайтида уй шароитида ингаляция(дори моддаларини нафас йўлларида киритишни) ёки нафас олишга ёрдам берувчи курилма (небулайзер)дан фойдаланишни ҳам ўргатиш керак. Бола тузалгандан кейин унга шахсий гигиена қоидаларини, соғлом турмуш тарзига риоя қилишни тушунтириб бориш зарур бўлади.

Бир сўз билан айтганда, болаларимизни доим асраб-авайлашимиз, уларга саломатлик бебаҳо неъмат эканини уқтириб боришимиз, гигиенага риоя этиш, тиббий маданиятни ошириб бориш узоқ умр гарови эканини сингдиришимиз лозим.

Зумрад РЎЗИМБОЕВА,
олий тоифали
шифокор-педиатр.



Ўзбекистон Туркменистонга дори-дармон экспортини қарийб 29 бараварга оширди.

«ЯХШИЛИКНИНГ

Яхшилик — икки дунёда нажот қалитидир. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Назаримизда, арзимас туюлган яхшилик ҳам Яратганнинг ҳузурда жуда катта мукофотга лойиқ кўрилиши мумкин. Аллоҳ таоло «Ҳаж» сурасининг 77-оятда шундай марҳамат қилади: «Эй, иймон келтирганлар! Рукуъ, сажда қилинглари ва Роббингизга ибодат қилинглари ҳамда яхшилик қилинглари, шоядки, нажот топсангиз!»

«Табассум билан айтилган чиройли сўз — садақадир»

Ибодат қилиб Яратганга сажда қилишимиз бандалик бурчимиздир. Аммо нажот топишимиз учун унинг ўзи етарли бўлмайди. Яхшилик, эзгулик қилиб, рухий дунёни янада бойитиш лозим. Зеро, инсон қалби имон, яхшилик билан нурга тўлса, ёмонлик, фисқу фужур ила зулматга тўлади.

Хожа Аҳрор Валийнинг «Бу дунё яхшилик экинзоридир» деган ҳикмати айни ҳақиқатдир. Яхшилик билан инсон нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам турмуш тарзи, хулқи ўзгаришига сабаб бўлади. Дунёни экинзор билиб, яхшилик уруғини сочган инсон, охиратда унинг ҳосилини кўради. Бу унинг энг яхши ҳосили бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир қанча ҳадисларида яхшилик қилишнинг фазилати ҳақида айтиб ўтганлар. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоху анху Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан нақл қиладилар: «Ул зоти шариф айтдилар: «Табассум билан айтилган чиройли сўз — садақадир». Яна бир ҳадисда шундай деганлар: «Банда модомики биродари ҳожатини раво қилар экан, Аллоҳ таоло унинг ҳожатини осон қилишда давом этади». Бошқа ҳадисда эса: «Кимки, бир мўминдан дунё қийинчиликларидан бирини енгиллаштиради, Аллоҳ таоло ундан қиёмат оғирликларидан бирини енгил қилади. Кимки ҳаётда қийналган кишига осонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда енгилликни ато қилур», — деб айтганлар.

Айни пайтда юртимизда давом этаётган пандемия шароитида халқимиз орасида қийналиб, оғир вазиятга тушиб қолаётганлар учраб турибди. Яқинларимиз, қавму қариндошларимиз орасида, маҳалларимизда ана шундай қийин аҳволда қолганларга ёрдам қўлини

мукофоти фақат яхшилик бўлғайдир»



чўзиш, уларга далда бўлиш, оғирини енгил қилиш, айни юқоридаги оят ва ҳадиси шарифда зикр қилинган яхшилик сирасига киради.

Кундалик қиладиган ишларимизни яхшиликка айлантириш ўзимизга боғлиқ. Аввало, ҳар бир ишимизда Аллоҳни эслаб, унинг розилиги учун қилишимиз лозим. Шунда инсон ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Юқоридаги ояти каримадаги «яхшилик қилинглари» жумласининг яна бир маъноси «ёмонлик қилманглари»дир. Зеро, яхшилик қила олманган инсон ҳеч бўлмаса, ёмонликдан тийилиши — яхшиликдир.

«Бир кишига яхши сўз айтишинг — садақадир»

Яхшилик қилиш узоққа бориш, кимнидир қидириш ёки қайсидир жойни ахтариш шарт эмас. Балки яхшилик қилишнинг чек-чегараси йўқ. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифда шундай дедилар: «**Куюш балқиган ҳар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этишинг — садақадир. Бир кишини уловига минишида ёрдам беришинг ва юкини уловига кўтариб юклаб беришинг — садақадир. Бир кишига яхши сўз айтишинг — садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадамнинг баробарида сен учун садақадир, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан бартараф этишинг ҳам садақадир.**»

Тасаввур қилиб кўринг, инсонлар юрадиган йўлда ҳаракат хавфсизлигига халақит берадиган бир нарса турибди. Сиз, шуни йўлдан олиб ташласам, савоб бўлади, деб қилсангиз, албатта, бу яхшилигингиз учун Аллоҳ таоло сизни мукофотлайди. Аксинча, турли ҳақоратли сўзларни айтиб, олиб ташласангиз, қалбингизда ҳеч қандай эзгу ният бўлмагани учун Аллоҳ сизнинг ишингизни мукофотламайди. Шунчаки вақтингиз ва меҳнатингиз зое кетади.

Халқ орасида «савобнинг таги тешик» деган беўхшов нақл бор. Аслида савоб иш қилиб, унинг натижасини шу дунёнинг ўзида кутиш — илмсизлик. Чунки савоб иш Аллоҳнинг розилиги учун охиратни ўйлаб қилинади. Инсон яхши амаллар қилиб, кўпчиликнинг дуосини олгани, ҳеч кимнинг қалбини ранжитмагани Яратган зот унга яхшиликларни насиб қилса, бу қилган яхши амалларининг мукофотининг бир қисми, холос. Аллоҳ унга охиратда яна кўплаб яхшиликлар беради.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сураси 114-оятда қуйидагича марҳамат қилади: «**Улар Аллоҳга, охират кунига иймон келтирурлар, амри маъруф ва наҳйи мункар қилурлар ва яхшиликларга шошилурлар. Ана ўшалар, аҳли солиҳлардандир.**»

Аллоҳ таоло бандаларига икки дунё саодатига эришиш йўлларини кўрсатиб берди. Пайғамбарларни юборди, китоблар нозил қилди. Ҳалолнинг ҳалол, ҳаромнинг ҳаром, яхшиликнинг яхшилик, ёмонликнинг ёмонлик эканини очиқ-ойдин баён этди. Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, одамлар орасидан олимларни чиқариб қўяди. Улар Аллоҳнинг оятларини, Пайғамбаримизнинг ҳадисларини теран англаб, муслмонларга тушунтириб, уларга тўғри йўлни яна аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб беради. Инсон Аллоҳнинг кўрсатган ўша йўлидан юрса, яхшиликни қилиб, ёмонликдан қайтса, Аллоҳ таоло уни кўллаб-қувватлайди ва икки дунёда азизу мукаррам қилади. Аллоҳ унга дунёнинг ўзидаёқ яхшиликларининг эвазига яхшиликни насиб қилади.

Бисотимиздаги молу давлатимиз ўзимизники эмас...

Аслида, инсон ўз меҳнати ва имкониятидан келиб чиқиб фақат ўзини ўйлаб яшаш мумкин. Аммо Ал-



лоҳнинг раҳмати қайси амалимизга боғлиқ эканини билмаймиз. Шунинг учун Яратганнинг раҳматидан умид қилиб, кундалик ибодатларимиздан ташқари яхшилик қиламиз, ёмонликлардан тийиламиз.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасининг 245-оятда шундай дейди: «**Аллоҳга «чиройли қарз» берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши борми, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса? Ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) танг ҳам, кенг ҳам қилур ва (сизлар) Унинг ҳузурига, албатта, қайтарилажасиз.**»

Бисотимиздаги молу давлатимиз ўзимизники эмас, десам ҳайрон бўлманг. Балки Аллоҳнинг розилиги учун кимнингдир ҳожатини чиқариб қилган хайру саховатимиз ўзимизникидир. Агар ниятимиз холис бўлса, албатта, мукофотланади. Оятдаги «чиройли қарз» жумласининг маъноси — бу дунёда камбағалларга, етим-есирларга, ҳожатмандларга ёрдам бериб, охиратда бой бўлиш назарда тутиляпти.

Ҳадиси шарифда қуйидагича баён қилинган: Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анху дан ривоят қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кишига: «**Садақа қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса, аҳлингга қил, агар аҳлингдан ҳам ортиб қолса, қариндошларингга қил, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса, улардан бошқаларга ва ҳоказо,**» деган эканлар.

Аллоҳ таоло бандасининг бирон бир ишини зое қилмас, яъни ҳеч қачон изсиз йўқолиб қолмас. Биз яхшиликларимизни ҳам, ёмонликларимизни ҳам унутиб юборишимиз табиий ҳол. Аллоҳнинг ҳузурда бирортаси ўчириб юборилмайди. Биз кўп ўтмай қилган яхшиликларимиз фақат ўзимиз учун эканини англаб етамиз. Зеро, Аллоҳ таоло «Ар-Роҳман» сураси 60-оятда: «**Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик бўлғайдир**» деб марҳамат қилди.

Маъмуржон ЭРКАЕВ,
Тошкент ислом институти
бўлим бошлиғи.



Саудия Арабистони Умра зиёрати
4 босқичда ташкил этилишини маълум қилди.

Қирғизистон ҳукумати парламент сайлови натижаларини бекор қилишга мажбур бўлди. Шунингдек, сайлов жараёнида йирик кўламда қалбакилаштириш ишлари билан шуғулланганларнинг барчаси қамоққа олиниши маълум қилинди. Айтилган пайтда тақдирини номаълум қолаётган президент Сооранбой Жээнбеков одамларни ақл билан иш тутишга чақиряпти, холос. У ҳаммаси назоратда эканини таъкидлаётган бўлса-да, пойтахтдаги реал воқеалик бунинг аксини кўрсатмоқда.



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Қирғизистондаги воқеалар ЯНА БИР ИНҚИЛОБДАН ДАРАК БЕРМОҚДАМИ?

Унинг сиёсий рақиби, собиқ президент Алмазбек Атамбаевнинг қамоқдан олиб чиқиши ҳам амалдаги давлат раҳбари айтилган пайтда қандай ҳолатга тушиб қолганини исботлади. Қирғизистон Марказий Осиё давлатлари орасида икки марта халқ исёнини бошдан ўтказган давлат ҳисобланади. Гарчи Сооранбой Жээнбеков бир неча марта мамлакат учун инқилоблар етарли, навбатдагисига йўл кўйилмайди, дея таъкидлаган бўлса-да, воқеалар ривожини учинчи инқилобдан дарак бермоқда.

Бош вазир ва парламент спикери ўзгарди

Аслида кўшни республикада охириги 20 йилдан бери сиёсий маданиятнинг турғунлиги кузатилмоқда. Сиёсатчилар худудий-уруғ-аймоқчилик асосида бўлиниб, ишларини ҳам шунга мувофиқ куришмоқда. Улар халқни Қирғизистондаги каби хатти-ҳаракатларни содир этишга рағбатлантирар ва йўналтирар экан, ҳеч қачон осойишталик бўлмайди. Оммавий тартибсизликлар ва уларни ташкиллаштириш таҳдиди сиёсатдонларнинг ҳокимиятнинг эгаллаш йўлидаги энг реал востаси бўлиб қолаверади.

Хабарингиз бор, 5 октябрь куни Қирғизистонда парламент сайлови ўтказилди. Кечга бориб, 16 та сиёсий партиядан 12 таси парламентга ўтиш учун зарур бўлган 7 фоизлик маррани забт эта олмагани эълон қилинди. Натижада 12 та партия томонидан уюштирилган митинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан тўқнашувларга айланиб кетди. Намойишчилар тонггача президент ва парламент биналарини, Оқ уй ва Бишкек шаҳар ҳокимлигини қўлга олган, Қирғизистон собиқ президенти Алмазбек Атамбаев, собиқ бош вазири Сапар Исаков ва бошқа сиёсатчиларни

қамоқхоналардан озод қилди. Қирғизистон телерадиокомпанияси ҳам намоийишчилар кўлига ўтди.

Қирғиз хавфсизлик кучлари пойтахт Бишкек марказида тўпланган минглаб намоийишчиларга қарши резина ўқлар, кўздан ёш сиздирувчи газ ва ёруғлик ҳамда шовқин тарқатувчи гранаталарни ишлатди. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги манбаларга кўра, кеч соат 24:00 ҳолатига 120 киши турли жароҳатлар билан шифохонага тушган.

Намоийишларда мухолифатнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашини тузишга келишилган. Кенгашнинг асосий вазифаси этиб сайлов натижаларини бекор қилиш белгиланган. Намойишчилар Марказий сайлов комиссиясига сайлов натижаларини ярим тунга қадар бекор қилиш ҳақида ультиматум кўйишган. Намойишлар чоғида амалдаги президент Сооранбой Жээнбековнинг истеъфоси талаб қилинган.

Айтилган пайтгача Қирғизистонда парламент спикери Достон Жумабеков ва Бош вазир Кубатбек Бўронов истеъфо берди. Мухолифатчи депутат Миктибек Абдилдаев парламент спикери этиб сайланди, яқинда қамоқдан озод қилинган Садир Жапаров эса ҳукумат раҳбари вазифасини бажарувчи бўлди.

Ташқи кучлар аралашдими?

Қирғизистонда сайловлар арафасида норозиликлар юз бериши янгилик эмас. Мамлакатда «хорижий охур»дан озукланадиган партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, диний ҳаракатлар шу даражада кўпки, улар исталган пайтда ҳукумат инқирозини келтириб чиқара оладилар. Бу сафар мандатлар учун пойгада анъанавий партиядан ташқари, «Қирғизистон халқи бирлиги» партияси билан яқингинада бирлашган

«Иймон нури» партияси иштирок этди. «Иймон нури» Қирғизистон сиёсий сахнасида 2012 йилдан бери фаолият кўрсатиб, ўзини адолат ва тараққиёт учун курашадиган сиёсий куч сифатида тасвирлайди.

Исломи оқим йўналишига эга диний партия Таблиғи Жамоат ҳаракатининг бир бўғини сифатида кўрилади. Таблиғи Жамоат бугун Қирғизистондаги энг фаол ҳаракатлардан саналади — эътиқодчиларнинг деярли 65 фоизини қамраб олгани бот-бот тилга олинади. Бундан ташқари, мустақил ислоншунослик илмий-тадқиқот институти олиб борган тадқиқотларга кўра, Таблиғи Жамоат ёшлар орасида ҳам катта эътиборга эга. Вилоятларда бу жамоа аъзолари даъватчилар сифатида танилган. Таблиғи Жамоат фаолияти Россия, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозғистонда тақиқланган.

Жээнбеков президентликдан кетмаслигини айтди

Қирғизистон президенти сиёсий партиялар раҳбарларини ўз тарафдорларини тинчлантиришга ва уларни йиғилган жойларидан олиб кетишга чақириб, мамлакатдаги сиёсий вазият тўғрисида баёнот берди:

«... Давлатдаги тинчлик, жамият барқарорлиги ҳар қандай депутатлик мандатидан ҳам қадрлидир. Мен Марказий сайлов комиссиясига қонун бузилишларини синчковлик билан текширишни ва агар керак бўлса, сайлов натижаларини бекор қилишни тақлиф қилдим. Мен сиёсий партиялар раҳбарларини ўз тарафдорларини тинчлантиришга ва уларни ўзлари йиғилган жойлардан олиб кетишга чақираман. Барча юртдошларимни тинчликни сақлашга ва провокацион кучларнинг чақирикларига берилмасликка чақираман. Мамла-

катимиз тинчлиги ва жамиятимиз хавфсизлиги энг муҳим нарсасидир. Мен барча кучларни мамлакат тақдирини сиёсий амбициялардан устун қўйишга ва ҳуқуқий майдонга қайтишга чақираман».

Шунингдек, Сооранбой Жээнбеков «Би-Би-Си» қирғиз хизматида берган интервьюсида ҳокимиятдан кетиш нияти йўқлигини яна бир бор таъкидлади. У ўзининг «леgitим президент» эканини айтиб, мамлакатда юзага келган вазиятда арбитр вазифасини ўташи лозимлигини урғулади: «Мен — легитим президентман ва менга ҳам жуда кўп нарсаси боғлиқ».

Президент сўнги 24 соат ичида мамлакатда бўлаётган воқеаларни олдиндан тайёргарлик кўриб, уюштирилган тадбир дея атади: «Ҳозир музокаралар столига ўтириш ва мамлакатдаги вазиятни ҳуқуқий ўзганга қайтариш жуда зарурдир. Мансабларни тақсимлашадими ёки янги сайловларни ўтказишадими — бунинг ҳаммаси ҳуқуқий майдонда қилиниши лозим».

Ўзбекистон томони қандай муносабат билдирди?

Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли баёнотида айтилишича, Қирғиз Республикасида юзага келган кескин вазият ва воқеалар ривожини Ўзбекистон Республикасида жиддий ташвиш уйғотмоқда.

«Қирғизистоннинг барқарорлиги ва мустаҳкам ривожланиши бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва фаровонлигининг муҳим омили ҳисобланади. Ҳозирги мураккаб вазиятда биз Ўзбекистонда кўп асрлик тарихий ва қариндошлик ришталари, умумий маданий ҳамда маънавий қадриятлар билан мустаҳкам боғланган биродар Қирғизистон халқига ҳар томонлама кўмак кўрсатишга тайёрмиз», — дейилади баёнотда.

Шунингдек, Ўзбекистон яқин кўшни ва стратегик шерик сифатида қардош Қирғизистондаги вазиятнинг мамлакат Конституцияси ва миллий қонунчилиги нормаларига мувофиқ тез орада барқарорлашувига умид қилади.



Ўн тўққиз нафар ўзбекистонлик
Россия фуқаролигига қабул қилинди.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ОММАВИЙ СПОРТ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ?



Ҳаётини қобилиятни ошириш керак

XXI аср илмий-техникавий ин-килобни энг юксак чўққига кўтарди. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши, робот техникаси тобора такомиллашиб бораётгани инсон капитали даражасига юксак талаблар қўйиш билан бир қаторда, ҳар бир кишининг жисмоний бақувватлиги, узоқ умр кўришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мунтазам равишда «халқларнинг ҳаётини қобилияти» номини олган тадқиқотларни олиб боради. «Халқларнинг ҳаётини қобилияти» коэффициенти энг юқори – беш балл билан ўлчанади. Ҳозирча бирор мамлакат ана шу юқори коэффициентга эга бўла олмаган. Тўрт балл билан баҳоланган давлатлар ҳам аҳолиси қобилиятининг юқори бўлган, ҳам иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси юксак Швеция, Голландия, Бельгия, Дания ва Исландиядир. Марказий Осиё мамлакатларида эса ушбу балл 1,7-1,9 ни ташкил этади.

— *Жисмоний тарбия ўз хусусияти билан ижтимоий ҳаётнинг фавқулодда ҳодисасидир, — дейди Миллий олимпия қўмитаси президенти Рустам Шоабдурахманов. — Бу жамиятда соғлом турмуш тарзини — жисмоний фаоллик, бадантарбия машқлари, спорт билан мунтазам шуғулланиш демакдир. Бугунги кунда пандемия туфайли оммавий спортни ривожлантириш муҳим ҳисобланмоқда. Бу эса, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланмоқда. Жорий йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини ҳар бир фуқаронинг ҳаётига киритишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Қарор лойиҳасига мувофиқ, «Пандемияни спорт орқали енгамиз!» ғоясини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасида 2020-2021 йилларда спорт сиёсатини жадаллаштириш дастури тасдиқланади.*

Сўровномада барча муаммолар кўриниб қолди

Аммо соҳага оид муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳудудларда яратилган спорт иншоотлари аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаяпти. Республикада мавжуд 51 583 та спорт иншоотининг 87 фоизи туманларда, 13 фоизи шаҳарларда жойлашган. Улар 1,3 млн. ўринга эга бўлиб, мамлакат аҳолисининг фақат 4 фоизини қамраб олмоқда. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда республика бўйича кўшимча 421 та спорт иншоотига эҳтиёж мавжуд. Ушбу эҳтиёжлар, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида юқориликча қолмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда «Ю-репорт» ижтимоий рақамли платформасида юртимиздаги спорт иншоотларининг бугунги ҳолати ва фаолияти юзасидан ўтказган сўровнома натижалари ҳам соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатди. Саккиз мингга яқин иштирокчи қамраб олинган сўровнома натижаларига кўра, ёшларнинг 49 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмайди, 20 фоизи спортнинг бирор-бир тури билан қамраб олинмаган. 19 фоиз иштирокчилар учун спорт тўга-

раklarининг нархи қиммат. 64 фоиз ёшлар спорт иншоотларига транспорт орқали боришга ёки узоқ вақт пиеда юришга тўғри келиши ноқулайлик туғдираётганини билдирган. 64 фоиз ёшлар ўз маҳалларида спорт иншоотлари йўқлигини ва спорт мусобақалари етарлича ташкил этилмаётганини қайд этган. Бу борада, айниқса, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида аҳвол қониқарсиз эканлиги маълум қилинган. Айниқса, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури ижроси қарийб 6 мингта маҳаллада таъминланмаган. Масалан, Андижон вилоятида 867 та, Самарқанд вилоятида 790 та, Тошкент вилоятида 708 та ҳамда Фарғона вилоятида 700 та футбол майдончаси қурилмаган.

Оммавий спортни ривожлантириш муҳим

— *Республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг устувор йўналишлари этиб — спортнинг юриш, югуриш, футбол, велоспорт, бадминтон, волейбол, стритбол, фитнес, «Воркут» — маҳалла (кўча) фитнеси турлари белгилаб олинishi мўлжалланмоқда, — дейди Р.Шоабдурахманов. — Йил давомида аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида тўрт босқичли (маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика) юриш ва югуриш, бадминтон, мини футбол, велоспорт, волейбол, стрит-*

ДАРВОҚЕ...

Хитой 2021-2022 йиллар давомида тўртта йирик халқаро ва минтақавий спорт мусобақаларининг мезбони бўлади. 2025 йилда эса Тошкентда биринчи марта ёшлар Осиё ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган.

бол, «Workout» бўйича «Соғлом оила — янги Ўзбекистон таянчи!» шиори остида мусобақалар ташкил этилади. Шунингдек, аҳолининг барча қатламлари ўртасида «Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовлари ташкил қилинади. Ҳафтасига камида бир маротаба корхона ва ташкилотлар ходимларининг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирок этишини назарда тутадиган «Саломатлик куни» жорий қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли мураккаб вазиятга қарамасдан, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида сўнгги ойларида Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳрида янги спорт мажмуалари барпо этилди, бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам шундай иншоотлар қурилиши олиб борилмоқда.

«Катта синовлар ёқасидамиз»

Ҳозир миллий спорт федерациялари катта синовлар арафасида турибди. Энг кучли ва истеъдодли спортчиларимиз 2021 йилга кўчирилган Ёзги Олимпия ўйинлари билан бирга келгуси йилда олтинчи Осиё соҳил ўйинлари, Жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги олтинчи Осиё ўйинлари, учинчи Осиё ўсмирлар ўйинлари, шунингдек, 2022 йилда XIX Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун пухта тайёргарлик кўришлари керак.

Айни пайтда кўпгина спорт федерациялари ўқув-машғулот йиғинларини ҳам бошлаб юборганлар. Уларда спортчиларни мусобақаларга тайёрлашнинг энг замонавий усуллари, инновацион технологияларидан самарали фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Шу мақсадда халқаро спорт майдонида юксак натижаларга эришаётган давлатларнинг илғор тажрибасидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Наманганда жаҳон стандартидаги уч конфигурацияли картодром қурилди.



СУЛТОН ВА ИККИ ОТ ВОҚЕАСИ

От — инсоннинг энг садоқатли дўстларидан. Олимлар бу жонзотнинг хонакилаштирилганига беш минг йилдан зиёд вақт бўлганини таъкидлашади.

От ақл-заковат жиҳатидан ҳам бошқа жониворларни ортда қолдиради. Тарихда учқур, чопагон ҳамда кўркама арғумоқларнинг турли давлатлар ҳамда халқлар тақдирларида катта роль ўйнагани хусусида маълумотлар бор.

От шунчаки одамларнинг узогини яқин қилмаган, балки ҳукмдорлар ва саркардалар фаолиятларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Айрим тулпорларнинг шу қадар қадри баланд, бебаҳо бўлганки, бирорта ўлчовларга сифмаган, бутун бир мамлакат бойлигига, тоғ-тоғ олтин-кумушларга ҳам сотилмаган.

Ҳалокатли ғалаба

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Акбар Замоновнинг

тадқиқотларида баён этилишича, 1221 йил баҳор-ёз ойларида Жалолоддин мўғулларга қарши аёвсиз курашга бел боғлаб, уларга бир неча марта қақшатқич зарба берганидан кейин, Ғазна (ҳозирги Афғонистоннинг шарқида, Покистонга яқин жой) яқинида, Қобул дарёси бўйидаги Парвон даштида Чингизхоннинг моҳир саркардаларидан бири — Шихи Қутуху нўён бошчилигидаги 45 минглик мўғул қўшинлари устидан ғалабага эришди.

Манбаларга кўра, бу жангда Жалолоддин қўшинининг сони 60 минг атрофида бўлган ҳамда султоннинг жангда қўллаган ҳарбий тактикаси «енгилмас мўғуллар» ҳақидаги афсонани йўққа чиқарган. Лекин бу ғалабанинг ўзи Жалолоддин учун ҳалокатли бўлди.

Жанг натижасида қўлга киритилган катта миқдордаги ўлжа тақсимланиши жараёнида Жало-

лиддин лашкарбошилари — қанғилардан (Туркон хотун ҳам шу уруғдан эди) Амин ал-Малик туркманлар йўлбошчиси Сайфиддин Иғроқ билан бир қимматбаҳо араби от устида таллашиб қолишади (ўлжалар орасида энг ноёб улуш от ҳисобланган. Отлар зотига ва чиройига қараб бир неча минг тиллога баҳоланган).

Тортишиш пайтида қизишиб кетган Амин ал-Малик Сайфиддин Иғроқнинг бошига қамчи билан уради. Жалолоддин эса Амин ал-Маликни бу иши учун жазоламайди (Амин ал-Малик Жалолоддиннинг қайнотаси эди, балки Амин ал-Маликнинг жазоланмаганига шу ҳам сабаб бўлиши, эҳтимол). Бу номусга чидай олмаган ва қаттиқ ранжиган Сайфиддин Иғроқ ўз яқинлари бўлган лашкарбошилар — Аъзам Малик ва Музаффар Маликларни олиб, Жалолоддин қўшинини тарк этади. Бунинг натижасида хоразмшоҳ қўшини ярмига қисқаради.

Синддан сакраган саман...

Хуфиялари орқали Жалолоддиннинг ички муаммоларидан бохабар бўлган Чингизхон Султон қўшинларини қайта бирлаштириб ёки уларнинг қочилишига йўл қўймастик учун бир ҳафталик йўлни икки кунда босиб ўтадиган даражада тезлик билан таъқиб қила бошлайди. Вазиятни тўғри баҳолаган Жалолоддин эса зудлик билан Ҳиндистонга ўтиб кетиш ва у ердан ўзини тиклаган ҳолда Чингизхонга қарши ҳужумни ташкил этиш учун Синд (Ҳинд) дарёси томон ошиқади.

1221 йилнинг 24 ноябрида Жалолоддин Синд дарёсига яқин келганида Чингизхон унга етиб олади ва ўртада, таъбир жоиз бўлса, XIII асрнинг энг машҳур жанги рўй беради. Жангда мусулмонлар қўшинининг марказига раҳбарлик қилган Жалолоддин қўшини ўзидан бир неча баробар кўп

бўлган мўғуллар қисмини янчиб ташлайди.

Лекин Чингизхоннинг пистирмада турган 10 минг захира қўшини жангга кириши билан жанг ташаббуси мўғуллар томонига ўзгаради (Чингизхоннинг захира қўшини «кешик» деб номланиб, улар тажрибали қўмондонлардан тузилган. Чингизхон жуда зарур ҳоллардагина уларни жангга ташлаган). Қуршаб олинган Жалолоддин ярим кун мобайнида мўғуллар билан олишади. Унинг 2 та оти ишдан чиққач, рикобдорлар (ҳукмдор отини етаклаб юривчи, ҳукмдор узангиси соҳиб) захирадаги отни келтиришади.

Ушбу отга ўтирган Жалолоддин ўраб олувчиларнинг нисбатан заиф кўринган дарё томонида от солиб, у ерни ёриб чиқади, аҳли ҳарамини ҳам Чингизхон қўлига тушмаслиги учун дарёга йўналтиради. Ўзи эса садоқатли оти билан биргаллик 18-20 метрли жарликдан дарёга сакрайди. Чингизхон эса Жалолоддиннинг ортидан камондан ўқ узмоқчи бўлганларни тўхтатиб, унинг жасоратига лол бўлиб қолади. Шу вақтга қадар Чингизхон бундай рақибга дуч келмаган эди.

Ўз ажали билан ўлгунга қадар...

Хуллас, ўлжалар орасидаги бир қимматбаҳо от саркардалар ўртасидаги зиддиятни келтириб, умумдавлат, умумхалқ тақдири ҳал бўладиган паллада Жалолоддин имкониятларини қамайтириб, унинг кучларини заифлаштирди. Кучларнинг тенг эмаслиги Жалолоддиннинг Чингизхон қуршовида маълум муддат қолишига сабаб бўлди. Иккинчи от эса уни душман қўлидан қутқариб, дарёнинг нариги соҳилига олиб ўтди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу вақтдан бошлаб Жалолоддин мазкур отни эъзозлаб, минмасдан яна 5 йил, яъни 1226 йил ўз ажали билан ўлгунга қадар ўзи билан олиб юрди (Ҳозирги Грузия пойтахти Тбилиси эгалланиши жараёнида от ўлган эди). Шунинг учун ҳам қадимги ва ўрта аср буюк саркардаларининг ярим баҳодирлигини уларнинг отлари билан боғлаш жоиздир.


Ирода ШАМСИЕВА,
тарих фанлари номзоди.

«RETRO-SANIFA»

Тошкент телеминораси

Ўзига ўхшаш тузилмалар ичида Марказий Осиёда энг баланд иморат. Баландлиги 375 метрни ташкил этади. Бино 6 йил давомида қурилган: 1978 йилдан қурилиши бошланган ва 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган.

1991 йилда Тошкент телеминораси дунёнинг Буюк миноралари федерациясига киритилган. 200 та минора ичида минорамиз 11-ўринни эгаллаган, МДХ давлатлари орасида эса Москвадаги Останкино телеминорасидан кейин 2-ўринда туради.



Туризм субъектлари учун қатор имтиёзлар бериш тартиби белгиланди.

ИМТИЁЗ

Кимларга кўп йиллик меҳнати учун устама тўланади?

— Айтишларича, шу кунларда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари учун янги имтиёзлар жорий этилибди. Тизимда қатор ўзгаришлар амалга оширилган экан, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нигора ЎРОЛОВА,
Самарқанд вилояти.

Фурқат САНАЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб тизим ходимларига кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инobatта олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан коэффициентларда). Бунда 1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йил ва ундан ортиқ вақт фаолияти учун — 1,5 коэффициент устама тўланади.

Шунингдек, қарорга кўра, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий этилди. Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори лавозими тугатилди. Худудий бошқармалар раҳбарлари энди вилоят ва туман ҳокимлари билан келишилган ҳолда тайинланадиган бўлди.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

Ўқув курси учун кимдан рухсат олинади?

— Чет тили бўйича ўқув курси ташкил этмоқчиман. Бунинг учун ҳокимиятдан рухсат олишим керакми?

Нигора ОЛИМОВА,
Фарғона вилояти.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Бу ўринда ҳокимликдан рухсат олишга зарурат йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 июлда лицензиялаш тартибларини соддалаштириш юзасидан махсус қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ҳокимликларнинг лицензиялаш ва рухсат беришга оид бир қанча ваколатлари бошқа давлат органларига ўтказилган.

Хусусан, чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш — Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаларига ўтказилди. Шунга кўра, сиз чет тили бўйича ўқув курси очмоқчи бўлсангиз, худуддаги халқ таълими бошқармаси ё бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

ҲУҚУҚ

Сиёсий бошпана бериш тартиби ишлаб чиқилади

— Юртимизда ҳам энди айрим чет эл фуқароларига сиёсий бошпана берилиши мумкин экан. Шу тўғрими?

Роман КАТТАБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди. Ҳужжатда Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, мамлакатда бўлиш, сиёсий бошпана бериш тартибини, асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, кириш-чиқиш ва транзит ўтиши, давлат хизматларидан фойдаланиш ва бошқа ҳолатларни акс эттириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистонда сиёсий бошпана бериш тартиби ва шартлари Президент томонидан белгиланади. Шахснинг Ўзбекистон Республикасида берилган сиёсий бошпанаси Президентнинг тегишли фармони билан амалга оширилади.

ЭКОЛОГИЯ

«Овчилик хўжалигини қандай ташкил қилсам бўлади?»

— Эшитишимча, жисмоний шахслар ҳам овчилик хўжалиқларини ташкил этиш ҳуқуқига эга экан. Бундай ҳуқуқни қўлга киритиш учун нима қилиш керак?

Камолиддин ТУРҒУНОВ,
Сурхондарё вилояти.



Собир МАШРАБОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бошқарма бошлиғи:

— Дарҳақиқат, «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги қонунга кўра, овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи юридик ёки жисмоний шахслар билан ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома, агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди ерларида жойлашган бўлса, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан, агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди таркибига кирмайдиган ерларда жойлашган бўлса, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан имзоланади.

Шартномада овчилик хўжалигининг номи, юридик шахснинг номи ва реквизитлари, жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари, шартноманинг амал қилиш муддати, овчилик хўжалигининг жойлашган ери, чегаралари ва майдони, шу жумладан, биотоплар бўйича — тоғлар, чўл, ўрмон ёки сув билан қопланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар акс этиши керак.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ногиронни парваришлаш даври иш стажига қўшиладими?

— Онам I гуруҳ ногирони. Ҳозирги кунда тўлиқ парваришга муҳтожлиги учун синглимнинг қарамонига. Синглимнинг меҳнат стажини ҳисоблашда онамни парвариш қилаётган даври инobatта олинadими?

Отабек МАДАМИНОВ,
Наманган вилояти.



Шухрат ДАВРОНОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари:

— Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга асосан, I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиладиган меҳнат фаолияти тури ҳисобланади. Бунда мазкур меҳнат фаолияти умумий иш стажига камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Қараб туриш вақти тегишли далолатнома, ногиронликда бўлганликни, ёшни тасдиқлайдиган ҳужжатлар, шунингдек, ўзганинг парвариши зарурлиги тўғрисида (кексалар учун) даволаш муассасасининг тиббий хулосаси асосида белгиланади. Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларидан ва шахслардан, шунингдек, уларнинг қўшниларидан сўраб чиқиш асосида Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

